

Г.М. АҲМЕДОВА

**РУСИЙЗАБОН ЎҚУВЧИЛАР
НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ
ЎСТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК
АСОСЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ

TOSHDO'TAU



0000002516

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ


Г.М.АХМЕДОВА

РУСИЙЗАБОН ЎҚУВЧИЛАР
НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ
ЎСТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК
АСОСЛАРИ

МОНОГРАФИЯ



ТОШКЕНТ – 2019



УЎК: 372.881.1(072)

КБК 74.268.1Рус

А 98

А 98

Г.М. Аҳмедова. Русийзабон ўқувчилар нутқий мулоқот маданиятини ўстиришнинг илмий-методик асослари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 152 бет.

ISBN 978-9943-5835-0-4

Ушбу монографияда таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқий мулоқот маданиятини ривожлантириш, шу жараёнда қолип-гапларни ўргатиш методикаси ёритилган.

Монография ўзбек тили ўқитувчилари, педагогика олий ўқув юртлари талабалари, тадқиқотчи-изланувчилар учун мўлжалланган.

УЎК: 372.881.1(072)

КБК 74.268.1Рус

**Масъул
муҳаррир:**

Р.Расулов – филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Р.Х.Ниёзметова – педагогика фанлари доктори, профессор;

Р.Расулов – филология фанлари доктори, профессор;

С.Х.Муҳамедова – филология фанлари доктори, профессор.

Монография Тошкент педиатрия тиббиёт институти Кенга-шининг 2019 йил 27 майдаги 11-сонли қарори билан нашр этилди.

ISBN 978-9943-5835-0-4

© «Fan va texnologiya» nashriyati, 2019.

КИРИШ

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимининг бошланғич босқичидан бошлаб ўқувчиларга диалогик нутқ ўстириш орқали мулоқот маданиятини сингдириш учун кенг имониятлар очилди. Мулоқот маданиятини эгаллашнинг бўлғуси мутахассислар учун аҳамияти бениҳоя каттадир. Лекин таълим рус тилида олиб бориладиган синф (гурух)ларда ўқувчиларнинг нутқи ҳануз етарли ривожланмаётганлиги, уларнинг муомала жараёнида эркин қатнаша олмаётганликлари, муомала одобига доир берилмаётган маълумотларнинг озлиги, қолип-гапларнинг тўлиқ ўрганилмаётганлиги сабабли тил ўрганиш самарадорлигига путур етмоқда. Маълумки, қолип-гаплардан нутқда фойдалана олишнинг ўзи ҳали нутқ ўсаётганлигидан далолат бермайди: ўқувчилар турли синтактик қурилмалар шаклидаги лўқмаларни мустақил равишда туза билишлари ҳам керак. Диалогик нутқ ўстиришдаги мавжуд камчиликлар ёшларнинг кейинчалик давлат тилида мулоқот жараёнида фаол иштирок этишларига салбий таъсир кўрсатади. Вазиятни ўнглаш мақсадида ўзбек тилидан яратилаётган янги авлод дарсликларида нутқий мулоқот маданиятига (айниқса, унинг оғзаки шаклига) доир иш турларини, машқ материалларини бойитиш, миқдор жиҳатидан кўпайтиришгина эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам яхшилашга ҳаракат қилинмоқда. Давлат таълим стандарти талабларида, ўқув дастурларида ҳар бир синф ўқувчиси муомала маданиятининг қайси томонини билиши зарурлиги тобора кенг кўламда, равшанроқ таъкидланмоқда. Мулоқот маданиятини ўстиришга доир ишлар тизимлилик, мунтазамлик тусини олиши учун ўқув материалларининг етарли бўлишига эришиш, ўқитувчиларни тегишли методик қўлланмалар билан таъминлаш даркор.

Юқорида айтилганларни назарда тутган ҳолда биз мулоқот кўринишларидан бири – **оғзаки нутқий мулоқот** масалаларига кенгрок тўхталамиз.

1-БОБ.

ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Нутқий мулоқот маданияти тушунчасининг талқини, структураси, ривожланиш шарт-шароитлари

Монографиямизнинг дастлабки 1.1-фаслини диалогик нутқ, нутқий мулоқот маданияти, унинг структураси, мулоқотнинг турлари, содир бўлиш шарт-шароитлари талқинига бағишладик. Булар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб, ушбу йўналишдаги таълим жараёнининг бугунги кундаги ҳолатини таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, методикасини ишлаб чиқишга қаратиладиган зарур лингводидактик, педагогик ва методик асосларни мақсадга мувофиқ тарзда изчил ёритиш масалаларини ҳал этиб бўлмайди.

Бугунги кунда ўзбек тилини ўқитиш самарадорлигини оширишда дарсларда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш ишларини педагогик технологиялар даражасига етказиб ташкил этишнинг аҳамияти катта. Бу ишлар таълим мақсади асосида лойиҳаланади. Мақсад эса нимани қанча, қай савияда, қандай қилиб ўқитиш кераклигини белгилаб беради.

Оғзаки нутқ диалог ва монолог шаклларида рўёбга чиқади: Диалогик нутқ ўстириш деганда диалог шаклида сўзлашни ўргатиш англанади. Диалог нутқий мулоқотни ўргатиш жараёнининг (таълим жараёнининг) асосини ташкил этади. Е.В.Коротаяева бундай мулоқотнинг табиати ҳақида гапириб, шундай ёзади: «...вазиятлилик (сўзлашув шарт-шароитига боғлиқлик), матнийлик (ўзидан олдинги айтилганлар билан шартланганлик), эркинликнинг йўқлиги (непроизвольность) ва оз даражадаги ташкил этилганлик (режалаштирилмаганлик тавсифи) билан характерланадиган нутқ кўриниши сифатида тушунилади» [36; 22-б.].

Диалогик нутқ лукмалар ва қолли-гаплардан тузилади. Лукмалар таркиби ўрганиладиган, ўқувчилар мустақил равишда тузини мумкин бўлган гаплардир. Ўзбек тили дарсларида бундай гаплар икки йўл билан ўргатилади: 1) тайёр лукмаларни ёд олдирини; 2) мустақил равишда гап тузишни машқ қилдириши.

Иккинчи йўл пировардида эркин мулоқотга ўтиш имконини беради. Биринчи йўл хусусида турли хил мушоҳадалар мавжуд. Масалан, методист олима Р.О.Набиева тайёр жумлаларни нутқда қўллай билиш ҳали кишининг ўзга тилда гапира олишидан далолат бермайди, деб таъкидлайди [52; 21-б.]. Дарҳақиқат, ўқувчи эслаб қолган гапларини мос вазият келганда ишлатиши мумкин, холос. Бошқача айтганда, у гапни нутқий вазиятга мослаб ўзгартириб қўллай олмайди. Бундай нутқда диалогик луқмалар муаллақ ҳолда талаффуз қилинади, яъни суҳбатдошга қаратилмайди. Жонли сўзлашувга яқинлаштириш учун эса муомала одобидан келиб чиқадиган талаффуз хусусиятлари ўзлаштирилиши лозим. Методист олим Р.Йўлдошевнинг монографиялари ва методик қўлланмаси [27], [28], [26] замирида русийзабон ўқувчиларга мустақил равишда гап тузишни ўргатиш керак деган гоя ётади.

Нутқ ўстириш диалогик луқмаларни туза билишдангина иборат эмас. Методист олима Н.И.Формановскаянинг фикрича, тилдан фойдаланишда ҳар бир жамиятда қарор топган нутқий хулқ-атвор қоидалари, тил бирликларини вазиятга қараб қўллашнинг ёзилмаган қонун-қоидалари билан боғланган нутқий хулқ-атвор қоидаларини ҳам назарда тутиш муҳимдир [86; 3-б.]. Таълим мазмунида лексик ва грамматик материаллардан ташқари, муомала одоби қоидалари ҳам акс этмоғи лозим. Шундай экан, диалогик нутққа доир таълим мазмунини (БКМлар), машқ ва топшириқларни пишиқ-пухта, нутқ маданиятини эгаллашга йўналтирилган ҳолда лойиҳалаш жуда катта аҳамиятга молик тадбирдир. Бунда «нутқий мулоқот маданияти» тушунчаси нималарни ўз ичига олишини назарда тутиш лойиҳанинг баркамоллигини таъминлайди.

Диалогик нутқда луқма учинчи кишининг суҳбатга аралашуви маъносида ҳам англаниши мумкин. Саҳна асарларида ремарка сўзи луқмага яқин келади. Тилшунос олим Йўлдош Сулаймонов “Ремаркалар ҳақида” номли мақоласида ёзувчи қахрамон кайфияти, ҳис-туйғуларини батафсилроқ очиш учун репликанинг (луқманинг) муаллиф ремаркаси билан ўзаро алоқасини, баён билан реплика муносабатларининг алоҳида вазифаларини излашга уринади. Диалогни ташкил этишда ремарканинг ўзига хос тарзда жойлашуви, ўрин алмашиш усуллари ва

зиддиятли қиёслашлар муҳим. Ремарка вазифаси ҳамда хизмат доирасини қуйидагича:

1. Диалогда қатнашаётган персонажларнинг нутқий тавсифи, ташқи қиёфаси, аини вазиятдаги ҳолатларини ифодаловчи ремаркалар.

2. Ремарканинг диалог билан “пайвандлашиш” усули ва ички тартибининг ўзига хослиги. Бунда муаллиф ремаркасининг диалог механизми ривожланишини таъминлашдаги стилистик роли инобатга олинади.

3. Ремарканинг муаллиф фойдаланаётган тил унсурларининг “асли-насли”ни ўрганиш, яъни бунда қаҳрамоннинг сўзлашув тарзи, улар ишлатаётган сўз ва ибораларнинг замон ва маконга мослиги, лексик-семантик қурилиши масалаларига эътибор берилади.

4. Ремарка зиммасига юкланган ахборотнинг эстетик қимматини ўрганиш, яъни муаллиф илгари сурган ғоявий-эстетик ва сюжет-композицион ниятни ўқувчига тўлароқ етказишга ёрдамлашадиган бадий тасвир воситаларининг роли ва уларнинг нутқдаги стилистик ўзига хослиги аниқланади.

«Нутқий мулоқот маданияти» тушунчаси «мулоқот», «нутқий мулоқот», «оғзаки нутқий мулоқот маданияти», «мулоқот маданияти», «муомала одоби» («нутқий этикет») тушунчаларининг жамламаси саналади. Ушбу тушунчалар мулоқотнинг амалга ошувини белгилаб берувчи омилларга ишора қила олади. Тилшунос ва методист олимларнинг асарларида [85], [91], [69], [43], [6], [7] уларга турли мазмунда таъриф ва тавсиф берилган. Ушбу таъриф ва тавсифларда асосий фикр лисоний билимлардан ташқари, ижтимоий муносабатларга бориб тақалади. Аини субъектив-аъмолий мулоқот шароитида диалог шахнининг ўзлигини ва атроф воқеликни англаш усули ҳисобланади [11; 23-б.]. Нутқий этикет нутқда, мулоқот матнида бутун сўзлашув мобайнида намоён бўлади, лекин у суҳбатдош билан алоқа ўрнатишда, ушбу алоқани қўллаб-қувватлаб туришда айниқса муҳимдир [86; 3-б.].

Мулоқот жараёнида ёшларда ўз қадр-қимматини билиш ҳам содир бўлади. Диалогда шахс ўз-ўзига мос баҳо бериш, ўзлигини тўлақонли жорий этиш, ҳодисаларнинг ва предметларнинг маънисини аниқлай олиш лаёқати шароитида ўзини, ўзининг

ноёб ва ғайриоддий эканлигини намоён этиди [11; 23-б.]. Зеро, ижтимоий ҳаётдаги нутқий мулоқот учун сўз танлаш ва ишлатиш маҳоратининг ўзи етарли эмас: суҳбатдошлар ўз луқмаларида (мустақил равишда тузиладиган гаплар ёки ёд олиб ишлатадиган шаблон сўз-гаплар, қолип-гаплар) ижтимоий муносабатларни ҳам кўзда тута билишлари даркор. «Нутқий мулоқот маданияти» дегандаги “маданият” сўзи айни шу муносабатлардан келиб чиқиш зарурлигини билдиради. Шунга кўра ҳам ёшлар муомала одоби қоидаларини ўргана боришлари лозим.

Биз ушбу тушунчаларга берилган талқинлар асосида «оғзаки нутқий мулоқот маданияти» тушунчасига оидлик киритиб олдик.

Мактаб таълимида ўқувчиларга “мулоқотни ўргатиш” эмас, балки “диалогик нутқ ўстириш” тушунчаси ишлатилади. Хорижий тилларни ўқитишга доир мавжуд методик адабиётларда «мулоқот» ва «диалог» тушунчаси фарқланган бўлса-да, аслида диалогнинг таърифи мулоқот тушунчасига берилган таърифга яқин келади. Е.М.Розенбаум диалогни Л.В.Шчерба берган қуйидаги таърифдан келиб чиққан ҳолда ўзаро мулоқотга киришган икки шахс ўртасидаги тўсатдан юз берадиган ўзаро нутқий таъсир деб, унда акс этган мазмун нутқий вазият ёки суҳбатдошларнинг луқмалари орқали белгилаб берилади, деб тушунтиради [69; 14-б.]. Ўқувчиларда нутқий мулоқот маданиятини шакллантириш мазмуни диалогик нутқ ўстириш мазмунини ифода этибгина қолмай, аслида ундан ҳам кенгроқ тушунча саналади.

Методист олима Ф.Аминова мактаб таълими нуқтаи назаридан мулоқот тушунчасига берган таъриф диалог тушунчасининг талқинига жуда яқин келади: «Мулоқот – икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир-бирига қаратилган оғзаки ёки ёзма нутқи. Оғзаки ҳамда ёзма нутқ оғзаки ёки ёзма матн шаклида ифодаланади. Мулоқот шахслараро ўзаро фикр алмашиниш воситасидир. Мулоқот матни эса икки ёки ундан ортиқ шахснинг матн воситасида ўзаро фикр алмашиш шаклидир» [6; 4-б.]. Олиманинг таърифи ва изоҳидан мулоқотнинг оғзаки ва ёзма (матн) шаклда бўлиши ҳам англашилади.

Профессор В.И.Андриянова ўзаро мулоқотга киришган шахсларнинг ўзаро муносабати жамоавийлик билан боғлиқ ҳолда амалга ошувини алоҳида таъкидлайди. [7; 96-б.]. Бундан шуни

англаш мумкинки, суҳбатдошлар шунчаки фикр алмашмайдилар – улар луқма танлашда ижтимоий муносабатларни ҳам ҳисобга оладилар. Ҳаётгий муносабатларда одамлар кўпроқ *ўзаро мулоқотдан* фойдаланадилар. Бу нарса кишилар ўртасида вақти-вақти билан содир бўладиган мураккаб ўзаро таъсир жараёнидир. Мулоқотсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Кишилар фикр алмашадилар, ўз туйғуларини ифодалайдилар ва ҳ.к. Тўғри, «Инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бири ўзаро мулоқот қилишдир. Ҳар бир шахс ўз фикрларини баён қилиш, ён атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазаларига жавоб қайтариш, бировдан ёрдам сўраш, хоҳишини изҳор қилиш учун улар билан мулоқотга кириша билиши керак» [6; 14-б.]. Сўзшунослик санъатини, оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини, шу жумладан, мулоқот маданиятини ўзлаштириш ҳар бир киши учун у қандай фаолият билан шуғулланишидан қатъи назар жуда зарур [57].

Шу нарса маълумки, ўқувчини янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳар томонлама тайёрлаш, жумладан, уларнинг касбий нутқий мулоқот маданиятини шакллантириш ниҳоятда зарур. «У, хусусан, кундалик-маиший, маъмурий соҳаларда, ишга жойлашишда ва замонавий меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иш юзасидан бўладиган мулоқотнинг нутқий этикетларини эгаллашда коммуникатив лаёқатни шакллантиришга қаратилган» бўлади [73; 66-б.].

Демак, “мулоқот” тушунчаси “гапириш”, “гаплашиш” тушунчаларидан анча кенгдир. Суҳбатдошлар сўздангина эмас, балки баъзан имо-ишоралардан ҳам фойдаланадилар. Имо-ишоралар ҳам фикр баён қилиш ва алмашиш воситаси саналади [53], [4]. Бу ўринда *нутқий ва нутқий бўлмаган мулоқот* турлари ўзаро фарқланиши мумкин.

Тилшунос олим Ў.Ҳ.Исламов ўз тадқиқот ишида Алишер Навоий нутқ (тил) маданияти тушунчасига яқин маънода *фасоҳат* сўзини ишлатганлиги, бу сўз «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «Чиройли ва ёқимли сўзлаш қобилияти, нутқнинг аниқ ва раволиги» деб талқин қилингани, Навоий нутқ маданияти масаласига уч нуқтаи назардан: а) оддий сўзлашув (кундалик) нутқий фаолият нуқтаи назаридан; б) бадиий тил, бадиий асар тили, ёзувчи (шоирлар)нинг нутқи маъносида; в) нотиклик ва нотиклар олдига қўйиладиган талаблар сифатида ёндашганлиги

таъкидланади, ниҳоят, фасоҳатли маданий нутқни юзага чиқарувчи лисоний ва нолисоний омилларни баён қилади [24; 80–81].

Бу ўринда ҳар биримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алаллоҳу васалламнинг бизга айтган: *“Қаерда бўлсанг ҳам, одамларга чиройли хулқ ила муомала қил”*, - деган сўзларига амал қилишимиз зарур.

Киши суҳбатга қўшилганда кўнгилни хира қиладиган луқмаларни айтишдан ўзини тийиши керак. «Тил яраси битар, дил яраси битмайди» деган нақлни эсга олайлик. Суҳбатдошининг сўзидан ўзаро муомала дарз кетса, уни тиклаш қийин. Сўз заргари Ҳазрат Алишер Навоий кишилар нутқининг маъноси жуда ҳам кенг, янада серҳикмат бўлиши кераклигини қуйидагича таъкидлайди:

Неча буюк айласанг сўзингни,
Ондин буюк этгайсен ўзингни.

Унинг яхши сўзнинг инсон руҳиятини кўтариши, дағал, кўпол сўзлар эса инсон дилини хуфтон қилиши тўғрисидаги турҳикмат сўзлари бугун ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Қадимда бизнинг ўтмиш алломаларимиз оқил инсонни тарбиялашда ундаги муомала маданиятини юксалтиришга зўр эътибор билан ёндашганлар. Масалан, Алишер Навоий бобомиз ҳамиша ҳар бир кишининг сўзи майин, ширин бўлишига катта аҳамият бериб борган. Демак, хушмуомалалик буюк мутафаккирларимиз фикрларича, инсонийлик маданиятининг негизидир.

Улуғ сўз меъморларидан Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асарида бу ҳақда шундай дейди:

Эрким сўз важдан тахтга эгадир,
Сўзким эр бошини ерга эгадир.

Яъни киши сўзи туфайли тахтга ўтиришга лойиқ бўлади ёки маломатга қолиб, бошини куйи эгади.

Мулоқот қандайдир илгаридан таниш мазмундан иборат луқмалар билан фикр алмашишдангина иборат эмас. Фикр алмашиш деганда суҳбатдошларнинг ўз билимлари, тажрибалари билан ўртоқлашишлари ҳам тушунилади. Ўзаро сўзлашувчилар

ўзлари билмаган нарсаларни бир-бирларидан сўраб биладилар, бир-бирларининг қувончу шодлиги сабабларидан воқиф бўладилар. Бошқача айтганда, фикр алмашиш жараёнида суҳбатдошлар ўз ҳис-туйғулари ҳақида ҳам сўз юритадилар. Зеро, туйғуни ифодалаш жараёни кишининг ўз шодлиги, ғам-ташвишлари, таассуротларини эмоционал-экспрессив воситалар ёрдамида билдиришларини англатади. Масалан: «*О, қандай яхши, мен қандай омадлиман-а!?*», «*Қойил, боладимми сизни?*»

Биринчи гапда сўзловчи ўз ҳаяжонини англатаётган бўлса, иккинчи гапда ўз муносабати натижасини муҳокама қилиш ниятини англатади.

Ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси ортган, муомала одоби қоидалари бойиган сайин ижтимоий муносабатлар ҳам чуқурроқ англаниб боради.

Мулоқотнинг юзага келиши учун кишида бошқаларга етказиш учун фикр туғилиши, яъни суҳбатдошлардан бирида кимгадир айтмаса бўлмайдиган фикр пайдо бўлиши ва бир-бири билан мулоқот қилиш учун мавзу топилиши лозим. Айни пайтда сўзловчида суҳбатдошининг ўзидаги ушбу фикрларга муносабатини билиш истаги пайдо бўлиши зарур. Табиийки, буларнинг барчаси рўёбга чиқиши учун иккала суҳбатдош ўзлари сўзлашаётган тилни муайян даражада эгаллаган бўлмоғи даркор. «*Фақат шундагина гапирувчининг фикрлари ва туйғулари бошқаларга тушунарли бўлади*» [57].

Демак, мулоқотни амалга ошириш учун субъект, адресат, улар учун умумий ва таниш бўлган тил, нутқий вазият, яъни, уни амалга оширишда лисоний БКМлар билан бирга сўзлашиш истагини уйғотадиган муддао, ижтимоий муносабатлар ва суҳбат мавзуси мавжуд бўлиши зарур. Айни шу таркибий қисмларнинг ҳаммаси мужассам бўлган тақдирдагина мулоқот давомли бўлади.

Демак, одамда фикр туғилса, уни бошқа бирор кишига етказиш истаги пайдо бўлса, тилдан нутқий мулоқот мақсадида фойдаланиш уни нутқий ҳаракатга ундайди. Бу ҳаракат сўз (луқмалар) танлаш, уларни тегишли оҳангда талаффуз қилиб айтишда ўз ифодасини топади. «...инсон овози таъсирида пайдо бўлган акустик тўлқин ўзида фикр ва туйғуларни ифодалайди, бошқа инсоннинг сезгисига (эшитишига) етиб боради ва натижада

жамики фикр ҳамда кечинмалар ўша инсонга тушунарли бўлади, у уларнинг яширин мазмун ва моҳиятини англайди» [42].

Э.А.Аъзамхўжаева муомала мақсадини қуйидаги тарзда тасниф қилади: 1) ўқувчиларнинг ўзаро алоқага киришишидан кўзлайдиган мулоқот мақсади; 2) ахборот узатиш мақсади; 3) ундовчи мақсад; 4) шахслараро муносабатни мувофиқлаштиришга қаратилган мулоқот мақсади; 5) ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик фаолияти ҳосиласини тушунтиришга қаратилган мулоқот мақсади; 6) муомалада туйғу ифодалаш эмотив мақсади; 7) муомала жараёнида шахслараро муносабат ўрнатиш мақсади; 8) муомала иштирокчиларининг ўзаро таъсир ўтказиш мақсади [8; 9–10-б.].

Р.О.Набиева мулоқот мақсадини таснифлашда нутқий мулоқотга мувофиқ қуйидаги асосий аъмолларни ҳисобга олади:

- 1) мулоқот аъмоли;
- 2) экспрессив (ёки эмотив) аъмол;
- 3) мурожаат аъмоли;
- 4) алоқа ўрнатувчилик аъмоли;
- 5) металингвистик аъмол (текшириш вазифаси) [52; 32-б.].

Ўқувчининг шахсий ҳаёт тажрибаси, фикр-мушоҳада кенглиги, ижодий қобилиятлари, ақлий имкониятлари, суҳбатдошининг сўзларидан унинг руҳиятини илғай олиши, ўзаро ўхшаш жиҳатлари билан боғлаб суҳбатни давом эттира олиши мулоқот олиб бориш лаёқати саналади. Ҳазрати Румийнинг «Сўз ҳақиқатнинг сояси, парчасидир. У баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки уларнинг иккаласида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир», - деган фикри мулоқотга киришган одамларнинг ҳолатини яққол ифода этади.

Демак, мулоқот, бир томондан, суҳбатдошлар ўртасида содир бўлиб, улардан муайян ақлий ва руҳий сафарбарликни, лисоний билим, кўникма ва малакаларни, ҳаётий тажрибани, муайян ахборотга эга бўлишни талаб этади, иккинчи томондан, ижтимоий муносабатлар билан шартланадиган муомала одобини, сўзловчининг шахсий фазилатларини ҳисобга оладиган бирор нутқий вазиятга мос алоқа жараёнини кўзда тутати.

М.Ю.Маҳкамова мулоқот тушунчаси ўрнида муомала сўзини ишлатади [43; 5-б.]. Лекин, бизнингча, мулоқот муомалага нисбатан кенгроқ маъноли тушунча. Суҳбатдошлар ўртасидаги

фикр алмашув жамиятда белгиланган, ижтимоий шартланган одоб-ахлоқ доирасида олиб борилиши керак экан, бунда суҳбатдошларнинг муомала одоби қоидаларига риоя этишлари кўзда тутилади. Халқ тилида «Муомалангни тўғрилаб ол», «Муомалангни яхши қил», «Муомалани билмайди» деган ифодалар ишлатилади. Бу ўринда муомала тушунчаси муомала одоби тушунчаси ўрнида қўлланади.

Мулоқот тушунчасига берилган таърифлардан маълум бўлишича, у сўз воситасида ёки имо-ишоралар ёрдамида содир бўлиши мумкин. Сўз воситасидаги мулоқот нутқий мулоқот саналади. Ўз навбатида нутқий мулоқот оғзаки ва ёзма равишда амалга ошиши мумкин. Оғзаки нутқий мулоқотда иштирокчилардан бири гапиради, иккинчиси унинг гапларини тинглаб, мазмунини тушунишга ҳаракат қилади, жавоб қайтаришни ўйлайди. Ёзма мулоқотда эса фикр алмашувчилардан бири ёзади, иккинчиси уни ўқийди, зарур бўлганда, ёзма жавоб қайтаради.

Оғзаки нутқий мулоқот фикр алмашувдангина иборат эмас, балки муомала одобини ҳам намоён этишдир. Шунга кўра ҳам «нутқий мулоқот маданияти» тушунчаси ишлатилади. “Муомала одоби” тушунчаси хорижий адабиётларда «нутқий этикет» ифодаси билан қўлланади. Н.Б.Шешко ўзининг «Риторика» деган ўқув қўлланмасида ўзаро мулоқотнинг самарали кечиши ҳақида шундай ёзади: «Бошқа одамнинг фикрига қулоқ сола билиш, унга нисбатан хушмуомалали бўлиш – жамият аъзоларининг биргалликдаги самарали ҳаракатининг асоси» [91. 96-б.]. Муаллифнинг фикрича, «Хушмуомалалилик тамойили – бу инсон ҳаётининг исталган соҳасида этикет воситаларидан фойдаланишнинг умумий тамойилидир. Сўзловчи нечоғлик хушмуомала бўлса, унинг фикрларидаги кескинлик шунчалик кам бўлади» [91. 96-б.]. Н.И.Формановскаянинг таърифлашича, «Нутқий этикет суҳбатдошига эътиборли бўлишни, хушмуомалалиликнинг сўз билан ифодаланадиган шакллари йиғиндисини англатади...» [85; 4 ст.].

«Авесто», «Қобуснома», «Хотамнома», «Кутадғу билиг» сингари асарларда, буюк алломаларимиз Абу Наср ал-Фаробий, Умар Ҳайём, Алишер Навоий кабиларнинг муомала моҳияти, шунингдек, устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги мушоҳадаларида муомала одоби, сўзлаш қоидалари ва мулоқот йўсинларининг шахс камолотига таъсири баъзан мисоллар

асосида, баъзан ҳикматли сўзлар келтириш йўли билан баён қилинади.

Мусулмон илми олимларидан Шайх Содик Муҳаммад Юсуф ўзининг «Рухий тарбия» китобининг 1-жуздида мусулмон нафсини поклаш ва ахлоқини сайқаллашдаги уч мақсаддан бири унинг **“ўзгалар билан алоқасини ислоҳ қилишидир”**, - деб таъкидлайди. “Бундай ислоҳ қилишни қуйидагилар ташкил этади: ***Банданинг бошқаларга нисбатан кензбағир, гўзал муомалада бўлишини, рози бўлишини, тавозели, кечиримли бўлишини ўрганиши ва бошқалар***”.

Н.Б.Шешко ўзаро сўзлашувчиларнинг мулоқот чоғидаги хулқ-атворини нутқий этикет деб атайди. «Нутқий этикет – ёрдамида мулоқот жуфтлигини танлаш амалга ошадиган хулқ-атворнинг махсус усуллари ва белгилари мажмуаси; бу жамият томонидан қабул қилинган белгилар тизими, бу ижтимоий хулқ-атворни тартибга солишнинг ўзига хос шакли» [91. 96-б.].

Муаллиф нутқий этикетни умумлаштирган ҳолда шундай изоҳлайди: «Нутқий этикет деганда биз нутқий хулқ-атворнинг жамият томонидан юзага келтирилган, жамият аъзолари учун мажбурий, миллий ўзига хос, нутқий формулаларда барқарор қайдланган, айна пайтда тарихан ўзгарувчан қоидаларини тушунамиз» [85; 4-б.].

Тилшунос Қ.А.Расуловнинг номзодлик ишида ўзбек мулоқот хулқи сўзлашувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий ҳолати, турли касблар, жумладан, ўқитувчи касби нуқтаи назаридан социолингвистика асносида талқин қилинади. Муаллифнинг фикрича, «Социумнинг қайси даврга, қайси ижтимоий соҳага оид эканлиги унинг фақат нутқидан ёки қандай лексик бирликлардан фойдаланиши билан эмас, балки дунёқароши, ўзини тутуши (кинестика ҳолати), ташқи кўриниши, нутқининг шакли (ритми), талаффуз меъёри (тон) каби ўзига хос хусусиятлари, яъни рамзий ижтимоий маркерлари билан ҳам ажралиб туради [59; 18-б.].

Аён бўладики, ўзбек тилида нутқий мулоқотни ўрганиувчилар тегишли ҳажмдаги лисоний билимлар (жумладан, қоллип-гаплар) бойлигини эгаллашдан ташқари, мураккаб ижтимоий муносабатларни ифода этувчи лисоний билимлар билан танишиб, уларни ўзлаштириб бормоғи лозим.

Диалогик нутқ таркибида сўроқ олмошлари, муомала одобига оид сўз ва иборалар, юкламалар, ундовлар, кириш сўзлар кенг қўлланади. Гаплар, асосан, содда гаплардан ташкил топади, содда гапларнинг бир таркибли турлари, тўлиқсиз гаплар, сўз-гаплар фаол ишлатилади [41; 65-б.].

Бу каби лисоний билимларни ўзлаштириш жараёни тил эгаларининг ўзига хос лисоний маданиятидан (лингвокультурологидан) хабардор бўлиши лозимлиги билан янада мураккаб-лашади. Юқорида кўрсатилган маълумотлар доираси ўзбек тилида диалогик нутқ ўстириш кўламини ифода этади. Ушбу кўламини О.Г.Бирдинанинг диалог турларига доир таснифи янада кенгайтиради. У диалогнинг куйидаги турларига эътиборни қаратади: маънавий диалог, рефлексив (нутқий вазиятга мос) диалог, ўз-ўзини жорий этувчи диалог, иш юзасидан сўзлашув, интервью, баҳс-мунозара, полемика [11; 23–24-б.]. Лекин диалогнинг бирор нарсани муҳокама қилиш, янги билим олиш диалоги каби турлари ҳам бор.

Н.Б.Шешко нутқий этикет (муомала одоби) қоидалари ўзаро мулоқотга кирганларнинг ижтимоий мавқеи тенг бўлмаган, фарқ қиладиган, ёшида тафовут бўлган ҳолатларда кўпроқ намоён бўлиб, қатъий тус олганлик сифатини касб этишига эътиборни қаратади [91. 96-б.]. Табиийки, шарқона муомала одоби қоидалари мактабда синфдошлар, ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги мулоқотда маълум даражада жўнроқ бўлади. Ижтимоий муносабатлар мураккаблашган сайин муомала одоби қоидалари ҳам мураккаблашиб боради.

Н.И.Формановскаянинг таърифидан ҳам муомала одоби англанади: «Этикет бизнинг хулқ-атворимизни белгилаб беради. Бу биз столда ёки меҳмондорчиликда ўтирганимизда риоя қиладиган қоидаларгина эмас, балки умуман бизнинг барча ўзаро муносабатларимиз меъёрларидир» [85; 7-б.].

Этика тарбияли киши бўлишни хоҳлаганлар учун яхши тон (оҳанг) қоидаларини аниқловчи, тавсия қилувчи махсус бир фандир. *Эмос* (юнон тилида тўғри, ишончли деган маъноларни билдиради), тилшунослик фанида ишлаб чиқилган саводли хулқ қоидалари асосида гапириш – бу *этикет* деб номланади.

Муомала одоби қоидалари турли мулоқот вазиятларида (саломлашиш, танишиш, илтимос қилиш, кечирим сўраш, таб-

риклаш ва бошқа вазиятларда) қолип-гаплардан тўғри фойдаланишдир. Қолип-гаплар («Ассалому алайкум», «Кечиринг», «Хизмат бўлмаса», «Илтимос» ва б.) муайян нутқий вазиятларда ишлатилади, шу вазиятларга вариативлик асосида қайдланган бўлади.

Ҳар бир миллатнинг, жумладан, ўзбек халқининг ўзига хос этикет шакллари мавжуд бўлиб, унда шу халқнинг анъанавий одатлари ҳам ўз аксини топган. Салом беришнинг турли шакллари (қўллари кўксида, эгилиб таъзим қилиб, қўлларини елкага қоқиб, ачомлашиб,...) ўринли фойдаланилади. Кўп шарқ халқлари тилида фойдаланиладиган «Ассалому алайкум» ўзбек ва рус тилларида ҳам сиҳат-саломатлик тилаш билан бошланади.

Айрим тадқиқот ишларида қолип-гапларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилинган, Масалан, М.М.Базарованинг номзодлик ишида ижобий истак мазмунидаги бирликларнинг лексик, морфологик ва синтактик шаклланиш жиҳатлари ёритилган. Чунончи, ундалма вазифасида келувчи «оллоҳим», «ё раббим» каби сўзлар, «барака топгур», «онагинанг айлангур», «бўйгинангга қоқиндиқ бўлай» каби бирликлар талқин қилинади [9;17-б.].

Машхур тилшунос олим С.И.Ожегов ўзининг кейинги ишларидан бирида ёзишича: «Юксак нутқ маданияти – бу ўз фикрларини тил воситалари билан тўғри, аниқ ва таъсирчан етказа олиш малакаси. Лекин юкори нутқ маданияти учун тил меъёрларига амал қилиш, ўз фикрлари учун аниқ ифода воситаларини топиш етарли эмас, бу ўринда аниқланган ва маълум вазиятга энг тўғри келувчи, услубий жиҳатдан энг маъқулини танлашдан ҳам иборат», – дейди.

Хуллас, нутқий мулоқот маданияти ифодасининг асосини лингвистик ва нутқий лаёқатни шакллантирувчи лисоний билим, кўникма ва малакалар ҳамда муомала одоби қоидалари ташкил қилади. Лисоний билимлар, бир томондан, сўз бойлигини тўплаш, гап тузиш малакаларини эгаллаш, муайян қолип-гапларни, қолип-сўз-гапларни ўзлаштиришда ўз ифодасини топса, иккинчи томондан, улардан (диалог луқмалари, қолип-гаплардан) нутқий вазиятларга мос равишда фойдаланишни ўрганишни билдиради. Муомала одоби сўз танлашдан ташқари, хушмуомала бўлиш, зарур бўлганда, тегишли

мулозамат кўрсата олиш ва бошқа шу каби фазилатларни ҳам ўз ичига олади:

– *Майли, мен розиман, фикрларингиз менга ёқди.*

Ана шундай мулоқот маданияти уни ўзига жо этган фарзанднинг шахс сифатида камол топиб боришида муҳим роль ўйнайди. Юксак маданиятли кишилар доим хушмуомала бўлишган, суҳбат қурганларида доим хурмат сақлаб, мулозамат билан чиройли хулқ ва ахлоқий маданият чегарасида, ёқимли оҳангда муомала қилишган.

Лингвистик, прагматик тадқиқотларда уч турдаги мулоқот ажратиб кўрсатилади: нутқий ҳодиса, нутқий вазият, дискурс, яъни манتيқий фикрлашга асосланган мулоқот. Дискурс шундай матнки, унда мулоқотнинг барча экстралингвистик тавсифлари прагматик, социомаданий, психологик жиҳатдан мужассамланган бўлади.

Юқорида «нутқий мулоқот маданияти», «оғзаки нутқий мулоқот маданияти» тушунчалари талқинларида (келтирилган изоҳлар, таърифларда) мулоқот турлари ҳам тилга олингани аён бўлди, мулоқот тушунчасининг мазмун-моҳияти ойдинлашди. Энди мулоқот турлари ҳақидаги талқинларга ўтиш мумкин.

МУЛОҚОТ ТУРЛАРИ

Мавжуд адабиётларда мулоқот турлари бир қадар тўлиқлик билан саналган. Тилшунос олим Г.Г.Винокурнинг «Русский язык» номли ўқув кўлланмасида [13] сўзлашув соҳалари ва шаклларига кўра нутқий мулоқот қуйидаги турларга ажратилади:

1. Фатик мулоқот;
2. Ахборот билан боғлиқ мулоқот;
3. Вербал ва новербал мулоқот;
4. Шахслараро, гуруҳли ва оммавий мулоқот;
5. Контакт ва дистант мулоқот;
6. Расмий ва норасмий мулоқот;
7. Профессионал (касбий) ва маиший мулоқот;
8. Бевосита ва бавосита мулоқот;
9. Оғзаки ва ёзма мулоқот;
10. Диалогик-монологик мулоқот.

Ушбу таснифдаги мулоқот турларидан айримлари (нутқий ва нутқий бўлмаган – вербал ва новербал, оғзаки ва ёзма мулоқот) ҳақида юқорида озми-кўпми сўз юритдик. Методист олима Ф.Аминованинг мулоқот тушунчасига берган таърифида мулоқотнинг нутқий мулоқот ва нутқий бўлмаган мулоқот (имоишоралар) бўлиши эслатилиб, шулардан нутқий мулоқот икки турли (оғзаки нутқий мулоқот ва ёзма нутқий мулоқот) бўлиши айтилиб, ёзма мулоқот, мулоқот матни яратиш масалалари тўғрисида гапирилган. Тадқиқотчи ёзма мулоқотда тарафлар матндан (ёзишмалардан) фойдаланишларини таъкидлаб, мулоқотнинг ана шу кейинги тури, яъни мулоқот матни яратишни ўқувчиларга ўргатиш методикаси устида изланган. Бу ишда ижодий ёзма ишлар, жумладан, баён, иншолар ҳам қамраб олинган [6]. Шундай бўлгач, биз тадқиқот ишимизни оғзаки нутқий мулоқот доираси билан чегаралашимиз тўғри бўлади.

Сўз воситасида амалга ошадиган мулоқот *нутқий мулоқот* саналади. Иккинчи тилни ўқитиш методикасида нутқий мулоқот вербал мулоқот деб аталса, нутқий бўлмагани эса (имоишоралар ва бошқалар ёрдамидаги) новербал мулоқот (Г.Г.Винокур бўйича) деб юритилади.

Баъзан икки кишининг мулоқоти учинчи шахснинг воситачилигида амалга ошади. Шунга кўра *бевосита ва бавосита мулоқот* ажратилади. Бундай вазият кўпроқ бир-бири билан аразлашиб қолган кишилар ўртасида юз беради.

Юқорида саналган мулоқот турлари ичида энг кенг тарқалгани ва энг муҳими *фатик мулоқотдир*. Фатик мулоқот мулоқотни бошлаш ва давом эттириш учун суҳбатдошни гапга солиш, рағбатлантириб, гапларига муносабат билдириб туриш кабиларни англатади. Масалан, *Хўш-хўш, яна нима дейсиз! Қойил! Ажабо! Ким экан у аллома?* (О.Ёқубов).

Фатик (*ёки алоқа ўрнатувчи*) мулоқот лингвистлар, социолингвистлар, паралингвистлар: Р.О.Яқобсон, Н.Д.Арутюнова, Т.Г.Винокур ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ушбу атама дастлаб умумий муносабатлардан келиб чиқиб сўзларни оддий, кундалик ҳаётдаги сўзлашув нутқида қўллашга нисбатан киритилган. Фатик мулоқот мулоқотнинг (фикр алмашувнинг)

ўзи эмас, балки қобигидир. Бошқача айтганда мулоқотни фатик деб ҳисоблаш учун асос бўлган нарса уни бошлаш, давом

эттириш, тўхтатиш учун ишлатиладиган луқмалардир. Уларни **мулоқотнинг ташкилий омиллари** ёки **мулоқотга муносабат шакллари** деб аташ мумкин. Бундай луқмалар нутқий этикетлар, қолиплар (қолип-гаплар), штамплар деб ҳам аталади. Улар мулоқотнинг жамият томонидан шакллантирилган, суҳбатдошларнинг танланган вазиятлардаги нутқий муносабатини маъқуловчи, бир-бирларига нисбатан расмий ва норасмий шароитда уларнинг ижтимоий вазифаларига мос ўзгармас формулалар (қолиплар, шакллар) тизимидан ташкил топади.

Фатик мулоқот тушуниш, қўллаш, ҳис қилиш, умуман, мулоқот қилиш эҳтиёжини қондиришга мўлжалланади. Бу турга оддий **маиший нутқ**, **эзмалик** ва бошқа кўринишдаги нутқий этикетлар киради: **Оҳ, марварид томчилар! Баҳор ёмғирлари. Қанийди ҳамма ёмғирлар сиздайн ҳаётбахш бўлса!** (Ж.Раззоқов).

Одамлар ҳаётида маиший мулоқот катта ўрин тутади. У энг кенг тарқалган мулоқот туридир. Нафақат уйда, оила даврасида, балки ишда ҳам, кўчада ҳам, айниқса, шаҳар транспортда, агар йўл узок бўлса, кўпинча нима ҳақидадир сўраш, билиш, маслаҳатлашиш, гапириб бериш, кўнглини очиш, руҳини кўтариш учун деганларидай, умуман вақтини хуш ўтказиш ниятида атрофдагилар билан алоқага киришилади. Лекин бунга эришиш қийин.

Асосан икки турли луқмалар, қолип-гаплар нутқий мулоқот мақсадини тавсифлайди, унинг мазмунини ифода этади: 1) асл фикр (ахборот) алмашинуви, 2) мулоқотнинг ташкилий омиллари.

«Ассалому алайкум», «Хайр», «Хуш келибсиз» каби қолип-сўз-гаплар ва қолип-гаплар мулоқотнинг ташкилий омилларини ифода этади. Бевосита ахборот олиш ёки хабар бериш билан боғлиқ луқмалар асл фикр алмашинувни билдиради, яъни ахборот билан боғлиқ мулоқот асл мулоқотни англатади. **Ахборот билан боғлиқ мулоқот**, авваламбор, оддий (маиший муаммолар юзасидан) ўтадиган мулоқот (маиший мулоқот), қолаверса, касбий саналади. Шунга кўра ҳам иш (фаолият) соҳасидаги сўзлашув расмий ва норасмий, профессионал (касбий) ва маиший мулоқот бўлади. Х.А.Қодированинг номзодлик диссертациясида раҳбар ходимнинг ишхонада ва оиладаги мулоқот

хусусиятлари, гендер фарқлари, муштарак жиҳатлари ҳақида сўз юритилади, раҳбарнинг муомала одоби кўпроқ касбий фаолият билан боғлиқ бўлиши таъкидланади [34].

Сўзлашув дўстона суҳбат ва бирор ташкилотда ташкил этиладиган расмий (идоравий) мулоқот тарзида ўтиши мумкин. Бирор ташкилотга борган одам у ердаги бирор ходим билан гаплашадиган бўлса, олдиндан «Мен шахсий масалада суҳбатлашмоқчиман» деб айтиб қўяди. Баъзан суҳбатдошлардан бири иккинчисига: «Кел, иш ҳақида гаплашмайлик!» — деб таклиф қилиши мумкин. Бундаги суҳбат маиший мулоқот тарзида кечади.

Мулоқотнинг контакт ва дистант мулоқот турлари фарқланади. Икки кишининг ўзаро юзма-юз сўзлашуви контакт мулоқот саналади. Телефондаги сўзлашув дистант (узоқ масофада туриб) мулоқотда бўлишни билдиради.

Н.Д.Десяева, Т.А.Лебедева, Л.В.Ассуироваларнинг «Культура речи педагога» ўқув кўлланмасида педагогик мулоқот айни вақтда шахслараро, гуруҳли, оммавий шаклларда бўлиб, унда расмий ва норасмий мулоқот аспекти, диалогик ва монологик, ёзма ва оғзаки шакллари бир-бирдан ажратиб қўйиб бўлмаслиги айтилади [17,16.]. Ўқитувчи касбий маҳоратининг ўзига хослиги: 1) ўқувчиларга олган ахборотимни етказаман, 2) ўқиган ахборотимни ўрганиладиган мавзулар тизимига жойлаштираман; 3) методикага оид билимларимни янгича усулларда етказаман каби мўлжалларида намоён бўлади. Педагогик мулоқот шунга ўхшаш стратегик моделлардан ташкил топиб, ментал функцияни — оригинал ечимларни топиш орқали ифода этилади.

Оммавий, гуруҳлараро ва шахслараро мулоқотлар ҳам контакт (ҳамма қатнашчилар бевосита қатнашган вазият (*Келинлар, бир қарор қабул қилайлик*), ҳам дистант (суҳбатдошларнинг бевосита бўлмаслиги) кечиши мумкин. Дистант ҳолатда сўзлашув ёзма нутқ, телефон, телевидение, радио, компьютер каби қўшимча воситалар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, хат воситасида. Бунда кўпинча шахсий муносабат хат охирида аён қилинади: *Хатимнинг охирида сизга миннатдорчилик билдираман.*

Ижтимоий психологиядаги анъанага асосан оммавий мулоқотнинг ўз йўналишига кўра куйидаги уч хил тури ажратилади: *империатив, манипулятив ва диалогик мулоқот* [12].

Манбаларда тушунтирилишига кўра *империатив мулоқот* – бу мулоқот иштирокчиларидан бирининг бошлик, иккинчисининг унга тобе сифатидаги ўзаро нуткий таъсири саналиб, бунда буйруқ ёки кўрсатма берувчи, бирор ишга тайинловчи ёки талаблар кўювчи шахс ўзига тобе ходим билан авторитар, директив шаклда гаплашиши, бирининг иккинчисига шу тарзда гапириши назарда тутилади. Бундай мулоқот натижаси бирининг иккинчисига ўз ҳукмини ўтказиши бўлади. Империатив мулоқот етарли даражада самарали қўлланиладиган соҳалар сифатида «бошлик – ходим муносабатлари», «ҳарбий уставли муносабатлар», «фавкулудда экстремал шароитдаги ишлар»ни кўрсатиш жоиз. Бундай мулоқот тенг мавқедаги одамлар, оила аъзолари ўртасида деярли қўлланмайди.

Манипулятив мулоқот – бу ўзининг яширин ниятларини амалга ошириш мақсадида суҳбатдошига пинҳона таъсир кўрсатишни англатади. Бундай мулоқот суҳбатдошларнинг бири-бирига фириб беришида намоён бўлади. Суҳбатдошлардан бири иккинчисининг ўз қарорини ўзгартиришига олиб келадиган тарзда унга сездирмаган ҳолда ҳулқи ва фикрлари устидан назорат ўрнатишни мақсад қилиб кўяди: сохта меҳрибончилик кўрсатади. Лекин бошқа кишиларга муносабатнинг айнан шу турини танлаган шахс ўзи баъзан шундай мулоқот қурбонига айланиб қолиши мумкин. Бошқаларга манипулятив муносабат (аниқроғи, фирибгарлик) яқинларининг ўзини ундан олиб қочишига, одамлар ўртасидаги ишончли алоқаларнинг бузилишига олиб келади.

Ишбилармонлик соҳасида одамларга манипулятив таъсир воситаларини ўтказиш ва ишлатиш, одатда киши учун ўзаро таъсирнинг бошқа соҳаларига ҳам шундай кўникмаларни кўчириш билан яқунланади. Муносабатлардаги манипуляциядан инсофлилик, муҳаббат, дўстлик ва ўзаро яқинлик тамойиллари асосида қурилган муносабатлар кўпроқ бузилади. Ўз навбатида диалогик мулоқот – бу мулоқот бўйича шерикларнинг бири-бирини тушуниш мақсадига эга бўлган тенг ҳуқуқли субъект-субъектли ўзаро таъсирдир.

Импетиатив ва манипулятив мулоқот турларида бошқаларга ўзининг таъсир қилиш объекти сифатида қаровчи киши аслида суҳбатдошини писанд этмай, уни назарига илмайди. Умуман, ушбу мулоқот турлари ишбилармонлар оламидаги мулоқотга яқин келиб, кейингисид а унинг ҳамма қатнашчилари бўйсунадиган маълум этикет қоидалари мавжуд. Ишбилармонлик этикети икки йўналишда – вертикал ва горизонтал шаклда намоён бўлади: Вертикал йўналиш – раҳбар ва унинг қўл остидагиларнинг муносабати даражасини аниқлайдиган хулқ меъёрлари. Горизонтал йўналиш – мақоми тенг жамоа аъзолари ўртасидаги мулоқот соҳасида амал қиладиган хулқ меъёрлари.

Лекин биринчи ва иккинчи йўналишга умумий талаб – шахсий симпатия ва антипатияларга қарамай иш бўйича ҳамкасблар, шерикларга хайрихоҳ ва огоҳлантирувчи муносабат илгари сурилади.

Мулоқот суҳбатдошлар сонига, суҳбатда иштирок этиш шаклига кўра уч турли бўлади: 1) **шахслараро**, 2) **гуруҳлараро** ва 3) **ролли мулоқот**.

Шахслараро мулоқотда асосан икки (ёки ундан ортиқ) суҳбатдош иштирок этиб, муомалада улардан ҳар бири мулоқотнинг тенг ҳуқуқли қатнашчиси сифатида ўзининг индивидуал коммуникатив вазифасини бажаради. Масалан: ўтказилган тадбирнинг, дарс жараёни ёки йиғилишнинг ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муҳокамасини шундай мулоқот намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Шахслараро мулоқот якунида ҳар ким ўз муносабатини билдириши мумкин: *Хуллас, дарсда, тадбирда фаол қатнашганингиздан миннатдорман.*

Гуруҳлараро мулоқотда бир ёки бир неча киши – мулоқот қатнашчилари ўзаро таъсир объектлари бўлиб, ҳар бир гуруҳда қатнашчиларнинг бири етакчи (лидер) сифатида танланади. Гуруҳлараро мулоқот ўқитувчининг дарсда янги материални тушунтиришидаги педагогик нутқидан иборат бўлади. Масалан:

– *Демак, ҳақиқатан ҳам, айтилган фикрлар ўз исботига эга бўлди.*

Шунингдек, **ролли мулоқотни** ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Ролли коммуникация вазиятида унинг қатнашчилари алоҳида ролларнинг (олувчи-сотувчи, ўқитувчи-ўқувчи, бошлиқ-хизматчи) ижрочилари сифатида майдонга чиқадилар. Ролли мулоқотда

инсон ўз хулқининг эркинлик хусусиятидан махрум бўлади, унинг маълум ҳаракат ва қадамлари у ўйнайдиган роль билан белгиланади. Бундай мулоқот жараёнида киши энди нафақат ўзини индивидуал, балки маълум функцияларни бажарувчи ижтимоий бирлик сифатида кўрсатади.

Мулоқот, одатда, икки ва ундан ортиқ суҳбатдошлар ўртасида ўтганидек, унинг *оммавий* тури ҳам мавжуд. *Ролли мулоқотларда* ҳам маълум маънода тингловчи, томошабин сифатида омма қатнашади.

Жамият аъзолари ўртасида оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение ва компьютер асосида амалга ошириладиган мулоқот *оммавий мулоқотдир*. Мазкур воситаларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар вазиятга мувофиқ келадиган мулоқот шакллари муайян услубларда қўлланади.

Телевидениеда, айниқса эфирдан узатиладиган ҳар бир сўзга ҳассослик, алоҳида тайёргарлик талаб қилинса-да, баъзан жонли эфир тарзида ҳам ташкил этилади. Унда кўп ҳолларда *Азиз, телетомошабинлар! Азиз, ота-оналар! Ҳурматли, касбдошлар!* каби мурожаат шаклларида фойдаланилади.

Телетомошабинлар доим ҳам нофаол тингловчи бўлмасликлари, яъни айрим масалалар бўйича телестудияга қўнғирок қилишлари мумкин.

Газета тилида публицистик услуб, бадий услуб етакчилик қилиб, ўқувчилар оммасида ёзилаётган ахборотни билиш билан туғиладиган фикр ва мулоҳазаларнинг улар маънавий ва маърифий, руҳий томонларига таъсир этишига муҳим аҳамият берилади.

Хуллас, юқорида амалга оширилган талқин ва таҳлиллардан оғзаки нутқий мулоқот маданияти, унинг мулоқот турлари сирасида тутган ўрни, улар билан нисбатини кўзда тутиш лозимлиги ойдинлашди. Ушбу материаллар асосида ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш қай ҳолатда эканлиги хусусида фикр юритиш имконияти туғилди.

1.2. Узлуксиз таълимда русийзабон ўқувчилар диалогик нутқини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати

Маълумки, русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги диалогик нутқини ўстиришда оғзаки нутқий мулоқот шакллари ва воситаларини жорий этиш имкониятларини аниқлаб олиш учун амалий асослар сифатида ўқитиш ҳолати ўрганилди, жумладан, «O‘zbek tili» дарсликлари таҳлил қилинди, чунки ўқитувчи дарсларни ташкил этишда биринчи навбатда ана шу ҳужжатга таянади. Таҳлилда қуйидаги материалларга алоҳида эътибор берилди:

- 1) қолип-гаплар;
- 2) муомала одобига оид қоидалар;
- 3) диалогик нутқ ўстириш юзасидан машқ ва топширик турлари.

I. Қолип-гаплар оғзаки нутқий мулоқотнинг ташкилий омилларини ифода этиб, диалогик нутқ ўстиришнинг янги сўзлар катори ёд олиб ўрганиладиган қисми саналади. «O‘zbek tili» дарсликлари материаллари орасида қолип-гаплар алоҳида бир йўналишни ташкил этиб, ўқувчиларнинг нутқий мулоқот маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутлади. Зеро, ўзаро сўзлашувда муомала одобига кўра улардан фарқлаб фойдаланиш устида иш олиб борилар экан, бу ишлар мавзувийлик асосида у ёки бу нутқий вазият билан боғланади, шулар доирасида амалга оширилади. Шунга кўра ҳам ўзбек тили амалиётида қайси ва қанча қолип-гаплар ўргатилаётганлиги, улар қай тарзда тақдим этилганлиги; қандай машқ ва топшириқлар ҳавола қилинганини аниқлашда дарслик материаллари асосий ўринда бўлади.

Сўзлашув нутқида ишлатиладиган луқмалар, юқорида таъкидлаганимиздек, икки хил гаплардан: 1) мустақил равишда тузиладиган гаплар ва 2) бевосита қолип-гаплардан (жумладан, шаблон сўзлар, шаблон сўз-гаплардан) иборат бўлади. Ўзбек тилини ўрганувчилар сўз бойлигини оширишдан ташқари, ана шу материаллар билан дарсдан дарсга, синфдан синфга қараб танишиб, уларни ўзлаштириб борадилар. Биринчи хилдаги материаллар аста мураккаблашиб боровчи гаплар тузишга доир билим, кўникма ва малакалар устидаги ишлар орқали ўрганилади. Иккинчи хил материаллар «O‘zbek tili» дарсликларида турли

машқлар сифатида (рўйхатлар, луғатлар орқали, матнлар таркибида) тақдим этилиб, ўқувчилар уларни ёд оладилар. Ушбу материаллар лексика қатори таълимий бирликларни ифода этиб, диалогик нутқ ўстиришнинг лингводидактик асослари бўлиб хизмат қилади.

Қолип-гаплар турғун иборалардай қотма ҳолга келган гаплар саналиб, ўқувчилар уларни англаш учун ё рус тилига қандай таржима қилинишини, ёки рус тилидаги қайси адекват қолип-гап мазмунини билдиришини, тўғри қўллашлари учун эса қайси нутқий вазиятларда ишлатилишини билишлари, бу ҳақдаги изоҳларни ўзлаштиришлари, улар билан боғлиқ муомала одоби қоидаларидан воқиф бўлишлари керак. Шу боис дарсликлар таҳлилида куйидаги масалаларга эътибор қаратилди:

– дарслик саҳифаларида қолип-гапларнинг берилиши (микдорий кўрсаткичлар);

– қолип-гапларнинг таркибан ўрганиш мумкин бўлган гап турларини ифода этувчи сўзлашув лўкмаларидан ажратилмаганлиги;

– қолип-гапларнинг рус тилидаги таржимаси бор ёки йўқлиги;

– айрим қолип-гапларнинг қайси нутқий вазиятларда қўлланагини очиб берувчи изоҳларнинг мавжудлиги;

– қолип-гапларнинг ўқувчилар билим савияси ва ёш хусусиятларига мослиги, англаш ва ўзлаштириш учун осон ёки қийинлиги;

– қолип-гапларни мустаҳкамлашга доир машқларнинг ёки айрим топшириқларнинг мавжудлиги;

– муомала одобига доир маълумотларнинг бор ёки йўқлиги;

– муомала одобига доир қоидаларни мустаҳкамлашга доир машқ ёки айрим топшириқларнинг берилиши.

2000 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда яратилган дарсликларда русийзабон ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш учун хизмат қилувчи қолип-гаплар бирида оз, бирида кўп бўлса-да, маълум даражада ажратиб берилган. Юқорида аниқлаш учун мўлжалланган саволларга жавоб топиш учун дарсликларни бирма-бир эмас, тасаввур ҳосил қилиш учун етарли маълумот берадиган тарзда айримларини кўриб чиқамиз.

Профессор Р.Толипова, Ф.Қодирова, Н.Икромова ва М.Исҳоқовалар томонидан 2-синф учун тузилган «O‘zbek tili» дарслигининг [74] суҳбат матнларида қолип-гаплар рус тилига таржима қилинмай берилган бўлиб, улар саноқли: 28-бетда «Хўп бўлади, она», 47-бетда «Наврўз байрамингиз муборак бўлсин,...» гаплари келтирилган, холос. Табиийки, дарсликда муомала одобига доир маълумотлар йўқ.

Р.Толипова, М.Исҳоқоваларнинг 3-синф учун тузган «O‘zbek tili» дарслигида [75] сўзлашув луқмалари ва қолип-гаплар (аралаш ҳолда) «Муомала одоби» рукнида берилган. Масалан, дарсликнинг 8-бетидаги 8-машқда «Ўқитувчи ва ўқувчи диалог» келтирилган: ўқитувчининг сўзлари сифатида «Тур», «Жавоб бер», «Мумкин», «Жойингга ўтир», ўқувчининг сўзида «Хўп», «Яхши», «Раҳмат», «Мумкинми?» луқмалари ишлатилган. Бу ердаги «тур», «жавоб бер», «жойингга ўтир» каби ифодалар сўзлашув луқмаларига хосдир. 25-бетдаги 5-машқда «Озиқ-овқат дўқонида» сарлавҳали суҳбатда «Марҳамат», «Жоним билан», «Арзимаиди» деган қолип-гаплар берилган.

Суҳбатларда ишлатилган луқмаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда ушбу 3-синф таълим босқичида назарий танишилмаган сўз шакллари учрайди: жойингга, жоним билан. Умуман, дарсликда берилган жами сўзлашув луқмалари ва 30 дан зиёд қолип-гапларни ўқувчиларнинг ёшига, билим савиясига мос равишда саралаш ва таълим босқичлари бўйича тақсимлаш зарурияти сезилади.

А.Рафиев, Г.Муҳаммаджонова томонидан тузилган 4-синф «O‘zbek tili» дарслигида [65] марҳамат, раҳмат, майли сўзлари саволларга жавоб бериш, суҳбатлашиш талаб этилган машқларда ишлатилган, «Муомала одобига оид сўзларни ёдда сақланг» деган топширик билан сўзлашув луқмалари орасида «Хуш келибсиз!» қолип гапи рус тилига ўгирилмаган ҳолда келтирилган. На тақдим этишга ва на мустаҳкамлашга оид махсус машқлар йўқ. Қолип-гап «Муомала одобига оид сўзлар» рўйхатида берилган. Муомала одобига доир маълумотлар эса баён қилинмаган.

Р.Толипова, Ҳ.Йўлдошева, Д.Қосимхўжаевалар томонидан 5-синф учун тузилган «O‘zbek tili» дарслигида [77] ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш кўзда тутилган сўзлашув луқмалари ва қолип-гаплар (аралаш) «Мурожаат қилиш» (7-бет;

12-бет), “Ҳол-аҳвол сўраш” (33-бет), “Танишиш”, “Розилик жавоби”, “Рад жавоби”, “Рухсат сўраш”, “Истак билдириш”, “Кечирим сўраш”, “Табриклаш”, “Телефонда мурожаат қилиш” рукнлари остида кичик-кичик рўйхатлар тарзида рус тилига таржимасиз жойлаштирилган бўлиб, ушбу сўзлашув луқмалари ва уларга қайтариладиган жавоблар сирасида асосан қуйидаги каби 50 дан ортиқ қолип-гаплар ишлатилганлиги эътиборга лойиқ: *Лаббай! Эшитаман! Қулогим сизда! Бемалол! Ҳечқиси йўқ! Арзимади! Яхши юрибсанми?* ва б.

“Қулогим сизда”, “Ихтиёр ўзингизда” каби қолип-гаплар тушуниш учун қийин саналади. «Ўзимни таништиришга рухсат этинг» гапи эса ёшлар ўртасидаги сўзлашувга хос эмас. Демак, қолип-гапларни саралаш, бунда ўқувчиларнинг билим савиясини, ёш хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Дарсликда танишилган сўзлашув луқмаларини, улар сирасида қолип-гапларни мустаҳкамлаш мақсадида, тегишли луқмаларни диалогик матндан кўрсатиш, диалогни улар билан тўлдириш характеридаги машқлар берилган. Айрим матнлар савол ёки жавоб билан тўлдириш топшириғига эга. Бизнингча, сўзлашув луқмалари таркиби ўрганиладиган гап турларини ифода этиб, дарсларда изчил танишиладиган ва фаоллаштириладиган тил материаллари сирасига киради. Шу боис, сўзлашув луқмаларини ўрганиш мазмуни, методлари, машқлар тизими ўзига хос бўлмоғи, *қолип-гапларни ўргатишга доир* таълим мазмуни ва методлари, машқлар тизими улардан фарқланиши, дарс жараёнида устуворлик касб этиши даркор. Таъкидлаш жоизки, бу дарсликда ҳам муомала одобига доир маълумотлар кўзга ташланмайди

5-синф дарслигида [54] ўқувчиларнинг билим савияси ва ёш хусусиятлари ҳисобга олинмай танланган қолип-гаплар анчагина. Масалан, «Кечирим сўраш» (59-бет) сарлавҳаси остида сўзлашув услубида ўқувчилар ёшига мос келмайдиган қуйидаги гаплар берилган: *Узр. Айбдорман. Гуноҳқорман. Айбимга иқрорман. Айбимни тан оламан. Гуноҳимни буйнимга оламан. Гуноҳимдан ўтинг.*

Дарсликда «Муомала одоби» рукни остида берилган материалларни нима қилиш кераклиги ҳақида аниқ топшириқлар, қолип-гапларни мустаҳкамлаш, фаоллаштиришга доир машқлар

ҳам йўқ даражада. Аслида ушбу материаллар муомала одобини ифодаловчи материаллар эмас. Уларни бошқача аташ лозим кўринади. Муомала одоби ўзига хос маълумотлар (қоидалар) шаклида алоҳида баён қилинмоғи мақсадга мувофиқдир.

Р.Толипова, М.Очиловаларнинг 7-синф учун тузган «O‘zbek tili» дарслигида [80] “Муомала” сарлавҳаси остида мулоқот мавзуларига оид ҳар гал биттадан сўз изоҳи берилган. Масалан, **миннатдорчилик** – *рахмат, ташаккур, қуллук*. Шу тарзда қуйидаги каби бир қатор сўз ва сўз бирикмалари тушунтирилган: *ҳақиқатни тасдиқлаш, тасдиқлаш, етарли, дўстга мурожаат, афсусланиш, тахмин қилиш, ўхшатиш* ва бошқалар. Дарсликнинг дастлабки нашрида 80-бетдаги 8-машқда ўқувчиларнинг ўз ота-оналари, катта ёшдагилар, ўқитувчилар ва қариялар билан мулоқотда ўзларини қандай тутишлари ҳақида гапириб бериш сўралган. Бундай топшириқлар муомала одоби қоидаларини сўраб билиш ва уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Муаллифлар Х.Муҳиддинова, М.Юсупова, Н.Икромова, Г.Ақромовалар томонидан **8-синф учун** тузилган «O‘zbek tili» дарслигида [50] «Siz ham, sen ham bir og‘izdan chiqadi» матни муомала одоби ҳақидаги назарий маълумотни ифода этади. Бу ва бошқа матнлар юзасидан қуйидаги топшириқлар ҳавола қилинган: 1. Мақолага ўз муносабатингизни билдилинг. 2. Шарқона одоб-ахлоқ ҳақида сўзлаб беринг. Ушбу материаллар 8-синф дарслигини қуйи синфлар дарсликларидан ижобий томонга фарқлантирган. Матнда нутқий муомалада сизлаш ва сенлашнинг фарқли жиҳатлари очилади. Кишининг ширинсўзлиги унинг маданиятидан далолат бериши, муомала маданияти кишининг кимлигини кўрсатиб турувчи мезон эканлиги таъкидланади. Мазкур матн шарқона мулоқот маданияти ҳақида тушунча ҳосил қилади, топшириқ шартлари ҳам ўқувчиларни мулоқот маданияти ҳақида кенгрок фикрлашга ундайди.

Маълум бўладики, 2000 йилдан 2010 йилга қадар даврда яратилган «O‘zbek tili» дарсликларида қолип-гапларнинг берилиши бирида кўп, яъни 50 дан ортик, айримларида [50], [60] йўқ даражада бўлиб бирида [97] бир ўриндагина қолип-гапларнинг русча таржимаси кўрсатилган, бошқа ўринларда таржимасиз ҳавола қилинган. Бирида у ёки бу қолип-гап (асосан тушунтириш

талаб этиладиганлари) қайси нутқий вазиятларда қўлланиши нуқтаи назаридан изоҳланмаган.

Қолип-гаплар қай тарзда бўлмасин, кўриб чиқилган деярли барча дарсликларда аксарият ҳолатларда таркибан ўрганиш мумкин бўлган гап турларини ифода этувчи сўзлашув луқмаларидан ажратилмаган. Қолип-гаплар кўпроқ берилган айрим дарсликларда уларни танлашда ва тақдим этишда ўқувчилар билим савияси ва ёш хусусиятларига мослиги, англаш ва ўзлаштириш учун осон ёки қийинлиги етарли ҳисобга олинмаган.

Дарсликларда қолип-гапларни мустаҳкамлаш ва фаоллаштиришга қаратилган махсус машқ турлари деярли учрамайди. Сўзлашув луқмалари сирасида тегишли луқмаларни диалогик матндан кўрсатиш, диалогни улар билан тўлдириш характеридаги машқлар орқали айрим қолип-гаплар мустаҳкамланган ҳолатлар мавжуд.

2010 йилдан кейин тузилган янги авлод дарсликларининг баъзиларида [62], [63], [66], [46], [50] қолип-гапларга эътибор яна ҳам ортган.

А.Рафиев, Г.Муҳаммаджонова, Н.Аловуддиновалар муаллифлигидаги 5-синф «O‘zbek tili» дарслигидан [61], [62] «**Muomala odobi**» сарлавҳаси остида турли вазиятларда сўрашда ва жавоб қайтаришда ишлатиладиган сўзлашув луқмалари ва қолип-гаплар (айримларида аралаш ҳолда) берилган. Ушбу материаллар ҳол-аҳвол сўраш, табриклаш, мурожаат қилиш, рад жавоби бериш, истак билдириш, тасдиқлаш, телефон орқали сўзлашиш, таклиф қилиш, кечирим сўраш каби мазмунни ифода этади. Ҳар машқда уч-тўрттадан қолип-гап, шаблон сўз ва ибора киритилади. Лекин улар орасида жонли сўзлашувга хос бўлмаган, 5-синф ўқувчиларининг билим савияси ва ёш хусусиятларига мос келмайдиганлари, мураккаброклари ҳам бор. Масалан: *Менга маъқул эмас. Мутлақо нотўғри. Асло хафа бўлмайман. Сира безовта бўлманг. Айтганинг келсин. Аслида шундай. Қутлайман. Ташаккур. Узр.*

Қолип-гаплар, шаблон сўз ва ибораларни мустаҳкамлаш мақсадида у ёки бу мазмунда бошланиши берилган диалогни давом эттириш [62;153-6.] ёки шу мазмунда диалог тузиш [62; 164-б.] талаб этилган бир нечтагина топшириқ берилган. Бошқача

айтганда, БКМларни ўзлаштириш учун етарли машқлар тизими шакллантирилмаган.

Дарсликда бундай материалларнинг берилиши (50 дан ортиқ қолип-гаплар ва диалог луқмалари) диалогик нутқ ўстириш асносида мулоқот одобини эгаллашнинг муҳим омили ҳисобланиб, бу ишда ушбу материаллар катта роль ўйнайди. Аммо уларнинг рус тилидаги таржимаси, зарур ўринларда, қай вазиятларда ишлатилиши ҳақидаги қисқа изоҳларнинг ифода топмаганлиги ушбу муҳим омилнинг амалга ошувини қийинлаштирадиган салбий ҳолатдир.

Янги авлод дарсликларининг айримларида аввалгиларига қараганда қолип-гапларга катта аҳамият берилган, лекин улар синфлар бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириши, ёши ва билими савияси етарлича ҳисобга олинмай, фаол ва нофаолларига қарамай нотўғри, нотекис тақсимланган. Уларни ўқувчилар онгига сингдиришда эслаб қолиш тарзида луғат шаклида берилиб, уларни нутқда фаоллаштириш ишлари ривожлантирилмаган, улар лексик тамойиллар асосида ўрганилиб, нутқий машқлар даражасигача олиб борилмаган. Бунда таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили” Давлат таълим стандарти талабларига амал қилинмаган.

Амалдаги дастурда “Ўзбек тили” Давлат таълим стандарти талабларидан четга чиқилган ҳамда унда таъкидланган мулоқот шакллариининг баъзилари дастурга киритилмаган. Бу дастур асосида яратилган дарсликларда қолип-гаплар миқдори кўпайтирилган бўлса-да, улар билан кейинги босқичларда асосан лексик характердаги машқлар тавсия қилинган: қолип-гапларни русча тажимасига асосланиб, услубий жиҳатдан қўлланилиш хусусиятларини фарқлаган ҳолда мустаҳкамлаш, этикетларни нутқий вазиятлар билан боғлаб қўллаш каби. Улар таркибини ўрганиш мумкин бўлган луқмалар орасида келтирилган.

5-синф дарслигида тавсия этилганидек, ахборот олиш учун мўлжаллаб бериладиган саволлардан фойдаланиб суҳбат ташкил этиш мумкин, лекин улар диалогик нутққа деярли ўргатмайди. Айрим саволлар жонли сўзлашув нутқида шу ҳолда ишлатилмайди ҳам.

Ўзаро суҳбатлашиш сўралган диалоглар тайёр савол-жавоблар асосида суҳбат уюштириш учун мўлжалланган, аслида бундай суҳбатлар диалог эмас.

Суҳбатни ролларга бўлиб ўқиш ва давом эттириш тарзидаги топшириқлар саволларни эслаб айтиш ёки уларга жавоблар бериш тарзида бажарилади.

Расмда тасвирланган нарс-буюм, белги, миқдор ёки ҳаракатни аташ мазмунидаги гаплар (саволлар ва жавоблар)нинг таълимий жиҳати устувор бўлиши мумкин, лекин бу иш тури диалогик нутқни ўстирмайди.

Дарслиқда суҳбат учун берилган савол ва жавобларни ўқиш ва уларни ёд олган ҳолатда ўзаро сўзлашиш талаб этилган, лекин бундай суҳбатлар ўқувчиларни мустақил равишда савол-жавоб қилишга тайёрламайди.

6-8-синф «O'zbek tili» дарслиқларида [46], [47], [49] ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстиришда фойдаланиш мумкин бўлган қуйидаги машқ турлари берилган:

Машқ турига кўра шарти	6-синф [46]	7-синф [47]	8-синф [49]
Саволлар асосида суҳбатлашинг.	15-, 29-, 48- бетлар		
Суҳбат матнини ўқинг ва уни давом эттиринг.	17-, 78-, 99-бетлар		
Берилган таянч сўзлар ва сўз бирикмаларидан фойдаланиб, расм асосида суҳбатлашинг.	20-, 31- бетлар		
Берилган таянч сўзлар ва сўз бирикмалари ёрдамида гаплар тузинг ва (...ҳақида) суҳбатлашинг	96-б.	30-, 107- бетлар.	52-, 103-, 108- бетлар.
Суҳбат (матни)ни ролларга бўлиб ўқинг, ... (ўтиллаётган тил ҳодисасига эътибор бериш)	22-, 26-, 44-, 60-, 62-, 72-, 93-, 110-, 121- бетлар.	12-, 31-, 44-, 49-, 53-, 65-, 76-, 81-, 87-, 97-, 99- бетлар.	

Матнни ўқинг ва ўзаро суҳбатлашинг.	25-б.		
Расм(лар) (саволлар) асосида (...ҳақида) суҳбатлашинг.	34-, 70-, 78- бетлар.	15-, 24-, 35-, 47-, 58-, 73-, 84-, 101-, 125- бетлар.	31-, 89-, 103-, 118- бетлар.
Расм(лар) асосида гаплар тузиб, саволларга жавоб бериб, ўзаро суҳбатлашинг.		63-б.	
Суҳбатни (диалогик матнни) (ролларга бўлиб) ўқинг ва (берилган расм асосида) давом эттиринг.	42-, 67-, 75-, 115- бетлар.	5-, 6-, 9-, 11-, 33-, 42-, 69-, 92-, 103-, 105-, 115-, 131-, 134- бетлар.	1-, 6-, 19-, 41-, 50-, 52-, 68-, 74-, 79-, 83- бетлар.
...матнни ўқинг. Сўнг бир-бирингизга саволлар бериб (саволлар тузиб), суҳбатни давом эттиринг.	16-б.		
...матнни ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.		50-б.	
...сўзлари ёрдамида (расм асосида) саволларга жавоб беринг.	50-, 56-, 65-, 68- бетлар (ёзма).		
Расмларни кузатинг. ... сўзлари ёрдамида ... ишлар ҳақида суҳбатлашинг.	91-б.		
...бунёдкорликлар ҳақида суҳбатлашинг	114-б.		
Суҳбат матнидаги (берилган) жавобларга мос саволлар тузинг.	83-, 111-, 116-, 128- бетлар.	56-б.	
Қуйидаги саволларга жавоб беринг (берган ҳолда) ва суҳбатлашинг (суҳбатни давом эттиринг).	86-, 109-, 124- бетлар.	3-, 12-, 109- бетлар.	
Матн мазмуни асосида ўзаро суҳбатлашинг.		104-б.	

Матн мазмуни асосида саволлар тузинг.		116-б.	
Саволларга жавоб беринг.	92-, 95-, 97-, 104-, 114-, 127-, 133- бетлар.	26-, 33-, 41-, 48-, 60-, 65-, 71-, 80-, 101-, 103-, 113-, 118-, 120-, 128-, 130-, 132- бетлар	
Инсоннинг ахлоқ-одобига оид сўзларни билиб олинг.		Сифатлар 12 та. 25-б.	66-б.
Матнни ўқинг, муомала одобига оид жумлаларга эътибор беринг.		59-б.	

Кўринадики, 6-синф «O‘zbek tili» дарсликларидида ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстиришга қаратилган машқ турлари кўпайган. Улардаги диалогик машқлар 2 турли бўлиб, 1-тури лексик-грамматик машқларни ифода этиб, шаклан диалогларга ўхшайди, лекин аслида булар диалоглар эмас. Чунончи: «Сухбат (матн)ни ролларга бўлиб ўқинг, ва ...га (ўтилаётган тил ходисасига) эътибор беринг», «...матнни ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг», «Матн мазмуни асосида саволлар тузинг», «Саволларга жавоб беринг», «Инсоннинг ахлоқ-одобига оид сўзларни билиб олинг».

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўзаро суҳбатлашиш учун берилган саволларнинг аксарият қисми информатив бўлиб, ўқув материали мазмунини (матнни) ўзлаштириш мақсадини кўзда тутди.

Дарсда ўқилган матндан олинган ёки ўқилажак матнни назарда тутиб тузилган саволлар мазмунини тушуниш қийинчилиги енгиб ўтилган тақдирдагина сўзлашув вазиятини келтириб чиқариши мумкин: «Саволлар асосида суҳбатлашинг», «Сухбат матнини ўқинг ва уни давом эттиринг», «...саволлар асосида (...хақида) суҳбатлашинг». «Сухбат матнидаги (берилган) жавобларга мос саволлар тузинг», «Куйидаги саволларга жавоб беринг ва суҳбатлашинг (суҳбатни давом эттиринг)».

Ўқувчилар бундай суҳбатларни аввал тушуниб ўқишлари, зарур бўлган ҳолатларда луғат ишини амалга оширишлари керак бўлади. Айниқса, берилган икки-учта информатив савол-жавобдан сўнг «суҳбат»ни давом эттириш мушкул иш саналади.

Бошланиши берилган танишув матни намунаси асосида диалогни давом эттириш учун нималар ҳақида сўраш мумкинлиги кўлам жиҳатдан ўқувчиларга маълум бўлиши керак. Акс ҳолда ёшлар бир-бирига берадиган саволлар йўқлигини айтиб, нима қилиш кераклиги ҳақидаги ўқитувчининг кўрсатмасини кутиб турадилар.

Матн мазмуни юзасидан суҳбатлашиш ҳам лексик-грамматик қийинчиликлар бартараф этилгандан кейингина ташкил этилиши мумкин. Кузатишлар шуни кўрсатадики, дарснинг кўп вақти матн мазмунини англашга сарфланади.

Дарсликда саволларга жавоб бериш талаб этиладиган машқлар ўқилган матн мазмуни билан боғланади, шу мазмун доирасида муҳокама юритишни тақозо этади. Бунинг ҳам ўз қийинчиликлари бор. Масалан: «Жасурнинг хатти-ҳаракатларини қандай баҳолайсиз?» Савол диалогик нутқни муҳокама асосида давом эттиришга ундаши мумкин: Жасурнинг хатти-ҳаракатларига шахсий муносабат билдириш, табиатни, жумладан, жониворларни асраш ҳақидаги ўз мустақил фикрларини айтиш. Лекин булар ҳали тегишли сўзлар ўзлаштирилмай туриб, яъни ташкил қилиниш пайтига кўра лексик-грамматик машқ саналади.

Дарсликларни уларда ўқувчиларнинг ўзбекча диалогик нутқини ўстиришга қаратилган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида бу материалларнинг қуйидагилардан иборат эканлиги маълум бўлди:

1) машқ турлари, уларнинг диалогик нутқ ўстириш учун аҳамияти;

а) диалогик матнларнинг характери;

б) берилган диалогик матнларнинг намуна асосида ўзаро сўзлашишни ташкил этиш имкониятлари;

в) эркин мулоқот сари йўналтирилган нутқий вазиятли машқлар;

2) мулоқотнинг ташқи омилларини ифода этувчи қолип-гаплар, қолип сўз-гаплар, шаблон сўз ва ибораларнинг берилиш тартиби, изчиллиги, уларни ўргатишга доир машқ турлари;

3) қолип-гаплар, қолип сўз-гаплар, шаблон сўз ва иборалар тематикаси;

4) муомала одобига доир изоҳ ва маълумотлар кўлами;

5) диалогда асл (асосий, фикр алмашув, информатив) мулоқот билан боғлиқ луқмаларни ўргатиш усуллари;

6) диалогик нутқни ўстиришга доир машқларнинг ўқувчилардаги мустақил равишда гап тузиш кўникма ва малакаларига асосланиш даражаси.

Ўқувчиларнинг бирор мавзуда ўзаро сўзлашиш учун етарли сўз бойлиги оширилиб, уларда шу мавзуда фаол ишлатиладиган грамматик воситалар иштирокида мустақил равишда гап тузиш кўникма ва малакалари ҳосил қилина бошлагач, қолип-гаплар билан таништирилиб, маълум даражада мустақамлангач, диалогик нутқ ўстириш машқлари мазмунан бойийди. Бунда даставвал амалдаги «O'zbek tili» дарсликларидан ушбу вазифаларни рўёбга чиқариш учун куйидагиларни аниқлаб олиш зарур:

1) шу мавзуда мулоқотни амалга оширишда таяниш мумкин бўлган назарий билимлар берадиган имкониятлар;

2) берилган диалогик матн ўхшаш вазиятларда луқмаларини ўзгартириб сўзлашиш учун намуна бўла олиш-олмаслиги;

3) ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти.

Маълумки, ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш учун хизмат қиладиган назарий билимларга доир машқ турлари дарсликда бир-икки мартагина учраганда, у ёки бу машқ тури орқали эгалланмоқчи бўлган нутқий ҳаракат усули ўзлашмайди, кутилган нутқий кўникмалар ҳосил бўлмайди. Масалан, жавобларда сифатларни ишлатиш, саволларнинг ҳар бирига учтадан сўз билан жавоб бериш; ўз диалогини тузиш; бир-бири билан телефонда у ёки бу нарса ҳақида гаплашиш; «Сиз узоқ вақт кўрмаган одамни учратсангиз, қандай сўрашасиз ва ҳол-аҳвол сўрайсиз?» топшириқли нутқий вазият; кўрсатилган гап шаклини ҳосил қилиш (қолип-гап, шаблон сўз иштирокида); расм асосида унда тасвирланган нарса-буюмлар, касб эгалари ҳақида баҳслашиш; нарса-буюмлар, касб эгаларига, уларнинг фаолиятига баҳо бериш; нима учун у ёки бу сўзлар (*оббо*, *эҳе* каби) кўлланганини изоҳлаш; дўстига баъзи шартларни кўйиш ва суҳбатлашиш, бу суҳбатни диалог тарзида ёзиш.

Ушбу машқ турлари орасида ўқувчиларнинг эркин диалог шаклида сўзлашувини ташкил этишда аҳамияти катта бўлганлари ҳам бор. Масалан, ўз диалогини тузиш; бир-бири билан телефонда у ёки бу нарса ҳақида гаплашиш; расм асосида унда тасвирланган нарса-буюмлар, касб эгалари ҳақида баҳслашиш.

Машқ турлари тегишли нутқий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун берадиган имкониятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, мавжуд манзара яна ҳам равшанлашади. Бу имкониятлар машқ турларининг узлуксиз таълим тамойилига амал қилинмай берилишида, такрорийликнинг ҳар хиллигида намоён бўлади. Чунончи: 1) бор-йўғи бир-икки марта учрайдиган машқ турлари; 2) кўп учрайдиган машқ турлари.

Бир дарслик доирасида бажариладиган машқ турлари ўқувчиларнинг ушбу машқ турларига одатланиши борасида ҳосил қилган кўникмалари кейинги синфларда давом этмаслиги сабабли иш бермай кўяди. Бундай машқлар қуйидагилардан иборат: «Буфетда» («Ошхонада» ва бошқалар) матни асосида диалогни қайта юзага келтириш, машқ шартида фойдаланиш учун берилган сўзларни ишлатиш [32]; берилган қолип-гаплар, шаблон сўз ва ибораларни ифодали ўқиш ва ўз нутқида улардан ўринли фойдаланиш [32]; берилган сўзлар (сўроқ сўзлар, феъллар ва б.) асосида саволлар тузиб ўзаро сўзлашиш [31]; саволларга жавоб топиб, матни тўлдириш [79]; сотувчининг (ўқитувчининг) саволларига харидор (ўқувчи) нималар деганини топиб, суҳбат матнини тўлдириш [79]; суҳбатни эътироз маъносидаги гаплар билан тўлдириш [79]; «Озиқ-овқат дўконида» мавзусида суҳбатлашиш [79]; «Мурожаат қилиш», «Ҳол-аҳвол сўраш», «Танишиш» ва б. [77]; берилган сўзлардан фойдаланиб матни тўлдириш [79]; матн асосида саволларга жавоб бериш [80].

Узлуксиз таълим тамойили машқ турларининг бир-икки дарсликдагина эмас, балки барча китобларда изчил берилишини тақозо этади. Баъзи машқлар бир дарсликдагина учраса, баъзилари икки, уч ёки тўрт китобда мураккаблаштирилиб келтирилади.

Икки дарслик доирасида берилган машқ турлари қуйидагилардир: расм асосида саволлар тузиб, ўзаро сўзлашиш (суҳбатлашиш, бир-бирига савол бериб, жавоб қайтариш) [32; [29]; берилган сўзнинг шаклини ўзгартирган ҳолда унга сўроқ бериб савол тузиш

бўш қолдирилган матнни саволларга жавоб топиш ёки жавобларга қараб саволларни топиш йўли билан тўлдириш сўралган машқлар маълум даражада рецепцияга асосланади. Ушбу машқлар оғзаки машқ сифатида бажарилса, улар рецептив-қисман репродуктив ҳисобланади. Репродуктив машқ турлари диалогни қайта юзага келтириш характерида бўлади. «Сухбат» матни асосида ўзаро сўзлашиш ҳам репродуктив фаолият билан боғланади. Саволларга матндан фойдаланиб, лекин уни ўқимай жавоб қайтариш ҳам репродукция саналади.

Шу ўринда дарсликлардаги ўқувчиларга ўзбек тилида ўзаро мулоқот қилишни ўргатиш учун мўлжалланган «Сухбат» матнлари билан диалогик матнларнинг (диалогларнинг) матний маънодошлар сифатида ишлатилганига эътиборни қаратмоқчимиз. Назаримизда, биринчиси орқали назарда тутилган сухбат бошқа, иккинчисида ифода топган диалог бошқа. «Сухбат» матнида оҳанг жиҳатдан нейтраллик устун туради. Тил материални ўзлаштиришга қаратилганлиги аниқ бўлиб турадиган сухбатлар баъзан ўқитувчининг ўқувчилар билан ўтказадиган фронтал сухбати шаклида ҳам бўлади. Бундай «сўзлашув»ни диалог деб аташ қийин. Чунки бунда ўқитувчи савол беради, ўқувчилар жавоб қайтарадилар. Ўқитувчи ёшлардан ўзаро савол-жавоб қилишни талаб этганда ҳам, ушбу жараёнда болалар бир-бирлари билан мулоқотда бўлмайдилар, уларнинг бир-бирларига савол беришлари ва жавоб қайтаришлари ўқитувчининг аралашуви ҳамда қатъий назорати остида ўтади. Бир неча ўқувчининг ўзаро эркин сўзлашуви бошқа гап. Бундай сўзлашув савол-жавоб билан чегараланиб қолмаслиги аниқ. Шу жиҳати билан айни шу усул, яъни ўқувчиларнинг ўзаро сўзлашуви қуруқ фронтал сухбатдан афзал саналади. Зеро, ўқувчиларнинг ўзаро мулоқоти орқалигина диалогик нутқни тўлақонли мулоқот даражасига етказиб ташкил этиш имконияти туғилади.

Диалогда вазиятга қараб шодланиш, хаяжон, таажжуб сингари интонацион ранг-баранглик мавжуд бўлади. Шунга кўра «Сухбат»ни ўқув матни деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Бундай матнлар лексик ва грамматик материаллар устида ишлаш учун қулай бўлса, иккинчи хили (диалоглар) тил ўрганувчиларни реал мулоқот вазиятига тайёрлаш вазифасини адо этиш учун мос саналади. Айтмоқчимизки, *муомала одоби қоидалари билан*

йўзрилган машқлар учун мос материаллар сифатида диалоглар танланмоғи зарур. Шунинг ҳам эслатиш жоизки, бадиий асарлардан олинган диалогли парчалар асар қахрамонларининг гапириш оҳанги, характер хусусиятлари ҳисобига оҳанг бойлигига эга матнлар сирасига киради.

Маҳсулдор машқ турлари ўқувчиларнинг мустақил равишда гап тузиш, нутқида қолип-гаплар, шаблон-сўз ва ибораларни ишлатишларини талаб этади. Бундай машқлар сирасига қуйидагилар киради: расм асосида саволлар тузиб, ўзаро сўзлашиш; сўроқ сўзлар, феъллар ва бошқалар асосида саволлар тузиб ўзаро сўзлашиш; намуна асосида савол-жавоблар тузиш (тузиб ўзаро сўзлашиш); сўзнинг шаклини ўзгартирган ҳолда унга сўроқ бериб савол тузиш ва ўзаро сўзлашиш; ўз диалогини тузиш; бир-бири билан телефонда у ёки бу нарса ҳақида гаплашиш; узок вақт кўрмаган одамани учратганда, қандай сўрашини айтиш, нима деб ҳол-аҳвол сўрашини айтиш; расм асосида унда тасвирланган нарса-буюмлар, касб эгалари ҳақида баҳслашиш; нарса-буюмлар, касб эгаларига, уларнинг фаолиятига баҳо бериш; дўстига баъзи шартларни кўйиб суҳбатлашиш, суҳбатни диалог тарзида ёзиш.

Маҳсулдор машқларнинг асосий қисми 2000 йилгача истеъмолда бўлган дарсликларда учрайди, янги авлод китобларида бундай машқ турлари санокли. Маҳсулдор машқ турларининг озлиги диалогик нутқ ўстириш ишларини қутилган самарани берувчи яқуний босқичларга олиб чиқиш қийинчилигини юзага келтиради, кўпинча таълимий тадбирлар шунгача етиб бормаслигига сабаб бўлади. Бундай вазиятнинг олдини олиш учун амалдаги барча синфлар дарсликларида уларга кўпроқ эътибор қаратиш, турларини кўпайтириш, ролли ўйин билан боғлиқ машқ турларини жорий этиш зарурият саналади.

Тил материалининг айнан хотирада сақланиши, айрим ўзгаришлар киритилиши, янгидан яратилиши нуқтаи назаридан машқлар бир-биридан ўзаро фарқланади. Чунончи: ўзгаришсиз бажариладиган машқлар, ярим ижодий машқлар, ижодий машқлар.

Ўзгаришсиз бажариладиган (механик) машқлар реп-цептив ёки репродуктив бўлишидан қатъи назар, тўлиғича боғланишли матн ва суҳбатлар асосида бажарилади, улардан четга чиқилмайди, гап тузилишлари айнан сақланади. Масалан, деярли

барча дарсликларда кўп учрайдиган куйидаги топшириқлар ўзгаришсиз бажарилади: берилган саволларнинг жавобини топиш; жавобларга қараб қандай саволлар берилганлигини топиш; жавобларга қараб саволлар тузиш; қолип-гапларни эслаб айтиш ва б.

Дарсликлардаги **ярим ижодий машқлар** саволлар ёки жавобларга қисман тузатишлар киритиш, уларни ижодий саволлар ёки ижодий жавобларга яқинлаштиришни кўзда тутати. Масалан, куйидаги каби топшириқлар шу тарзда бажарилади: намуна асосида савол-жавоблар тузиш (ва ўзаро сўзлашиш); берилган сўзларнинг шаклини ўзгартирган ҳолда унга сўроқ бериб савол тузиш ва ўзаро сўзлашиш; намунадан фойдаланиб ўз диалогини тузиш; саволларнинг ҳар бирига учтадан сўз билан жавоб бериш; саволларга инкор маъносини билдирувчи сўзлар билан жавоб бериш ва б.

Дарсликлардаги **ижодий машқлар** ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги мулоқотга тўлиқ мустақиллик асосида киришишларини ифода этади. Бундай машқлар сирасига куйидагилар кирази: расм асосида саволлар тузиб, ўзаро сўзлашиш (суҳбатлашиш, бир-бирига савол бериб, жавоб қайтариш); бир-бири билан телефонда у ёки бу нарса ҳақида гаплашиш; расм асосида унда тасвирланган нарса-буюмлар, касб эгалари ҳақида баҳслашиш; нарса-буюмлар, касб эгаларига, уларнинг фаолиятига баҳо бериш; дўстига баъзи шартларни кўйиб суҳбатлашиш, уни диалог тарзида ёзиш.

Умуман, дарсликларда ўтилаётган мавзулар бўйича нутқий мулоқот маданиятига доир кўникмаларни шакллантиришга қаратилган куйидаги машқ турларини ажратиш мумкин:

1. Диалог намунасини ўзлаштиришга қаратилган машқлар;
 2. Диалог намунасини тўлдириш орқали айрим лўқмаларни ўзлаштиришга қаратилган машқлар;
 3. Бошланиши берилган диалогни давом эттиришни талаб этадиган машқлар;
 4. Нутқий вазият асосида диалог тузишга оид машқлар;
 5. Расмлар асосида диалог тузишга доир машқлар.
- 4-машқ тури ўрганилаётган лўқмаларни нутқий вазиятлар билан боғлаш, нутқий вазиятга таяниб, уларни ёдга келтириш кўникмаларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Чунки

нутқий вазиятлар намунадан фойдаланмаган ҳолда диалог тузиш учун ўқувчига туртки беради.

Нутқий вазиятлар қайси тилда ифодаланишига қараб осон ёки қийин англанади. Агар улар рус тилида таърифланса, ўқувчилар ўзбекча лўқмаларни мустақил равишда тузиш, ёдга келтириш каби ишларни бажариш керак бўлади. Агар улар ўзбек тилида айтилса, ёшлар аввал таърифни англаш билан боғлиқ қийинчиликни енгиб ўтишлари керак. Шундан кейингина тегишли гапни айтиш зарурияти билан боғлиқ амаллар бажарилади.

Бир мавзудаги нутқий вазиятлар шу мавзуда ўзаро сўзлашиш мундарижасига ишора қилади. У ёки бу мавзуда нималар ҳақида суҳбатлашиш, кимдандир сўраш кераклиги ана шу мундарижани ифода этади. Маълумки, ўқувчилардан суҳбатдошига савол бериш сўралганда, у ўзида савол йўқлигини айтади. Шунинг учун нутқий вазиятлар кўлами бир мавзуда бўладиган сўзлашув мазмунига ҳам ишора қилишини назарда тутиб, мавзулар доирасини кескин эмас, балки аста-секин кенгайтириб бориш даркор.

5-машқ турида расм нутқий вазиятни англатиш ва диалогни юзага келтириш учун кудратли омил саналади. Расм нутқий вазиятни кўрсатмали тарзда англатиб, ўқувчига шу таянч асосида мулоқотга кириш тартибини ва мазмунини эслатиб туради, коммуникатив ниятни юзага келтиради, уни мулоқотда онгли равишда иштирок этишга ундайди.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тилидан яратилган дарсликларни ўрганиш шунини кўрсатдики, уларда ўқувчиларнинг мустақил диалогик нутқини ўстиришга хизмат қиладиган маҳсулдор, ижодий машқ турларига кўпроқ ўрин ажратиш, айна шу турдаги машқларни таълим босқичлариаро узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик асосида муракаблаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

1.3. Ўқувчилар эгаллаган диалогик нутқ ҳолати, қолип-гаплар юзасидан мавжуд билим ва малакалари тавсифи

Ёшлар диалогик нутқнинг куйидаги компонентларини эгаллашлари назорат қилинди:

- 1) ўзбекча қолип-гапларнинг мазмунини билишлари;

- 2) уларни рус тилидаги аналоглари орқали эслай олишлари;
- 3) айрим қийин қолип-гапларни қай вазиятда қўллаш мумкинлигини изоҳлай билишлари;
- 4) ўтилган муомала одоби қодаларини эслай олишлари ва нутқда уларга амал қилишлари;
- 5) берилган нутқий вазиятга кўра ўзбек тилида ўзаро сўзлаша олишлари (диалог туза билишлари).

Қолип-гапларни эгаллаш йўлидаги биринчи қадам улар-нинг мазмунини тушунишдир. Шунини аниқлаш ниятида ўзбек тилида берилган қолип-гапларни рус тилида ифодалаш талаб этилган назорат иши ўтказилди. Назорат ишлари таълим рус тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари орасида (130 ўқувчи), касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юр்தларининг рус гуруҳларида ташкил этилди. Назорат учун қуйидаги қолип-гаплар тавсия этилди: *Хуш келибсиз. Омон бўлинг. Барака топинг. Хўш, қулогим сизда. Тузукмисиз? Безовта қилмадимми? Тинчмисиз? Ҳорманг. Хўп бўлади. Йўқ бўлиб кетманг. Раҳмат, нима десангиз шу. Оббо, сен-эй. Қандай бўларкин? Демак, масала ҳал. Баракалла. Бор бўлинг.*

Таржималар шунини кўрсатдики, ўқувчилар аксарият ўзбекча қолип-гапларни тўғри тушуна оладилар. Айни пайтда «*Хуш келибсиз*» гапини инobatга олмаганда (бу гап 100 фоиз тўғри анланган), қолганларининг ҳаммасида (бирида оз, бирида кўп) хато ўғирмаларга йўл қўядилар. Хато таржималар кўпроқ қолип-гап мазмунини қуйидаги каби нотўғри англаш натижасида юзага келади:

– Бир қолип-гапнинг русча ўғирмасида бошқа қолип-гапнинг таржимаси келтирилади. Масалан, ўқувчи «*Омон бўлинг*» қолип-гапини «*Сог бўлинг*» маъносида рус тилида ифодалаган. «*Барака топинг*» гапи «*Ҳорманг*» қолип-гапи мазмунида ўғирилган ва х.к.

– Баъзан хатолар ўзбекча қолип-гапни рус тилида сўзма-сўз ифодалашга ҳаракат қилиш оқибатида юзага келади. Масалан, «*Тинчмисиз?*» гапини айрим ўқувчилар «*Спокойны ли вы?*» деб таржима қилишган, яъни русча эквивалент ўғирмасини топа олишмаган. «*Бор бўлинг*» қолип-гапини баъзи ёшлар «*Йўқ бўлиб кетманг*» маъносида тушунишган.

– Ўзбекча қолип-гапнинг рус тилидаги муқобил таржимаси топилмаган ҳолатлар ҳам учради. Бу ҳолат кўпроқ «*Омон бўлинг*», «*Тинчмисиз?*», «*Бор бўлинг*» каби гапларда кузатилди.

Тушуниш айрим ҳолатларда сўзма-сўз таржима қилиш тарзида, баъзи ҳолатларда аналогик шаклини кўрсатиш йўли билан амалга оширилган: биринчи ҳолатда ўқувчи қолип-гапдаги сўзлар маъносидан келиб чиқиб, таг маънони англамаган, иккинчи ҳолатда ўқувчилар ўзбек тилидаги қолип-гапнинг рус тилидаги муқобилини танлаб, таг маънони англаб етганликларини намоён этганлар, Иккала вариантда таржима усулини қўллашда иложини топмаганлар жавобни очиқ қолдирганлар. Демак, таълим жараёнида биринчи навбатда **қолип-гапларнинг англаган таг маъносидан келиб чиққан ҳолда муқобилини кўрсатиш усулини** қўллаш зарур бўлади.

Кўринадики, ўқувчи ва талабалар рецептив нутқ саналадиган қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш, яъни қолип-гаплар мазмунини тушунишнинг ўзида катта қийинчиликлар ҳис этадилар. Бундай вазиятда ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш машқларини ташкил этиш жараёни ҳам мушкуллашади: ёшлар ўзлари тушунмаган гапларни нутқда қўллай олмасликлари тайин.

Таълим оловчиларнинг ўзбекча қолип-гапларни қай даражада билишларини зарур пайтда хотирага тушира билишлари, уларни нутқда ишлата олишларини ўрганиш орқали аниқлаш мумкин, Шу мақсадда назорат ёзма ишларидан бири саналган қолип-гапларни русчадан ўзбекчага таржима қилиш топшириқлари танланди. Қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

1. Агар қолип-гапнинг муқобилини эслаш қийин бўлса, сўзма-сўз таржима қилишга интилиш юзага келади. Масалан: *Как ваше здоровье? – Қандай сизнинг соғлигингиз? – Как дела? – Қандай ишлар?*

2. Биринчи қолип-гапнинг аналоги ўрнида ўхшаш бўлса, иккинчисини ишлатиш. Масалан: *Как ваше здоровье? – Соғлигингиз яхшими? – До встречи. – Хайр.*

3. Сўз тартибига оид хатолар (сўзлар тартибини ўзгартириб қўллаш). Масалан: *Рози бўлинг ўрнида Бўлинг рози, Хуш кўрдик ўрнида Кўрдик хуш* каби.

4. Орфографик ва имло хатоларига йўл қўйилади.

Қолип-гаплар мазмунини тушунишда туб маъносига кўра уларни бир-бирдан фарқлаш ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўқувчиларнинг бу борадаги билимларини аниқлашда назорат типидagi тестлардан фойдаландик. Чунончи:

1. Саломлашганда ишлатиладиган қолип-гапларни кўрсатинг.

А. Ассалому алайкум. Б. Кел, момигим. В. Салом бердик. Г. Хуш келибсан. Д. Йўл бўлсин, отахон. Е. Салом.

2. Ташаккур билдиришга оид қолип-гапларни белги-ланг.

А. Оғзингга қараб гапир. Б. Нималар бўлди? В. Раҳмат, сизга. Г. Бу нима деганинг, қизим. Д. Отангга раҳмат, баракалла. Е. Эътиборингиз учун раҳмат.

3. Илтимосга эътироз билдиришга оид қолип-гапларни белгиланг.

А. Кўзингга қараб гапир. Б. Демак, масала ҳал. В. Узр, сизга ёрдам бера олмайман. Г. Кечирасиз, сизга ҳеч ёрдам бера олмайман. Д. Мендан гина қилманг, ўзимнинг ишим кўп. Е. Ёрдам берар эдим-у, бунинг ҳеч иложи йўқ.

4. Маъқуллаш маъносини билдиришга оид қолип-гапларни белгиланг.

А. Майли, мен розиман. Б. Жим бўласанми? В. Хўп бўлади, албатта бажарамиз. Г. Нима десангиз шу. Д. Билмасам, нима дей. Е. Сизга раҳмат, дўстим.

5. Касаллардан ҳол-ахвол сўрашга оид қолип-гапларни белгиланг.

А. Майли, сиз айтганча бўла қолсин. Б. Бардаммисиз? Қалайсиз? В. Тузукмисиз? Г. Дардингни айт, ёрил. Д. Яхши-мисан, болажоним? Е. Ўзингиздан сўрасак?

1-тест: «Саломлашганда ишлатиладиган шакллар»да: 2 ўқувчи «Ассалому алайкум», «Салом бердик», «Салом» деган қолип-гапларни тўғри белгилаган, 5 ўқувчи фақат «Ассалому алайкум», «Салом» ни қолип-гап ҳисоблаган, 1 та ўқувчи «Ассалому алайкум», «Салом» ва «Хуш келибсиз» (кутиб олишда ишлатиладиган этикет саломлашганда доим ишлатилади) деб ўйлаган, фақат 1 ўқувчи «Ассалому алайкум»ни қўллашини айтган.

2-тест: «Ташаккур билдириш»да: 4 ўқувчи «Раҳмат, сизга», «Отанга раҳмат, баракалла», «Эътиборингиз учун раҳмат» деб ҳамма қолип-гапни белгилаган, 2 ўқувчи «Раҳмат, сизга», «Эътиборингиз учун раҳмат»ни белгилаб, «Отанга раҳмат, баракалла»ни топмаган, 1 ўқувчи «Раҳмат, сизга», «Отанга раҳмат, баракалла» ни ўзинигина тушунган, 1 ўқувчи фақат «Раҳмат, сизга»ни ташаккур билдиришдаги қолип-гап деб тушунган.

3-тест: «Илтимосга эътироз билдириш»да: 4 ўқувчи «Узр, сизга ёрдам бера олмайман», «Кечирасиз, сизга ҳеч ёрдам бера олмайман», «Мендан гина қилманг, ўзимнинг ишим кўп», «Ёрдам берар эдим-у, бунинг ҳеч иложи йўқ» деб белгилаб, барча қолип-гапни тушунишини ифодалаган, 1 ўқувчи «Узр, сизга ёрдам бера олмайман», «Кечирасиз, сизга ҳеч ёрдам бера олмайман»ни белгилаб, қолган иккитасини англамади, 1 ўқувчи «Кечирасиз, сизга ҳеч ёрдам бера олмайман», «Ёрдам берар эдим-у, бунинг ҳеч иложи йўқ»ни белгилади, 1 ўқувчи эса эътироз билдиришда фақат битта шакл бўлади деб «Ёрдам берар эдим-у, бунинг ҳеч иложи йўқ»ни танлаган.

4-тест: «Маъқуллаш маъносини билдириш»да: 3 ўқувчи ҳамма тўғри вариантни топган бўлди: «Майли, мен розиман», «Хўп бўлади, албатта бажарамиз», «Нима десангиз шу», 4 ўқувчи фақат кўп ишлатиладиган шаклларни «Майли, мен розиман», «Хўп бўлади, албатта бажарамиз»ни танлаган, 1 ўқувчи 2 шаклни «Хўп бўлади, албатта бажарамиз», «Нима десангиз шу»ни белгилади, 2 бола «Майли, мен розиман»нинг ўзини қўллашини намоён қилди.

5-тест: «Касаллардан ҳол-аҳвол сўраш»да: 2 ўқувчи барча тўғри жавобларни белгилади: «Бардамсиз? Қалайсиз?», «Тузукмисиз?», «Яхшимисан, болажоним?», 2 ўқувчи «Бардамсиз? Қалайсиз?», «Тузукмисиз?»ни, 5 ўқувчи нутқида битта «Тузукмисиз?»ни ишлатишини кўрсатган.

Бир нечта тест қолип-гапга қараб тегишли изоҳни кўрсата олиш билан боғланди:

Қандай одамдан «Тузукмисан?» («Тузукмисиз?») деб сўралади? Тегишли изоҳни кўрсатинг.

А. Соғлом юрган одамдан сўралади. Б. Оғир касал ётган бемордан сўралади. В. Касалликдан оёққа туриб, кўчага чиққан одамдан шундай деб сўралади.

Хушмуомала билан ўзаро сўзлашиш учун қайси қолип-гап шаклидан фойдаданиш керак? Шу гапни кўрсатинг.

А. Ҳечқиси йўқ. Б. Ҳеч нарса қилгани йўқ. В. Эътибор берма!

Ўқувчиларнинг қолип-гапларни қанчалик тушуна олишлари, билишлари, нутқда қўллашларини аниқлаш мақсадида ўтказилган назорат ишлари асосида қуйидаги ютуқ ва камчиликлар аниқланди:

1. Ўқувчилар этикетларни рус тилига таяниб туриб хотирага келтиришда қийналадилар:

1) баъзи таълим олувчилар фақат бир сўздан иборат қолип-гапларни (*Салом, Бўпти, Майли, Хайр, Раҳмат*) яхши биладилар ва шу сўзлар ёрдамидагина сўзлашадилар;

2) айрим қолип-гапларни рус тилидаги муқобилини топа олмаганликларидан мазмунини аниқ билмаган ҳолда қийналиб, сўзма-сўз таржима қиладилар: – *Приветствую вас – Сизни олқишлайман – Сизга саломлар бўлсин;*

3) кўпинча улар нутқий вазиятларга мос келадиган қолип-гапларни тополмайдилар: Масалан, ўқувчиларга қуйидаги каби нутқий вазиятлар маълум қилинса, керакли қолип-гапни топиб айтишга қийналадилар:

Ф. Умарова қуйидагилардан сақланиш керак деб маслаҳат беради:

- саволларни эшитмаганликка олиб, уларга жавоб бермаслик.
- саволни ўринсиз деб ҳисоблаш;
- саволларни нотўғри талқин қилиш;
- мавзудан четланиш;
- бир неча саволга бирданига жавоб қайтариш;
- ўқувчиларни ўзини ҳимоялаш ҳолатига қўядиган саволлар бериш;

«ҳа», «йўқ» деган жавобни талаб қилувчи саволларни қўллаш [83; 119-б.].

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўқувчиларнинг диалогик нутқ кўникмалари бугунга қадар талаб даражасида шаклланмаган. Улар суҳбатни давом эттириш учун ҳам, мулоқотга кириш, суҳбатдошни мулоқотга тортиш учун ҳам гап тополмай турадилар, уларнинг сўз захиралари кам, матнлар далилларга бой эмас, ахборот базаси ночор, кузатувчанлик, нутқ одоби етарлича ривожланмаган.

2-БОБ.

РУСИЙЗАБОН ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ЎСТИРИШНИНГ ЛИНГВОМЕТОДИК АСОСЛАРИ

2.1. Қолип-гаплар ва уларнинг мавзувий гуруҳлари

Ўқитувчининг қўлида қолип-гапларнинг тахминий ажратилган рўйхати мавжуд бўлса, таълимий тадбирларни режалаштириш мазмунли ташкил этилиши аниқ. Шундай экан, ушбу мавзулар доирасини белгилаб олиш, қолип-гапларни гуруҳлаш, айрим муомала одоби қоидаларини кўрсатиш даркор.

Н.И.Формановская, Х.Р.Соколоваларнинг «Речевой этикет: Русско-немецкие соответствия» номли маълумотнома китобида куйидаги мулоқот тушунчаларига изоҳ берилади, уларнинг диалогик нутқда қўлланиш хусусиятлари баён қилинади: *“сен” ва “сиз” каби муомала одоби шакллари мисоллар асосида ёритилди: диққатни жалб этиш, эътиборни қаратиш (ўзи бермоқчи бўлган саволга эътиборни қаратиш), нотаниш шахсга мурожаат қилиш (айниқса, бирор иш билан банд бўлган ёки телефон орқали гаплашаётган кишиларга) ўта юмшоқлик билан мурожаат қилиш; ҳарбийларнинг бир-бирига мурожаат қилишлари); танишув (одатдаги норасмий танишув; расмий-идоравий танишув); саломлашиш (одатдаги саломлашиш, кўтаринки руҳдаги саломлашиш; ҳам саломлашиш, ҳам таклиф қилиш; саломлашиш ва ҳол-аҳвол сўраш); хайрлашиш; табриклаш; истак билдириш; миннатдорчилик билдириш; кечирим сўраш; илтимос; розилик билдириш, рухсат бериш, рад этиш, ман этиш; таклиф қилиш; маслаҳат, таклиф бериш; мақтов сўз айтиш (комплимент), маъқуллаш; телефон орқали сўзлашув; юқоридагиларда жавоб луқмалари [86].*

М.С.Балабайко сўзлашувга ундаш мазмунидаги диалогик луқмаларни, шулар сирасида қолип-гапларни икки турга бўлади: [10] 1) информатив (ахборот беришга ундовчи) луқмалар; 2) иш-ҳаракатга (сўзлашга) ундовчи луқмалар.

Методист олим Р.Йўлдошев М.С.Балабайконинг ёйиқ холда берган таснифини куйидагича умумлаштириб кўрсатади [38;69-б.]:

Информатив луқмалар:

- 1) воқеа-ҳодиса ёки бирор хатти-ҳаракат ҳақидаги хабар;
- 2) нарса-буюмларни тасвирлаш;
- 3) фактларга ўз муносабатини билдириш;
- 4) ҳис-туйғуларини ифодалаш.

Сўзлашга ундовчи луқмалар:

- 1) иш-ҳаракатга ундаш;
- 2) иш-ҳаракатни тўхтатиш ёки унинг олдини олишга интилишни ифодалаш;
- 3) ахборот беришга ундаш.

Бериладиган хабар куйидаги жавоб луқмаларини келтириб чиқаради: 1) тасдиқлаш, 2) ниятни маъқуллаш, 3) тўлдириш, 4) хулоса қилиш (яқунлаш).

Таклифга нисбатан юзага келадиган жавоб луқмалари: 1) таклифни рад этиш, 2) тузатиб қўйиш, 3) таклифларга қўшилмаслик, 4) мумкин эмасликни исботлаш.

Олинган хабарга нисбатан шахсий муносабатини ифодалаш: 1) миннатдорчилик, 2) ҳайрат, 3) қувонч, 4) яхши кўрганлик, 5) қаноатланиш, 6) фахрланиш, 7) лоқайдлик, 8) ҳайрон бўлиш, 9) афсус, 10) норозилик, 11) ғазаб, 12) кўркув, 13) нафрат, 14) жаҳл қилиш.

Иш-ҳаракатга ундаш: 1) илтимос, 2) маслаҳат, 3) таклиф қилиш, 4) талаб этиш, 5) олинган ахборот билан боғлиқ иш-ҳаракатга рухсат бериш.

Олинган ахборот билан боғлиқ иш-ҳаракатни тўхтатиш ёки унинг олдини олишга интилишни ифодалаш: 1) тақиқлаш, 2) бирор нарсадан огоҳ қилиш, 3) ижозат бермаслик, 4) дакки бериш².

Буларни умумлаштирадиган бўлсак, жавоб луқмалари куйидагилардан иборат: тасдиқлаш, рухсат бериш, рад этиш, ман этиш, берилган хабарни тўлдириш, унга қўшимча қилиш; суҳбатдошининг фикрига муносабат билдириш: маъқуллаш, мақташ, олқиш сўзлари айтиш; хулоса қилиш, 1) миннатдорчилик, 2) ҳайрат, 3) қувонч, 4) яхши кўрганлик, 5) қаноатланиш, 6) фахрланиш, 7) лоқайдлик, 8) ҳайрон бўлиш, 9) афсус, 10) норозилик, 11) ғазаб, 12) кўркув, 13) нафрат, 14) жаҳл қилиш. 2) тузатиб қўйиш, 3) таклифларга қўшилмаслик, 4) мумкин эмасликни

² Balabayko M.S. Nomi ko'rsatilgan maqola, 28-bet

исботлаш. 1) тақиқлаш, 2) бирор нарсадан огоҳ қилиш, 3) ижозат бермаслик, 4) дакки бериш.

Икки киши ўртасидаги диалогик нутқ савол-жавоб, буйруқ-жавоб, хабар-эътироз каби мазмунларда бўлиб, фикр хусусидаги тасдиқ ёки инкорни, зиддият ёки мунозарани ифодалайди. Кўп кишилик диалогларда суҳбат мавзуси савол-жавобдан иборат бўлмай, ўртага ташланган савол, таклиф, даъват, бирор хабар, далиллар билан хулосаланади. [41; 65-б.].

Н.И.Формановская, Х.Р.Соколовалар диалогик луқмаларни рус ва немис тиллари, М.С.Балабайко рус тили нуқтаи назаридан тасниф қилишади, мисолларни шу тиллардан келтиришади. Биз беҳисоб диалогик луқмаларни кўшмаган ҳолда, фақат қолип-гаплар, шаблон сўз ва ибораларни кўзда тутган, шунингдек, «O‘zbek tili» дарсликларидаги таснифларни ҳисобга олган, уларнинг мундарижасини кенгайтирган ҳолда шарқона мисоллар асосида бир қадар мукамалроқ рўйхатлар беришга ҳаракат қиламиз. Бунда сўзлашув нутқини кузатиш, бадий асарлардаги диалогик парчаларни ўрганиш, фаолроқ қолип-гапларни танлаш йўлидан борамиз. Ҳар бир таснифий гуруҳда аввал суҳбатдошлардан бирининг иккинчисига қолип-гаплардан фойдаланиб айтадиган луқмаси, сўнг унинг давомида фақат суҳбатдошининг луқмасидан мазмунан ва структура жиҳатдан фарқли жавоб луқмасини келтирамыз.

Диққатни жалб этиш: *Сизни (сени) бир дақиқага мумкинми? Қулогим сизда! Энди сиздан эшитсак. Қаранг... Ҳўи, қулогим сизда, Гатимга қулоқ сол. Яхшилаб эшит. Ўзингизда гатим бор. Сўрасам майлими? Эшит(инг)! Савол берсам бўладими? Рухсат берсангиз, сизга саволим бор эди. Мурोजаат этишга рухсат беринг!*

Саломлашиш: *Ассалому алайкум. Ваалайкум ассалом. Салом. Салом сизга! Яхшимисиз? Сиз билан саломлашай! (рухсат этинг, хурсандман).*

Саломлашиш — бу учрашган таниш ва нотаниш кишиларга ҳурмат, хайрихоҳлик, муомаладаги мулоқимлик белгиси. Масалан, биз бирор муассасага киришда расмий вакилга салом берамыз. Одатда, буларнинг барчаси "Кечирасиз", "Узр" сўзлари билан бирга ишлатилади.

Танишиш: *Отинг нима? (Сенинг отинг нима? Сенинг исми-нинг нима?) Фамилиянг нима? Сен неча ёшдасан? (Ёшинг неча-да?) Танишиганимиздан хурсандман. Сенинг /Сизнинг/ фамилиянг /из/ нима? Сиз ким бўласиз? Мен ...нинг қизлариман. Мен, ўғиллариман. Сиз ...амакимисиз? Мен сиз (сен) билан танишмоқчиман. Кел(инг), танишайлик! (танишамиз)! Ўзимни таништиришига рухсат (ижозат) беринг (этинг)!*

Ҳол-аҳвол сўраш: *Соғлиқларинг яхшими? Яхши, раҳмат. Ўзингнинг соғлиқларинг қалай? Соғ-саломатмисан? Тузукмисан? Ўқишларинг қалай? Ўқишларинг яхшими? Ўзингники-чи? Ишлар қалай? Яхши. (Зўр. Михдай.) Отанг /Онанг/ яхши юрибдимми? Отанг /Онанг/нинг соғлиқлари яхшими? Шукур, раҳмат. Яхши юрибсанми? Ойинг ва даданг яхшимилар? Яхши юрибсан /сиз/ми? Аҳволларинг /из/ қалай? Соғ-саломатмисан /сиз/? Ишларинг /из/, ўқишларинг /из/ яхшими? Уйдагилар яхшими /эсон-омонми/? Нима янгиликлар бор? Онанг /из/, отанг /из/ яхши юрибдимми? Ёмон эмас. Худога шукур, яхши. Жуда соз! Ташаккур, ўзинг /из/-чи? Бир нави. Сўраманг, яхши эмас. ..., қалайсан? Ўзинг қалайсан? Ҳафа кўринасан. Вой, яна нима бўлди! Ўзингиздан сўрасак. Ўртача, ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида, менда ёмон эмас (ҳаммадан зўр (яхши)). Сиз (сен) ўзингни қандай ҳис қилясан? Сиз қандай яшаяпсиз? Сизга (сенга) нима бўлди? Ҳа, нима бўлди энди?*

Хайрлашиш: *Хайр. Кўришгунча. Яхши қол! Хайр! Хўп, хайр! Омон бўлинг! Кўришгунча хайр!*

Истак билдириш: *Соғ бўлинг. Ҳорманг! Бор бўлинг! Яхши боринг! Яхши қолинг! Сизга омад тилайман! Яхши бориб келинг! Оқ йўл! Омадингиз келсин! Яхши ётиб туринг! Хайрли тун! Ишингиз ўнгидан келсин! Сизга омад ёр бўлсин! Муваффақият тилайман! Чин дилдан ... тилайман! Энг яхши тилакларимни қабул этинг! айтганингиз келсин! Миннатдорман, қачон керак бўлсам, хизматларингизга тайёрман. Ишқилиб, умри узоқ бўлсин! Омин, охири бахайр бўлсин. Сизга ўхшаб юрсин. Қани, сиздай келиним бўлса!? Отанг /Онанг/га салом деб қўй. Хўп, албатта айтиб қўяман.*

Буйруқ-истак, яъни бирор иш-ҳаракатга ундаш 3 хил шаклда ифодаланади:

а) имплицит (яширин) буйруқ-истак;

б) бевосита буйруқ-истак (бирор ҳолатга ишора қилиш);

в) эксплицит буйруқ-истак, аниқ иш-ҳаракатга ундовчи буйруқ-истак.

Имплицит буйруқ-истакда ундашга қаратилган гапнинг ўзи буйруқ-истак маъносини англатмайди, лекин бу маънони субъектнинг ўзидан (гапидан) англаб олиш мумкин. Масалан: бир одам иккинчи одам билан учрашгиси келмаса, уни кетишга мажбур қиладиган гапни айтади: «Кеч бўлиб қолди», «Соат 10 бўлиб қолди» луқмасининг ўзи уни кетишга ундайди.

3-гапта буйруқ-истак тўлиқ ифодаланади.

Сухбатдошлардан бири ниманингдир қаерда турганини айтади, иккинчиси ё ўша нарсани олиб бериши керак, ёки олиб кетиши керак каби ҳар хил маъноларда тушунади. Аниқ нима-лиги суҳбатнинг бошланиш қисмидан маълум бўлиб туради.

Юқоридаги мисолларда буйруқ-истак мазмуни дарак гап шаклида ифодаланган.

Миннатдорчилик билдириш: *Раҳмат. Марҳамат. Ташаккур! Кўп миннатдорман сиздан. Айтганингиз келсин! Арзимаиди.*

Кувонч: *Бошим осмонга етди; Кувончим бир олам.*

Кечирим сўраш: *Кечир (инг)! Мени /бизни/кечир/инг!/ Илтимос, кечир/инг!/.... учун кечир/инг!/ Кечирасан/сиз/, билмабман! Билмайман, узр! Мени авф этинг! Сиз /сен/дан узр сўрайман. Минг карра узр! Тавба қилдим, кечиринг! Ҳафа қилган бўлсам, кечир/инг!/ Ҳечқиси йўқ! Нима ҳам дердим. Майли. Ўтган ишга саловат! Қўяверинг! Зарари йўқ! Бўпти, майли. ...сам бўладими? Безовта қилганим учун кечирасиз. Безовта қилмадимми, узр?*

Шошириш: *Бўл, тезлаштир, бўл. Зудлик билан ишга кириш.*

Илтимос қилиш: *Малол келмаса,... Ҳизмат бўлмаса,.. Илтимос қийин бўлмаса,.. Бемалол бўлса,.. (Йўқ,) мумкин бўлса, Илтимос, ...майсизми? Хўп. Йўқ. Хўп, майли. (Сира) иложим йўқ. Яхши. Мумкин эмас. Бўпти. Йўқ, бўлмайди. Ҳозир. Ҳозир чақираман. Ҳаққим йўқ. Марҳамат. Бу менга боғлиқ эмас. Жоним билан. Қўлимдан келмайди. Бемалол. Албатта. Майли. Илтимос, рози бўлинг; Ўтинаман, ёрдам беринг. Илтимос сиздан. Ўтинаман, сиздан.*

Рухсат: *Майлими? Хўп, майли. Бемалол. Кириш, марҳамат. Майли, чиқиб келақолинг. Ихтиёрингиз. Ўзингиз биласиз. Ихтиёр ўзингизда. Кирсам майлими? Марҳамат, кир. Кираверинг,*

кираверинг. Сиздан бир нарсани сўрасам бўладими? Сўрайверинг, бемалол. Ҳа, албатта мумкин. Менга рухсатми? Йложим йўқ, Йўқ, бўлмайди. Ҳар қанақасига иложи йўқ. Борақолгин. Сен кетавер! Мумкин бўлса. Бўпти, майли сам бўладими? Ихтиёрингиз.

Таклиф қилиш: Хуш келибсиз. Қаёқдан офтоб чиқди, қайси шамол учирди? Келинг /киринг/, марҳамат. Марҳамат, ўтиринг. Келинг, ёрдамлашаман. Ҳа, келақол, юрагим сезувди! Марҳамат, келинг! Бирга борайлик. Кетайлик! Юринг деяпман! Хайрлашиб келайлик. Бизниқига келинг.

Маслаҳат: Дарсга кеч қолма Овора бўлиб нима қилардинг? Ўзинг биласан. Ўйлаб кўрарсан. Йўқолиб кетманг. Калта ўйлама. Бирга борганинг яхши. Бўладиган ишининг бўлгани яхши. Ўйлаб иш тут. Етти ўлчаб, бир кес. Ҳалол бўлсанг, барака келади сенга.. Тўғри юр, бола, ишингни билиб қил! Гаплашиб олиш бизга фойда беради.

Мақтов сўз айтиш (комплимент), олқиш: Эсинг кириб қолиптими, дўстим? Қойил! Кўзимнинг оқ-у-қораси сенсан! Маза! Мунча роҳатижсон бўлмаса! Офарин!

Телефон орқали сўзлашув: Ало! Лаббай? Лаббай, эшитаман!..., сенмисан? Ҳа, менман. ...борми(лар)? ...уйдами? Нима деб қўяй? Ўзим кечроқ кўнгироқ қиламан. (Кечирасиз,) бу ...ларнинг уй(лар)ими? Йўқ, бошқа жойга тушиб қолдингиз. ... Йўқ эдилар. Гапирётган ким? Мен ким билан гаплашяпман? Кечирасиз, сиз ким бўласиз? Ким кўнгироқ қилди деб қўяй? Ҳозир йўқлар. Сал туриб кўнгироқ қилинг. Албатта айтаман. Арзимаиди.

Аниқлаш: Бу кишини танийсизми? Ҳа, танийман. Нима эди? Нима демоқчисан ўзи? Нима қилиб турибсиз? Ўзим. Кимда ишингиз бор эди? Йўл бўлсин? Мақсадинг нима? Нима дедингиз? Эшитаман, нима гапингиз бор, айтақолинг? Шу гап ростми? Бир аниқлагин-чи. Хўш-хўш, яна нима дейсиз? Қўшимчанг борми? Яна қайтаринг-чи. Нима дединг? Энди нима қиласан? Бу нима деганинг, қизим? Қани, тушунтириброқ гапир-чи? Ҳурматим йўқми? Ў, сен ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Йўғ-эй, шунақами? Ие-ие, ҳали шунақами? (Ҳа), қандай (нима) янгиликлар бор? Ҳа, бу ёғи нима бўлди? Кечирасиз, (қандай) айта оласизми ...? Кечирасиз, сиз айтиб бера олмайсизми? Узр, сиз билмайсизми ...? Сизга айтиш қийин эмасми ...?(Сиздан) сўрасам

бўладими? (майлими?) Нима гап? Хабарим бор. Қайдам? Нега энди? Нима қилди? (А что?) Билмасам?

Хайдаш, қарғаш: Йўқол, турқинг курсин ... Кўзимга кўринма!
Овора бўласанлар! Тошингни тер! Бор, йўқол! Яшишамагур!

Келишини: Бўлмаса келишидик-а? Келишидик. Сиз ҳақсиз.
Келинг, ... келишамиз. Юринг, маслаҳатлашамиз.

Зиммасига олиш: Бу ишларга мен жавобгарман.
Мажбурман энди. Бу ишлар менинг елкамда.

Муносабат билдириш: Бу ҳали ҳолва. Бунни қаранг-ки, худо сизни юборибди. Қандай қилай! Қулогига гап қирмайди. Мана бу бошқа гап! Ўғил бола деган мана бундай бўлади! Ўзингиздан қолар гап йўқ. Қотирдим-а? кўнглимдагидай иш бўлди! Бу гапинг яхши! Тайининг борми ўзи? Менга барибир. Менга фарқи йўқ! Йўқ, мен бунга норозиман. Розимасман бундан. Ким бўлибсиз? Кимсан, сен? Яхши таклиф. Яхши эмас! Шу гапга нима дейсиз?

Тартибга чақириш, танбех: "Жим"! Майда гап бўлма!

Қаршилиқ қилиш, таъқиклаш: Тўхта! Сен эсим ўтир.
Сен аралашма! Йўқ, овора бўлма! Сенга мумкин эмас; бўлмайди!
Тўхтатинг, бўлди қилинг. Йўқ, асло! Ҳеч қачон! Мумкин эмас!

Афсусланиш: Афсус. Эссиз-эссиз. Аттанг! Илож қанча?

Имкониятини маълум қилиш: Кўлингдан келади; Давлати етади. Кўлинг етади. Қалланг жойида. Яхши мутахассиссан.
Кўлимдан келмайди!

Туйғуларини ифодалаш: Яхши кўраман сизни.

Ҳаракатга ундаш: Буйруқни бажар! Ишни бошла! Бир кўриб чиқинг. Яна бир бор кўриб чиқинг бўлмаса.

Ҳаракатни чегаралаш: Оширворма. Ҳаддингдан ошма!
Ўзингдан кетма.

Маъқуллаш: Ҳа, худди шундай. Тўпта-тўғри! Тўғри эмас.
Тўғри келмайди! Бўлар-бўлмас нарса-ку!

Рад этиш: Йўқ, бўлмайди. Йўқ, ўйлама ҳам!

Айбига иқрорлик: Айбдорсан. Гуноҳқорман.

Ёрдам сўраш: Бир савоб қилинг. Ёрдамим тегсин; Ёрдам берақолинг.

Иккиланиш: Қандай бўларкин? Нима десам бўлади? Рост айтяпсанми? Айтганларинг ростми? Ростмикан? Тўғри, деб ўйлайсизми?

Ишонтириш: Рост гап, дўстим, рост. Тўғри йўл шу-да. Албатта, келаман. Ишонавер, мен доим ёнингдаман. Ҳаракат қиламан. Тўғриси, шу. Айни ҳақиқат. Гатинг рост. Бор умидим сиздан. Ишонмайман. Шубҳам бор. Кафолати борми? Севганим сен. Шубҳасиз, тўғри. Гапларинг юз фоизга тўғри. Ҳали ҳаммаси олдинда.

Зарурлигини таъкидлаш: Ҳа, яхшиям сен борсан; Мен сен биланман; Бахтимга сен бор бўл! Борлигингизга шукур!

Рози бўлиш (итоат): Майли, мен розиман. Хўп, дейман, мен сен томондаман. Хўп бўлади, албатта бажарамиз. Бўпти, майли. Мен рози. Майли, йўқ демайман; Хўп бўлади. Йўқ, розимасмиз. Қаршиман! Агар рози бўлсанг, менда бир таклиф бор. Ишонсам, рози бўлардим. Алдамасанг, ўзим ёрдамлашардим. Нима десангиз шу бўлади. Мақсадим шу. Йўқ, бўлмайди. Йўқ дедим-ми, йўқ! Хўп, денг. Йўқ деманг. Майлими?

Ҳайрат: Зап янги модель! Бунча гўзал бўлмасанг, Тошканим онам! Қанчалар, чиройли жойлар! Мунчалар сўлим маскан! Бахри-динг очилади. Ажабо! Вой-бў! Ўх-хў!

Ҳолат: Томоғим қуриди. Юрагим сезувди. Юрагим тошиди. Рангим сўлди. Согинтирвордингиз-ку! Ҳафа қилдинг. Ҳафаман. Хавотирдаман. Қўрқиб кетдим.

Огоҳлантириш, танбех: Бу гапларни унутма! Саратондай қовжирама! Изгириндай иззиллатма!

Хулоса чиқариш: Бундан чиқди,...

Бирор хабарни етказиш: ...салом айтиб юборди. Демак,...

Ў.П.Лафасов тилшуносликка оид манбаларга таянган ҳолда атаган фразеологик штамплар («Зиёратингиз қабул бўлсин», «Муродингиз ҳосил бўлсин») қолип-гапларни эслатади. Муаллифнинг таъкидлашича, ушбу бирликлар фақат диалогик нутққа хос [39; 97-б.]. Аён бўладики, қолип-гаплар (речевые клише, штамп) диалогик нутқнинг таълимий лисоной бирлиги бўлиш билан бирга фразеологизмга ҳам бориб тақалади, ўзаро мулоқотда истак маъносини англатиш учун хизмат қиладиган қисмлари билан ўхшашлик касб этади. Масалан, «Йўлингиз бехатар бўлсин» ифодасини қолип-гап деб ҳисоблаш мумкин бўлганидек, уни, Ў.П.Лафасов айтганидек, фразеологик штамп дейиш ҳам мумкин. Биз буларни диалогларга хос бўлгани учун қолип-гаплар сирасида кўришимиз мумкин.

Истак маъносидаги бундай қолип-гаплар (ёки иборалар) нутқимизда талайгина. Масалан: *Садаганг кетай! Гиргимтонинг бўлай! Барака тонгур!*

Қолип-гапларнинг маълум бир қисми оғзаки нутқда, айниқса, ёшлар тилида кам қўлланади. Булар рецептив планда ўргатилади. Асосий қисми махсулдор планда киритилади.

Қолип-гапларни 2 турга ажратиш мумкин: 1) оғзаки маиший нутққа хос; 2) касбий нутққа хос.

2.2. Ўзбек ва рус тилларидаги қолип-гаплар ва муомала одоби қоидаларига қисқа қиёсий экскурс

2.2.1. Ўзбек тилидаги қолип – гапларнинг рус тилида ифодаланиши

Энг қийин муаммо ўзбек тилидаги аксарият қолип-гапларнинг, шаблон-сўз ва ибораларнинг русча муқобилини топиш билан боғланади.

Ўзбек тилидаги гапларни ўқиб, мазмунини тушуниш йўлида таржима техникаси ўрганилади. Дастлабки кезларда, яъни илгари таржима техникаси устидаги ишлар амалга оширилмаган босқичда ўқувчи гапни сўзма-сўз, сўз ва сўз шаклларини гапда берилган тартибда рус тилига таржима қилиш ҳаракатида бўлади. Бундай таржима сўз бирикмалари ёки гаплардан баъзан фикрни англаб бўлмайдиган русча сўзлар кетма-кетлигини вужудга келтиради ва мазмуний ноаниқликка сабаб бўлади Ўзбек тилидан рус тилига сўзма-сўз ўгириш мумкин бўлган қолип-гаплар эса кўп эмас. Аксарият сўзма-сўз таржима қилинмайдиган гаплар рус тилидаги эквивалентларидан ё лексик жиҳатдан, ёки грамматик шакл жиҳатдан, ёхуд ҳам лексик, ҳам грамматик жиҳатдан маълум фарқларга эга. Буни икки тил ҳодисаларини чоғиштириш орқали яққол кўриш мумкин.

Ўзбек тилидаги қолип-гаплар, шаблон-сўз ва иборалар рус тилида турлича ифодаланади:

1. Иккала тилдаги ушбу тил ҳодисалари лексик ва грамматик жиҳатдан тўлиқ мос келиб, сўзма-сўз таржимага имкон беради. Масалан: *Сог бўлинг. – Будьте здоровы. Ишлар қалай? – Как дела? Лаббай, эшитаман! – Алло, слушаю! Майли! – Ладно. Марҳамат. – Пожалуйста. Иложи йўқ. – Нет возможности.*

Келтирилган ушбу мисоллардаги ўзбекча сўзлар рус тилида луғавий жиҳатдан ўз муқобил таржимаси билан берилган. Масалан: *соғ* – *здоров(ый)*, *қалай* – *как*, *иш* – *работа*, *дела*, *эшитаман* – *слушаю* ва ҳоказо. Сўз шакллари ҳам ўзбек ва рус тилларида мос келади: *бўлинг* – *будьте* каби.

Ўзбекча қолип-гап икки, кўпи билан уч сўзли бўлса, уни сўзма-сўз таржима қилганда, русча сўзларнинг гапдаги тартиби ўзгарган вазиятда бўлса, мазмунини тушуниш мумкин бўлаверади. Масалан: *Соғ бўлинг. – Здоровы будьте. Ишлар қалай? – Дела как (какие)? Энг яхши тилакларимни қабул этинг! – Мои самые лучшие пожелания примите!* Лекин ўқувчи дарҳол ўз хатосини англаб, таржимадаги сўзлар тартибини рус тилининг қонун-қоидаларига мослаштиради.

2. Ўзбек ва рус тилларидаги қолип-гаплар лексик жиҳатдан қисман мос келмайди. Масалан: *Оқ йўл! – Светлого пути! Хайрли тун! Спокойной ночи! Доброй ночи! ... айтганингиз келсин! Пусть сбудутся ваши пожелания. Ишларинг (ўқишларинг) яхшими? – Как дела (учеба)? Нима янгиликлар бор? – Какие новости (есть)? Яхшимисан, ўғлим? – Как ты, сынок? Яхши юрибсанми? – Как ты поживаешь? Зарари йўк! – Ничего плохого!*

Ушбу мисолларда *оқ сўзи светлый* деб, *хайрли сўзи спокойный* деб, *келсин сўзи пусть сбудутся* деб, *яхшимисан сўзи как* деб, *нима сўзи какие* деб, *юрибсанми сўзи поживаешь* деб, *зарар сўзи ничего* деб ўтирилган.

Ўзбекча баъзи қолип-гаплардаги сифат (*яхши сўзи*) русчада сўроқ сўз (*как сўзи*) билан берилади.. Масалан: *Яхши юрибсанми? – Как поживаешь. Яхшимисан? – Как ты? Соғлиқларинг яхшими? – Как твоё здоровье? Ўқишларинг яхшими? – Как учеба? Ойинг яхшимилар? – Как (твоя) мать?* Ушбу таржималарда *как* рус тилида сўроқ сўз, *яхши* – сифат. Демак, ўқувчилар *яхши сўзини как* деб рус тилида ифодалаш кераклигини билишлари лозим бўлади.

Бундай ўгирмалар асосан сўроқ гап шаклидаги қолип-гапларда юз беради. Дарак гапларда истак мазмунидаги жумлаларда *яхши сўзи ўз луғавий маъносида*, шунингдек, русча қолип-галга хос, луғавий жиҳатдан фарқли сифатлар билан берилади. Масалан: *Яхши боринг: – Счастливой поездки. Яхши*

ётиб туринг. – *Спокойной ночи.* Ўқувчилар бундай таржималарни суҳбатдошларнинг бир-бирига билдирадиган тилакларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширадилар.

Бундай таржимада русча гап ғализ, тушунарсиз бўлиб қолади. «*Яхши боринг*», «*Яхши ётиб туринг*» каби қолип-гапларда *яхши* сўзини ўз лугавий маъносида ўгириш учун истак билдириш мазмунида «*желаю*» сўзини ишлатишга тўғри келади: «*Желаю хорошей поездки*», «*Желаю хорошо отоспаться*» каби.

Бунда феъл шакли рус тилида феълдан ясалган от билан ифодаланади. Масалан: *Яхши боринг.* – *Счастливой поездки.*

Баъзи қолип-гаплар, шаблон сўз-гаплар ва иборалар рус тилида синоним таржималар билан ҳам берилади. Лекин бу таржималарнинг биттаси рус тилида фаол ишлатилса, иккинчиси ёки қолганлари нофаол, баъзилари нутқда умуман ишлатилмайди. Бу ўринда А.Жўраевнинг куйидаги фикрларига қўшилмай бўлмайди: «мданиятлараро мулоқот қилиш суҳбатдошдан тил бирликларини нутқда нафақат тил меъёри нутқга назаридан тўғри қўллаш, балки уларни турли нутқ вазиятларида тил соҳиблари маданиятига мос равишда ишлатишни тақозо этади. Бундай ҳолат чет тили ўқитувчиларининг лингвокультурологик лаёқатга эга бўлишини тақозо қилади [19,4]. Масалан: *Хайрли тун!* – *Спокойной ночи! Доброй ночи!* Ушбу икки хил таржимадан биттаси (*Спокойной ночи!*) тил соҳибларининг нутқида фаол ҳисобланади. Буни билмаган ўқитувчи таржиманинг иккинчи вариантыни танлаши ва ўқувчиларни ажаблантириб қўйиши мумкин. Ушбу ўгирма тўғри бўлса-да, у нутқда қўпинча ишлатилмайди.

Куйидаги мисолларда ҳам ўзбекча сўз рус тилига фарқли таржима қилинади. Масалан: *Зўр.* – *Отлично. Михдай.* – *Как штык. Ништяк. Йўқ, бўлмайди.* – *Нет, не пройдет (не пойдет, не годится).* *Жоним билан.* – *С удовольствием (С любезностью).*

Юқоридаги ҳолатларда рус халқи кадриятлари намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилида буюмнинг тўппа-тўғри эканлиги, ҳолатнинг яхшилиги миҳга қиёсланса, рус тилида милтик найзасига таққосланади.

Ўзбек ва рус тилларида қолип-гаплар, шаблон-сўз-гаплар ва иборалар грамматик жиҳатдан мос келса-да, айрим сўзларнинг таржимада акс этмаслиги уларни фарқлантиради, сўзма-сўз

таржима тўлиқ бўлмайди. Масалан: *Қийин бўлмаса. – Если не трудно. Мумкин бўлса. – Если можно. Сиз ким бўласиз? – Кто вы?*

Русча ўғирмада акс этмайдиган сўз лексик қийинчилик туғдириши мумкин. Масалан: *Хўп, албатта, айтиб қўяман. Йўқ, бошқа жойга тушиб қолдингиз. – ...*

Ўқувчилар *деб қўяй, айтиб қўяман, тушиб қолдингиз* кўмакчи феълли бирикувларни таржима қилиш учун *деб (демоқ), қўяй (қўймоқ), тушиб (тушмоқ), қолдингиз (қолмоқ)* феълларини айрим-айрим оладилар, натижада маъно тўғри ифода топмайди.

Ўқитувчи ўқувчиларга икки феълнинг биринчисини рус тилига таржима қилишни таклиф этиши тўғри бўлади: *деб (демоқ) – сказать, айтиб (айтмоқ) – сказать, тушиб (тушмоқ) – попасть*. Бунинг натижасида қолип-гапни рус тилига ўгириш ва мазмунини тушуниш имконияти юзага келади.

Кўмакчи феълли бирикув таркибидаги баъзи кўмакчи феъллар, хусусан, *қўймоқ* феълли русча таржимада акс этмайди. Масалан: *Салом, деб (айтиб) қўй. – Передай привет. Қўй сўзи передай* феълда акс этмайди.

Айрим ўзбекча қолип-гапларнинг русча таржимасида сўз орттирилади. Масалан: *– Нима деб қўяй? – Что ему передать. Омадингиз келсин! – Пусть удача сопутствует Вам! Илтимос, кечир! – Прошу тебя, извини! Йўқ эдилар! – Его (ее) нет! Овора бўлиб нима қилардинг? – Незачем было утруждать себя.*

Келтирилган ўзбекча қолип гапда *унга, сизнинг, сендан, у, ўзингни* сўзларини ишлатиш шарт эмас, рус тилида *ему, Вам, тебя, его (ее), себя* сўзларини ишлатиш шарт.

Ўқувчи рус тилига таржима қилишда гап ғализликдан халос бўлиши учун етишмай турган сўзни қўшади. Лекин бундай қилинмаган тақдирда ҳам мазмун англашилаверади.

Худди шунингдек, қолип-гаплардаги тўлиқсиз феъллар русча таржимада акс этмайди. Масалан: *– (Агар) қийин бўлмаса. – Если не трудно*. Рус тилига қилинган ўғирмада бўлмаса сўзи ўз ифодасини топмайди. Бошқача айтганда, бу каби мисолларда *бўлмоқ* сўзи кўпинча русча таржимасида тушиб қолади. Аслида *«Если тебе не будет трудно», «Если тебе можно (возможно)»* дейиш керак эди. Лекин рус тилида бундай ибораларга камдан-кам йўл қўйилади.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, ўзбек тилида (*Агар*) қийин бўлмаса каби гапларда кўпинча *агар* сўзи ишлатилмайди.

Ўзбекча қолип-гап тарзида ишлатилган ибора рус тилида оддий феъл билан ифодаланади. Масалан: *Қўлимдан келмайди. – Не могу. Ушбу ибора рус тилида баъзан «Это не в моих силах»* деб берилиши ҳам мумкин.

Қолип-гаплар орасида ибора билан ифодаланадиганлари кўп эмас. Чунончи: *Ишингиз ўнгидан келсин! – Удачи в работе! Қулогим сизда! – Слушаю! – Қулогига гап кирмайди. – Не слушается. Йўл бўлсин? – Куда путь держите? Куда тебе (Вам)?*

Ўқувчилар ўзбекча ибораларни русча таржимаси билан эслаб қолишлари керак бўлади.

Баъзи ўзбекча қолип-гаплардаги *нима* сўроқ сўзи рус тилида *какой* сўроқ сўзи билан ифодаланади. Масалан: *Нима янгиликлар бор? – Какие новости?*

Бундай ўғирмалар асосан сўроқ гаплар билан боғлиқ равишда кузатилади. Ўқувчилар *нима* сўзини *какой* деб рус тилига ўгиришлари керак бўлади. Лекин улар аввал бу сўзни ўз луғавий маъносида рус тилида ифодалаб кўради (*Нима янгиликлар бор? – Что новости есть?*). Таржима гализ чикқач, ўз ўғирмаларини «*Какие новости есть?*» деб тўғрилайдилар.

3. Ўзбек ва рус тилидаги қолип-гаплар бир-бирига лексик жиҳатдан мос келган ҳолда, баъзан грамматик жиҳатдан фаркланади. Куйидаги ана шундай тафовутли ҳолатларни кўриб чиқамиз.

Айрим қолип-гапларда ўзбек тилидаги эгалик кўшимчалари, шунингдек, бош келишиқдаги кишилиқ олмошлари рус тилида притяжательный олмошлар (*мой, твой, наш* ва б.), шунингдек, бош келишиқдаги кишилиқ олмошлари (*я, ты, он* ва б.) билан эмас, балки дательный келишиқдаги кишилиқ олмошлари билан берилади: *Ёшим ўнда. – Мне десять лет. Мен нима ҳам дердим. – Ну, что же мне сказать. Кирсам бўладими (майлими)? – Можно (ли) мне зайти? Ўзингиз биласиз. – Вам знать.*

Баъзан феълнинг буйруқ-истак майли шакллари ҳам рус тилига шу тарзда таржима қилинади: *Қандай қилай! – Как мне поступить?*

Ўқувчилар «*Ёшим ўнда*», «*Мен ўн ёшдаман*» каби ёш билан боғлиқ гапларни рус тилида ифодалашда *ёшим* сўзини *мой* лет, *мен* сўзини *я* деб таржима қилсалар, жумла русча тузилмаган бўлиб, ғализлиги билиниб туради. Бу ҳолат гапни рус тилига ўгираётган ўқувчини иккилантириб қўяди. Бехато таржимага йўллаш учун ундан рус тилида кишининг ёши билан боғлиқ қандай саволлар берилиши ва қандай жавоб қайтарилиши кераклиги сўралади. Шубҳасиз, ўқувчи «*Сколько тебе лет?*» «*Мне десять лет*» гапларини айтади. Бундай вазиятда ўзбекча қолип-гап рус тилининг қонун-қоидалари асосида тузилган, грамматик жиҳатдан фарқли қолип-гап билан алмаштирилади. Демак, ўзбекча қолип-гапнинг мазмунини тушунишда ва уни рус тилида ифодалашда сўзлашув вазиятига мос русча шаклини эслаш малакасини эгаллаб бориш талаб этилади.

«*Кирсам бўладими?*» гапини рус тилига таржима қилишда ўқувчи эга вазифасидаги *мен* сўзини хаёлан тиклаб, уни *я* деб рус тилида ифодаласа, таржимадан мазмун чиқмайди. Бу ўринда у *бўлади* феълини *можно* деб тушунгандан кейингина *кирсам бўладими* бирикмасини *можно войти* деб англай олади ва шундан келиб чиққан ҳолда қолип-гапни «*Можно ли мне войти?*» деб рус тилига ўгиради. Бунда русча феъл *мне* сўзини қўллашга ундайди. Шунини ҳам эслатиш жоизки, русийзабонларга мўлжалланган амалдаги «*O'zbek tili*» дарсликлариди феълнинг *-са бўлади* шакли мавзу даражасида ажратиб ўрганилмайди. Шунга кўра ҳам ўқитувчи ушбу шакл ҳақида қисқа маълумот бериб ўтиши, унинг сўзлашув нутқиға хослиги, китобий нутққа мансуб **-(и)ш мумкин** шаклиға маънодош эканлигини эслатиши мақсадга мувофиқдир. Бунини мисоллар асосида қиёслаб кўрсатиши фойдадан холи эмас: *Кирса бўладими?* (Так спрашивают в разговорной речи) – *Кириш мумкинми?* (Так спрашивают в деловой речи).

Ўзбек тилида эгалик қўшимчали сифатдош турланган ҳолатларда русийзабон ўқувчиларнинг ушбу сўз шаклиларининг грамматик маъносини англашлари қийин кечади. Чикиш келишиги шаклида келган сифатдош *хурсандман* сўзи билан биргаликда қолип-гапни ҳосил қилиб, рус тилидаги феълнинг ноаниқ шаклиға тенг келади. Масалан: – *Танишганимдан хурсандман. – Рад был (с вами) познакомиться.*

Одатда, чиқиш келишигидаги сифатдош рус тилида *тому что, от того что* каби предлогли бирикмалар билан бошланувчи феъл шакли орқали ифодаланади: *суюнганимдан қичқириб юбордим – я закричал от того что обрадовался, келмаганидан хафа бўлдим – я обижен тем, что он не пришел* каби. Бу икки тилда мос келадиган таржимада шундай бўлади, лекин «*Танишганимдан хурсандман*» каби қолип-гапларда ўзбекча чиқиш келишигидаги сифатдош рус тилида феълнинг ноаниқ шакли билан ифодаланиши керак. Агар ўқувчи *хурсандман* сўзини *рад* сўзи билан ўгира олса, у ҳолда ўз-ўзидан *танишмоқ* феъллини *познакомиться* деб ўгириш орқали русча қолип-гапни юзага келтира олади. Бунда у чиқиш келишиги кўшимчасини рус тилида махсус ифодаламайди. Яъни уни таржима пайтида тушириб қолдиради. Бундай таржималар ўқитувчидан кўшимча изоҳларни талаб қилади. Тегишли кўникмаларни ҳосил қилиш учун «*Келганингдан хурсандман*», «*Ғалаба қилганингдан хурсандман*» каби гапларни таржима учун бериши мумкин.

Ўзбек тилидаги баъзи қолип-гапларни рус тилига ағдаришда сўзга кўшилган кўплик ва эгалик кўшимчалари тушириб қолдирилади. Масалан: *Ўқишларинг қалай? – Как учёба? Ишларинг яхшими? – Как дела?*

Бундай таржимада ўқувчи суҳбатдоши ундан нима ҳақда сўраётганига эътибор бериши керак бўлади. У *қалай, яхшими* каби сўзларни рус тилида *как* деб ўгира олса, *ўқиш, иш* каби сўзлар ўз-ўзидан кўшимчалари тушириб қолдирилгани ҳолда *учеба, работа* деб англанади, яъни ўқувчи бу сўзлардаги кўшимчаларни четлаб ўтиб, русча қолип-гапни эсга туширади.

Ўзбек тилидаги *-ники* кўшимчасини қабул қилган кишилик олмошлари рус тилидаги притяжательный олмошлари, баъзан ўзлик олмоши билан бериледи. Масалан: – *Ўзингники-чи? – А твой (свой)?*

-ники кўшимчаси ўзлик олмошига кўшилганда рус тилида *свой* сўзи билан ифодаланади. Ана шу ҳолат сўз шаклини англашда қийналадиган ўқувчини иккилантриб қўйиши мумкин: *ўз уйи – свой дом, ўзи – сам, ўзинг – ты сам, ўзингники, твой свой, свой* каби таржималарни билмай боши қогади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчилардаги иккиланишларни йўқотиш мақсадида «*Мен китобимни олдим*» каби гаплар мисолида эгалик

кўшимчаси рус тилида (*твой*) *свой* сўзи билан ифодаланишини эслатиб, **-ники** кўшимчаси рус тилида икки хил таржима қилинишини тушунтириб ўтади. Масалан, *бу меники, бу сеники, бу уники* каби бирикмаларнинг ҳар бирини рус тилига икки хил таржима қилиш мумкин: *это мой, это (мой) свой, это твой, это (твой) свой, это его (ее), это (его / ее) свой* каби. **-ники** кўшимчаси аввал *мен ўзим* – *я сам* тарзида (шахснинг ўзига боғлиқ иш-ҳаракатга ишора мазмунида) тушунтирилади, сўнг *ўзимники, ўзингники* каби нарса-буюмнинг шахснинг шахсий мулкига ишора маъносидаги ҳолатларни *мой свой, твой свой* тариқасида англатилади. Лекин нутқда *мой, твой* сўзлари кўпинча тушириб қолдирилиб, шу маънони *свой* сўзининг ўзи билан ифодалаш мумкинлиги маълум қилинади.

Ўзбек тилидаги шахс-сон кўшимчалари рус тилида притяжательный олмоши билан ифодаланади. Масалан: *Сог-саломатмисан?* – *Как твоё здоровье?*

Ўзбек тилидаги «*Сог-саломатмисан?*», «*Тузукмисан?*» каби луқмалар рус тилида икки хил ифодаланиши мумкин: «*Ты здоров?*», «*Как твоё здоровье?*». Биринчи вариант кишининг реал ҳолати – саломатлиги ёмон кўринган пайтда берилади. Иккинчи вариантда яширинган эга (сен сўзи), унга ишора қилувчи шахс-сон кўшимчаси (*-сан*) рус тилига притяжательный олмоши билан таржима қилинади. Аслида «*Ты здоров?*» саволига ўзбекча «*Тузукмисан?*» саволи мос келади, чунки у рангидан, умумий ҳолатидан бетоблиги билиниб турган одамга берилади. «*Саломатмисан?*» деб сўраганда соппа-соғ одамнинг аҳволи шунчаки аниқланади. Бундай савол рус тилидаги *здоровье, состояние* сўзлари билан ифодалангани маъкул.

«*Сог-саломатмисан?*» сўроқ *гапину* рус тилида «*Ты здоров?*» деб ифодалаш сўзма-сўз ва шаклан таржимада қўл келади. Лекин уни «*Как твоё здоровье?*», «*Как твоё самочувствие?*» деб ўгириш русларга хос ҳол-аҳвол сўраш қоидаларини эслаш орқали мумкин бўлади. Бу қийинроқ, албатта. Ўқувчи «*Ты здоров?*» деган таржимани айтганда, шу фикр рус тилида яна қандай ифодаланиши мумкин деган саволни ўртага ташлаш лозим бўлади.

Ўзбек тилидаги ҳозирги-келаси замон шаклидаги феъллар рус тилида ҳозирги замон шаклида ифодаланади. Масалан: – *Эшитаман...* (ҳозирги-келаси замон) – *Слушаю* (ҳозирги замон).

Бундай қолип-гаплар оз эмас. Чунончи: *Муваффақият тилайман.* – *Желаю успеха. Таний(яп)сизми? Ҳафа кўринасан? Ўзинг биласан? Овора бўласан!*

Ўзбек тилидаги ҳозирги-келаси замон шакли рус тилида ҳозирги замон шакли билан берилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Одатда, *ўқийман* феъли *буду учиться, буду читать, ёзаман* феъли *буду писать* деб келаси замонни ифодалаган ҳолда ўгирилади. Лекин рус тилида ҳозирги замон шакли ҳозирги-келаси замонни ҳам англатиши мумкин: *учусь, пишу* каби.

Русча ҳозирги замон шаклидаги феълни ўзбек тилига таржима қилишда баъзан хатоларга йўл қўйилади. Масалан, *слушаю* – *эшитяпман, эшитаман, эшитиб ўтирибман* каби ўгирилганда, *эшитяпман* русчага *слышу, эшитаман* – *слушаю* каби таржима қилиниши керак.

Ўқувчи *эшитаман* дейиш ўрнига *эшитяпман* деса, телефон орқали суҳбатлашаётган одам аввал бошда мени эшитмаган бўлса, энди эшитаётган экан деган хаёлга боради. Лекин иккала вариант феъл шаклида суҳбатдошлар мулоқотга киришаверадилар.

Ўзбекча феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли рус тилида баъзан феълнинг буйруқ-истак майли билан ифодаланади. Масалан: *Кечирасиз! Авф этасиз!* (ҳозирги-келаси замон феъли). – *Извините* (буйруқ-истак майлидаги феъл). *Айбга буюрмайсиз!* (ҳозирги-келаси замон феъли) – *Извините (простите).* *Не примите* (буйруқ-истак майлидаги феъл) *за вину.*

Ўзбек тилидаги баъзи диалогик луқмаларда феълнинг II шахс буйруқ-истак майли маъноси ҳозирги-келаси замон шакли орқали ҳам ифодаланади. Масалан, *«Кечирасан(сиз)!»*. Ушбу шакл рус тилида сўзловчиларни гап мазмунини тўғри англай олмаслиқдан иборат қийин вазиятга солиб қўяди. Сўзма-сўз, грамматик жиҳатдан мос шаклда таржима қилинса, савол *прощаете* деган ифода тарзида ёдга туширилиши керак. Лекин рус тилида суҳбатдошга дабдурустдан бундай деб мурожаат қилинмайди. Ўқувчига *«Кечирасиз»* сўзи *кечиринг* сўзи ўрнида

келгани айтилса, у *извините, простите* сўзларидан фойдаланиб таржима қилиш кераклигини билиб олади.

Баъзан феъл ўрнида отнинг ўзи айтилиши мумкин: *Узр! Узр* – от, бош келишиқда. Лекин *кечирасиз* феъли ўрнида ишлатилган.

Айрим ҳолларда иккала тилда сўз келишиқ жихатдан фарқланади. Масалан: – *Бу менга боғлиқ эмас. – Это от меня не зависит.*

Ўзбек тилидаги келишиқ қўшимчаларининг рус тилида мос шакллари бўлганидек, фарқли ифодаланадиган қўлланиш жихатлари ҳам бор. Икки тилдаги келишиқларнинг фарқланадиган ҳолатлари кўпинча бошқарув йўли билан боғланадиган сўз бирикмаларида, аниқроғи, феъл бошқарувида кузатилади. «Бу менга боғлиқ эмас» қолип-гапида ҳам **боғлиқ** сўзи **мен** кишилик олмошининг жўналиш келишигида бўлишини тақозо этса, рус тилида *зависит* феъли от предлогли родительний келишиқни бошқаради. Фарқланиш шу туфайли юзага келади.

Баъзан ўзбекча қолип-гапдаги сўзнинг эгалиқ қўшимчаси русча таржимада ифодаланмайди. Масалан: – *Ишингиз ўнгидан келсин. – Удачи в работе.*

4. Ўзбек тилидаги қолип-гаплар рус тилида лексик ва грамматик жихатдан бутунлай мос келмайдиган аналогияси билан берилади. Масалан: *Ҳорманг. – Бог в помощь. – Шукур. – Слава Богу.*

Ўзбек тилидаги «*Отинг нима?*», «*Отим...*» қолип-гаплари рус тилида лексик ва грамматик жихатдан фарқли ифодаланади: «*Как тебя зовут?*», «*Меня зовут...*». Бу ердаги *от, нима* сўзлари русчага *имя, что* деб эмас, *зовут, как* деб ўтирилади. *Отинг, отим* сўзларидаги мос эгалиқ қўшимчаси рус тилида предлогсиз родительний келишиқ шаклидаги кишилик олмошлари билан ифодаланади: *меня, тебя* каби.

Отинг нима? Отим фалончи савол-жавобда эгалиқ қўшимчалари рус тилида притяжательний олмошлари (*мой, твой*) билан эмас, балки родительний келишиқдаги кишилик олмошлари билан ифодаланади. Бу ўринда ҳам ўқувчи русча сўз шаклини қолип-гапнинг мазмунидан келиб чиқиб танлашни ўрганиши керак. Демак, ўқувчи *отинг, отим* сўз шаклларини *твое имя, мое имя* демасдан, *тебя зовут, меня зовут* деб

Ўғириниши керак бўлади. Бу ўринда русча қолип-гапда *имя сўзи* ўрнида *зовет* феълнинг ишлатилиши ўз таъсирини ўтказди, деб ҳисоблаш лозим.

Ўзбек тилидаги шаблон сўз-гаплар ва иборалар лексик жиҳатдан мос келмайди. Масалан: *Зўр – Отлично. Михдай. – Как итьк – (Ништяк). Хизмат бўлмаса. – Если не затруднит.* Таржимма чоғида ўқувчилар ўзбекча сўзларнинг луғавий маъносини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Улар *зўр* сўзининг *сильный*, *михдай* сўз шаклининг *как гвоздь*, *бўлмайди* феълнинг *не бывает*, *эсон* сўзининг *душа* деган таржималарини топишлари мумкин. Бундай пайтларда болаларга контекст ва нутқий вазиятдан келиб чиқиб рус тилида айтиладиган сўзларни эшлаш таклиф қилинади. *Зўр* сўзи бирор нарсадан ҳайрат маъносини билдирганда рус тилида *здорово* сўзи эсланиши мумкин. Демак, ўқувчида ўзбекча шаблон сўз-гап ёки сўз шаклини англаш учун баъзан рус тилида ўхшаш нутқий вазиятларда айтиладиган лўқмаларни хотирлаш керак экан деган хулоса шаклланиши зарур.

Ўзбек тилида ҳаракат номи феъл шаклларида бири ҳисобланади. Рус тилида феълдан ясалган отлар (отглагольное имя существительное) бор. Ўзбек тилидаги ҳаракат номлари рус тилида отлар билан ифодаланади: *сузиш – плавание*, *юриш – ходьба*, *марафон, поход* каби. Қолип-гаплардаги баъзи феъллар ҳам ўзбекчадан рус тилига ана шундай отлар билан берилади. Юқорида келтирилган мисолда *боринг* феъли *поездка* сўзига тенг келган. Бу ерда *сўзма-сўз* таржима эмас, балки русча муқобил қолип-гап келтирилгани учун шундай ўғирма юзага келган. Сўзма-сўз таржимасида «*Яхши боринг*» «*Хорошо идите*» бўлади. Лекин рус тилида шу маъно-мазмун «Счастливой поездки» тарзида билдирилади.

5. Қолип-гапдаги сўзнинг рус тилида асл эквиваленти бўлмайди. Масалан: – *Сўрайверинг, бемалол. – Спрашивайте (бемалол) сўзининг таржимаси йўқ.*

2.2.2. Ўзбек ва рус тилларида муомала одоби

Нутқий мулоқот маданияти муомала одобига риоя қилиб, сўзлаш оҳангининг суҳбатдошга маъқул тарзда бўлишига

интилишда ўз ифодасини топади. Гапиришда одоб ва одобсизлик муомала тавсифига боғлиқ. Масалан, икки киши гаплашиб турганда учинчи киши сўзлаётган кишининг гапини бўлиб суҳбатга аралашishi маданиятсизлик (одобсизлик) белгиси саналади. Афсуски, бундай ҳолатлар нуфузли йиғилишларда ҳам кузатилиши мумкин.

Яна бир ибратли мисол. Телефон жиринглайди. Фикрингиз бўлиниб, гўшакни кўтарасиз. Қандайдир бегона овоз саломсиз, аликсиз:

–Ким бу? – дейди.

Ўзини таништирмасдан ногаҳон сизни сўровга тутаётган бу кимсага нима дейишингизни билмай қоласиз. Ҳар ҳолда бирданга унга танбех беришни, қўнғироқ қилаётган одам аввал ўзини таништириб, муддаосини муомала маданияти билан изҳор этиши лозимлигини пеш қилишни ўзингизга эп кўрмайсиз [88;15-б.].

Муомала одобига риоя этиш масалалари Сиддик Мўминнинг «Сўзлашиш санъати» рисоласида [71] маълум даражада ёритилган. Ушбу рисолада «Тинглашни ўрганиш», «Яхши сўз – мухтасар», «Суҳбатга тайёرمىсиз?», «Ким билан гаплашяпсиз?», «Менинг мухтарам ўзим...», «Сўз саломдан бошланур...», «Бирини ака дедим, бирини ўртоқ...», «Сен дейинму, сиз дейин?», «Энг яхши дори» «Сотувчининг сеҳрли сўзи», «Қани, мени бир мақтанг!...», «Индамасдан индашни биласизми?», «Сўзлама пардоз билан...», «Сенга тухмат қилсалар агар...», «Бошқача қилиб айтинг», «Чиройингиз очиқ бўлсин», «Ҳаё кўздан билинур», «Табассумни дариг тутманг», «Англа талаффуз кадрини», «Ёқимли ва ёқимсиз овознинг инсон миясига таъсири», «Отанг сени сотганда ҳам...», «Дарвозамиз очиқ бўлсин», «Сиз ҳам болаларни кадрланг кўпроқ...», «Қизим, сенга айтаман...» мавзулари доирасида ибратомуз маслаҳатлар берган ҳолда сўз юритилган.

Сиддик Мўмин аёл ва эркаклар нутқидаги фарққа эътиборни қаратади: «Аёллар нутқи эркаклар нутқидан ҳар жиҳатдан: товушлар ифодаси, луғат таркиби, гап қурилиши каби томонлардан сезиларли даражада фарқланиб туради. Эркаклар нутқи ҳам қисқа ва лўндалиги, босиқ ва қатъий оҳангда айтилиши ва бошқа жуда кўп жиҳатлари билан аёллар нутқидан фарқланади» [71;16-б.].

Муаллифнинг суҳбатни салом-алиқдан бошлаш ҳам нутқ маданияти эканлиги, суҳбатдошга нима деб (эй, доно; эй, гадо...) мурожаат қилиши жавобга таъсир қилиши, сўзловчи ўз сўзига ҳам пардоз бериши кераклиги, сотувчининг ўзи сотаётган нарчасини қиммат демасдан, арзон эмас дегани яхши эканлиги, сўзловчининг юзида мулойимлик сезилиб туриши зарурлиги, кўзидан ҳаё ифодаси билиниб туриши лозимлиги каби маслаҳатлари ҳам муомала одоби қоидалари учун асос бўлиши мумкин. Унинг фикрича, «Оҳанг – сўз ва гапнинг либоси бўлиб, бу тил ва нутқ бирликлари қандай ифода этилишига кўра, унинг маънолари ҳам ўзгариб туради». Демак, диалогик нутқ ўстиришда сўзлаш оҳанги ҳам таълим бирлиги саналиши лозим.

А.А.Позднякова сўзни, айниқса, қолип-гапни билиб, фарқлаб ишлатиш керак деб маслаҳат беради. Унинг фикрича, бемордан унинг касаллиги ҳақида сўрашдан кўра, «Соғлиқларингиз яхшими?» деб сўраган маъқул. Ушбу қолип-гап билан ҳатто тузалиши даргумон бўлган беморда ҳам соғайишга бўлган умид туғдирамиз.

Муаллиф ўзи ўтказган суҳбатлардан шуни аниқлаганки, салбий туйғу уйғотадиган сўзлар аксар ҳолатларда қуйидагича бўлади: а) ўлим номи, б) касаллик номи, в) ижтимоий иснод (қамок ва х.к.), г) инсоний ғам-гуссаларнинг турли номлари ва д) сўкиш сўзлари [57; 34-б.].

Суҳбатга қўшилиш (гапириш)га рухсат (ижозат) сўраш мурожаат луқмаларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Икки киши орасида бўлиб ўтаётган суҳбатга учинчи кишининг одоб билан аралашishi учун у тегишли луқмаларни қулай вазият топиб ишлатиши, бунда қуйидагиларга риоя этиши зарур:

- 1) суҳбатдошлардан бирининг гапдан тўхташини кутиш;
- 2) қуйидаги каби луқмалар билан суҳбатлашаётганларга мурожаат қилиш:

- *Кечирасизлар, бир нарса сўрасам бўладими?*
- *Мен ҳам гапирсам бўладими?*
- *Мен ҳам ўз фикрларимни билдирсам бўладими?*

Муомала одобига кўра суҳбат давраси кенгайгандан кейин ҳар бир иштирокчи навбат билан гапириши кераклиги ўқувчиларга бериладиган қоидалар сирасига киради.

ҳолат бўлиб, кўпроқ киноя маъносида ишлатилади. Рус тилида оила аъзоларига бир-бирининг фамилиясини айтиб мурожаат этиш киноядан ташқари кишини камситиш мақсадини ҳам кўзда тутади. Иккала тилда фамилиясини айтиб мурожаат қилиш бир-бирига беписандликдан ташқари, баъзан эркалаш маъносини ҳам англатиши мумкин. Рус тилида фамилиянинг ёлғиз ишлатилиши умум қабул қилинган ҳолатни ҳам ифода этади.

Ўзбек тилида тенгдошлар танишув жараёнида ёки бирор вазиятдаги мулоқот чоғида бир-бирига «*ўртоқ*», «*огайни*», «*дўстим*», «*дугонам*» каби сўзлар билан мурожаат қиладилар. Рус тилида асосан «*товарищ*», «*друг*», «*дружнице*», «*приятель*» сўзлари ишлатилади.

Ўзбек тилида ота-онага «*отажон*», «*онажон*», «*онагинам*», «*отагинам*» каби мурожаат қилиш шакллари кўп қўлланади: биринчиси кўпроқ, иккинчиси камроқ. Рус тилида эса суффиксал ҳолат кенг тарқалган. Масалан, «*мамуля*», «*мамочка*», «*дедуля*», «*бабуля*» каби.

Ўзбек тилида нотаниш, бегона кишиларга нисбатан «*йигитча*», «*яхши қиз*», «*хоним*», «*эсиян*», «*огайни*», «*кеннойи*», «*опоқи*», «*овсин*», «*хола*», «*ака*», «*амаки*», «*сингил*» шакллари қўлланади.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, шу жараёнда уларга нутқий мулоқот одобини синфдан-синфга изчил ўргатиб бориш лозим.

2.3. Ўзбек тилида нутқий мулоқот маданиятини ўргатишга доир таълим мазмуни (БКМлар)

Монографиямизнинг ушбу фаслида методика илмининг муҳим масалаларидан бири бўлиб келган нимани ўргатиш деган масалани ҳал этишга бағишладик. Чунки нутқ маданиятини ўргатиш ишларини тадқиқ қилиш учун аввало унинг лингводидактик асослари белгилаб олинмоғи даркор. Бу масала бир қатор хориж методист олимларининг (проф. С.В.Юртаев, С.И.Львов ва б.), ўзбек методист олимларидан Р.Йўлдошев, Ҳ.Мухитдинова, Р.Т.Толиповаларнинг методик ишларида маълум даражада ёритилган.

Ўзбекистонда давлат тилини билиш шу ерда яшаётган русийзабон ўқувчиларнинг шахс ва касб эгаси сифатидаги ҳаётининг муҳим бир қисмига айланган. Уларнинг ўзбек тилида фикр алмаша олишлари учун нутқий малакаларни нутқий компетенция даражасига етказиб шакллантиришга эришиш зарур. Бунинг учун эса ҳар бир таълим босқичида эгалланадиган БКМлар аниқ бўлмоғи даркор. Малаканинг ҳосил бўлиши узок машқ қилишни талаб этади. Шундай фикр борки, агар лексик ва грамматик материал кўп, иш ҳажми катта бўлса, бир-икки дарсда БКМни шакллантириш қийин кечади [5; 48-49-б.].

Е.Я.Григорьеванинг фикрича, француз тилини ўргатишнинг ўрта ва юқори босқичларида ўқувчиларнинг фикр баён қилиши предметли-маъновийлик ва грамматик шаклланганлик билан тавсифланади [15; 34-б.]. Русийзабон ўқувчилар ҳам ўзбек тилидан ана шундай нутқ соҳиби бўлишга интиладилар. Бунга эриша олмаслик эса ёшларни шу тилда гапиришдан тўхтатиб туради. Ҳамма гап таълим методикасида.

Ўқувчилар мулоқот жараёнида аксар ҳолатларда куйидаги мақсадларни кўзлайдилар ва ўрганиш ҳаракатида бўладилар:

- ахборот олишни;
- фикр алмашишни, мушоҳада юритишни;
- гуруҳда суҳбатлашишни;
- танишув, учрашганда ва ҳ.к.ларда мос равишда жавоб беришни;
- баҳслашишни;
- ўзгалар суҳбатини гапириб беришни.

Ўзбек тилини ўқитишда ёшлар мулоқотининг самарадор бўлиши учун мустақил равишда гап туза билишлари, мактаб таълими имкон берадиган ҳажмда (миқдорда) қолип-гапларни ёд олиб ўзлаштиришлари, муомала одоби қоидаларига амал қилишлари лозим. Бу ишлар сўзлашув соҳалари миқёсида, кенг тарқалган сўзлашув мавзулари чегарасида мулоқотга кириш учун имкон бермоғи зарур. Зеро, сўзлашув мавзуси фикр алмашиш предмети бўлиб майдонга чиқади.

С.В.Юртаевнинг фикрича, тил таълимининг мазмунида куйидаги компонентлар иштирок этади: билим, фаолият, ижтимоий, маданиятшунослик [92; 21-б.]. Табиийки, товуш ва ҳарфлар, сўзлар, сўз бирикмалари, грамматик шакллар, қолип-

гаплар билимларни (лингводидактик асосларни) ташкил этади. Муаллиф тўғри талаффуз, нутқий этикет, матнни билиш улар ҳақидаги тасаввурнинг мавжуд бўлиши орқали юзага келади, деб ҳисоблайди [92; 23-б.].

Ҳар бир савол луқмаси ва унга қайтариладиган жавоб луқмасини алоҳида машгулотларда ўрганиш мумкин, лекин онглилик ва мустақилликни таъминловчи БКМни, яъни қадам-бақадам эришиладиган даражаларнинг ҳаммасини бир-икки дарсда ўзлаштириш қийин.

Нутқий мулоқот турли таълим босқичларида фарқли лингводидактик асосларда кечади. С.И.Львованинг маърузачи нутқига нисбатан айтган фикрларини [35; 13-б.] диалогик нутққа кўчирадиган бўлсак, тенг савиядаги суҳбатдошлар дарсларда ўрганилаётган тил ҳодисалари ҳажмида гапирсалар, катта ёшдагилар билан сўзлашганда фарқли тил ҳодисаларидан фойдаланишга тўғри келади. Бунда фарқли ёндашиш қўшимча лисоний БКМларга эга бўлишни тақозо этади, ушбу тил ҳодисаларидан фойдаланиб сўзлашиш юзасидан тажриба орттиришни талаб қилади.

Ўзаро сўзлашаётганлар, одатда, бирор масала атрофида фикр алмашадилар. Бир-бирига савол бериб, жавоб қайтараётган ўқувчилар мавзудан четга чиқмасликка ҳаракат қилишлари, уни ёдда тутишлари керакки, бу нарса икки томоннинг бир-бирини англашида, шунга тайёргарлик кўришида муҳим роль ўйнайди. С.И.Львованинг таъкидлашича, «Суҳбатдошни қизиқтирадиган нарсалар ҳақида савол бериш, жавобда шунга лойиқ фактлар келтириш керак. Ўз суҳбатдошининг қизиқишини назарда тутиш, унга эътиборли бўлиш, самимийлик билан муомала қилиш, ички маданиятини намоён этиш лозим» [35; 13-б.]. «Эътиборлиликни сўз билан билдириб туришга доир («Яхши», «Зўр», «Қойил!») этикетлар ... турли халқларда фарқланади. Мулоқот чоғида буни қандайдир йўл билан ... ҳисобга олишни ўргатиш керак» [35; 12-б.]. Суҳбатдошига эътиборлиликни ифодаловчи бирликларни гапириб туриш ҳам муомала одобини эгаллаётганлик, яъни маданиятлик белгиси саналиши табиий. Мулоқотнинг бу каби ташкилий омиллари ўзига хос воситалар, сўз шакллари, нутқий қоллилар асосида амалга оширилади (*Сиздан миннатдорман. Миннатдорчилик керак эмас*).

Фикр алмашув жараёнига муайян мантикий боғланишда бўлмайдиган, айтилаётган гапларга бефарқ киши билан суҳбат давомли бўлмаслиги аниқ. Бинобарин, у ўзи кутган янги маълумотга ҳам эга бўла олмайди. Ташкилий омилларнинг бир қисми суҳбатдошларни ахборот алмашинувига даъват этмаса, бошқа бир қисми шунга яқинлашади. Сўзловчининг ўз суҳбатдошига бўлган эътибори қандай мурожаат қилганида, унинг диққатини тортиши, саломлашиш, танишиш, хайрлашиш, кечирим сўраш, миннатдорчилик билдириш, табриклаш, таклиф, илтимос қилиш, маъқуллаш, норозилик, маслаҳат бериш, комплимент ташлаш (гап отиш) каби луқмаларида намоён бўлади. Қиёсланг, *Авф этинг, валинеъмат! Бефаросат инингизни авф этинг. Офарин!* (Одил Ёқубов). Бундай ҳолларда сўзловчининг овоз оҳанги (тони) ўзига хос бўлиб, у муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда *расмий, норасмий, бетараф (нейтрал), фамиляр, дабдабали* ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Яна қиёсланг: *Майли, улар билан ўзимиз гаплашиб оламиз, - деди Карташов кулиб* (Саида Зуннунова).

Луқмалардан баъзилари *одатдаги доимий* (масалан: *Илтимос. Бир савоб иш қилгин. Раҳмат*), баъзилари эса *доимий бўлмаган индивидуал* (масалан: *Қани. Қани-қани. Хўш-хўш. Чоршанбагача*) ҳисобланади. Мазкур нуткий воситаларнинг эмоционал бўёғи ўқувчиларга она тили орқали яхши таниш.

Тилшунос олима С.М.Холдорованнинг «Семантико-структурные особенности диалогической речи в современном узбекском языке» мавзусидаги номзодлик ишида [89;5-6] диалогик луқмаларнинг синтактик хусусиятлари ёритилган, структур-семантик жиҳатлари луқмалар жуфтлигида очиб берилган. Муаллиф рағбат-луқма, жавоб (реакция) луқма, такрорлар масаласига алоҳида эътибор қаратган [89; 8-9-б.]. Унинг фикрича, такрорлар луқмаларни бирлаштиради:

- *Сувнимми? Сувни каналдан олиб келамиз* (А.Қаҳҳор).
- *Кимга ёзаман?*
- *Кимга? ...*

Такрорий луқмалар диалогик бирлик сирасига киритилмайди. Бундай луқмалар тингловчининг сўзловчи фикрига муносабатини ифодалайди. Масалан:

- *У дарсга кеч қолибди.*

– У дарсга кеч қолибдими?

Ушбу икки луқма биринчисининг иккинчисида шаклий ўзгарган ҳолатини ифода этади, лекин у янги синтактик бирлик эмас. Баъзан бундай такрорлар суҳбатдоши айтган фикрни тасдиқлаш, баъзида эса унга аниқлик киритиш ёки кўшимча қилиш мазмунида бўлади, яъни суҳбатдошининг луқмаси айнан эмас, қисман ўзгартирилган ҳолда такрорланади.

А.Хазраткуловнинг савол ва жавоблар шаклидаги луқмаларнинг синтактик қурилиши ёритилган номзодлик диссертациясида тўлиқсиз гаплар ҳақида гапириб, бундай хулоса қилади: «Диалогик нутқда тўлиқсиз гапнинг битта шакли бор: контекстуал тўлиқсиз гап» [88; 8-б.].

Методист олим Р.О.Набиевнинг эътиборини тортган нарса шу бўлдики, диалог-баҳснинг ўзига хос хусусиятларидан бири – баъзан суҳбатдошлардан бирининг ниманидир тушунтириб бериши ёки суҳбатдоши билан нима ҳақдадир тортишиши тарзида кечганда, у ишлатадиган луқма кўпинча монолог нутқ шаклини ифода этади, яъни аксарият ҳолатларда бири иккинчисининг гапини илиб олиб, ўз фикрларини билдиришга ўтиб кетмайди [52; 27-б.]. Бунда диалогик луқма бир гапдан эмас, бир неча гапдан тузилади, лекин тўлиғича монологик нутққа айлана олмайди.

Диалогик нутқ кўпинча шундай изчилликда тузиладики, ундаги луқмалардан бири таянч, яъни суҳбатни давом эттиришга йўналтирилган характерда бўлиб, иккинчиси унга жавоб реакциясини билдиради.

Мактаб тизимидаги ҳар бир ўқув фанининг таркиби, мазмуни, тамойиллари, ташкил қилиш шакллари янгиланмоқда, бунда амалиёт билан алоқалари ҳисобга олинмоқда.

Ҳозирги таълим жараёнида илғор педагогик технологиялар, лойиҳалар, дастурлар, ишланмалар, слайд ва мультимедия асосида турли иш усуллари, методлари, воситаларидан фойдаланган ҳолда дарслар самарасини оширишга катта эътибор берилди. Таълим берувчилар дарс бериш жараёнининг баъзи лаҳзаларини ана шу зарурий сифат кўрсаткичини таъминлашга ажратган ҳолда маҳорат билан иш олиб боришлари керак.

Хуллас, мулоқот коммуникатив жараёнга нисбатан бойроқ. У ўқувчиларни ахборот алмашув жараёни билангина эмас, балки

маллий ҳаракатлар асосида ўзаро бир-бирига тушуниш, тарбиялаш элементлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Таълимнинг янгиланаётган моделлари яратилаётган бугунги таълим тизимида ўқитувчи учун таълим олувчи эгаллайдиган билим, малака ва кўникмаларнинг аҳамиятини аниқ англаб етган ҳолда фаолият юритиш муҳим босқич саналади. Бўлажак мутахассисларимизнинг юқори маданиятли, шижоатли, юксак салоҳиятли бўлишларини таъминлаш учун дарсларнинг назарий ва амалий жиҳатлари уйғунлигини ошириш таълим тизими олдида турган давр талабидир. Шу мақсадда таълим кўрсатиш усуллари таҳлил қилинган мактабларнинг ўзбек тили дарслари ва кўрсаткичлари (кўп микдорда) эканмиз, уларда берилаётган қоллип-қолганлиги кувончли аксарият топшириқларнинг асосини қамраб олинганларнинг кўпидан ҳол, лекин уларнинг таҳлили эса бу имкониятларнинг ўзбек тилини ўқитиш фойдаланилмай қолаётганини кўрсатди. Уларнинг мақсадга мувофиқ жараёнини, дарс босқичида ҳар бир иш тўғрисида маълум бўлиши, ана ташкил этиш учун ана шу мақсад ўқувчи билан иш олиб бориш шу мақсадга эришиш сари аниқ мўлжал қилинади, инновациялар шуни керак. Инновацион педагогик технологиялар, инновациялар шуни тақозо қилади. Мақсадлар жуда кўп: асосий мақсадлар, бирор тил ҳодисасини бирор нутқий фаолият тури билан боғлиқ мақсадлар, кичик таълимий бирлик, бирор мақсаддан кузатиладиган кичик бир мақсад каби кўплаб мақсадлар майдонига келади.

Ўзбек тили дарсларида саволга жавоб бериш талаб этиладиган машқлар кўп бажарилади, чунки дарсликларда бундай машқлар бисёр. Лекин ўқитувчи ўқувчининг саволларига жавоб беришни талаб этадиган бўлса, матннинг саволларига жавоб кўзда тутса, ўқитувчининг саволарига қандай жавоб қайтарганлигини, матннинг ўзлаштирилганлик даражасини назорат қилишдан бошқа талаб бўлмайди. Агар саволга жавоб машқдан мақсад ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш бўлса, нимага эришиш мумкинлиги аниқ бўлмаса, ана шу эришиладиган нарса кичик мақсадга айланмоғи даркор.

Умуман, ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги нутқий мулоқот маданиятини шакллантириш ҳам кичик-кичик мақсадларга мос билим, малака ва кўникмалар кўринишидаги параметрлар сифатида олдиндан белгилаб чиқирилиши керак. Масалан, диалогдаги лўқмалар мазмуни ҳам алоҳида бирликларни ташкил этади.

Нутқий мулоқот фақат савол-жавоблардангина иборат эмас, албатта: суҳбатдошни эшитиш, жавобдан сўнг акс савол бериш, саволни рад этиш, суҳбатдошнинг саволига акс савол билан муурожаат этиш, уни бирор иш-ҳаракатга ундаш, таклиф қилиш каби турли шаклларда ва мазмунда ўтади. Бунда турфа лексик ва грамматик воситалардан, қолип-гаплардан фойдаланилади. Шунинг учун нутқий мулоқотни (диалогик нутқни) ўзлаштириш масаласига кенг ёндашиш талаб этилади.

Биз нутқий мулоқот маданиятига доир билим, кўникма ва малакаларни белгилаб берар эканмиз, ўқитувчи олдида турган тор мақсадлар сирасини ҳам ҳавола қилган бўламиз. Ушбу билим, кўникма ва малакалардан хабар топган ўқитувчи «Ўзбек тили» дарсликларининг диалогик нутқ ўстириш учун берадиган имкониятларига танқидий ёндашиш мумкин.

Нутқий мулоқотга киришиш, нутқ маданиятига риоя этиш учун муайян билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш тақозо этилади. Бундай маълумотлар нутқий мулоқотни ўргатишга доир иш усуллари, машқ турларини, уларнинг миқдори ва тақрорланувчанлигини башорат қилиш, белгилаш, таълим жараёнини ташҳислаб бориш имконини беради.

Нутқий мулоқот маданиятига доир билим, кўникма ва малакалар¹:

Билимлар:

- мулоқот одобига доир қоидалар, билим;
- диалог шаклидаги нутқда иштирок этиш тартиби;
- мустақил равишда гап тузиб айтиш қоидалари;
- қолип-гаплар мундарижаси;
- у ёки бу қолип-гапни қачон ва қайси вазиятларда ишлатиш кераклиги ҳақидаги изоҳлар;
- у ёки бу қолип-гапнинг рус тилида қандай берилишини билиш;
- ўзбек тилигагина хос қолип-гапларни билиш;
- қайси русча қолип-гапларнинг ўзбек тилида муқобили йўқлигини билиш;
- ўзаро сўзлашув мавзуларини билиш;
- сўзлашувни бошлаш учун суҳбатдошини қизиқтирадиган мавзунини саволлар ёрдамида аниқлаш кераклигини билиш;

¹ Диалогга доир БКМларни ишлаб чиқишда «Практикум...»дан ҳам фойдаланилди. [79-а]

– савол ёки жавоб, ундаш, аниқлаш, таклиф каби мазмунда коммуникатив муддаони оҳанг ёрдамида ифодалаш лозимлигини билиш;

– суҳбатнинг жонли чиқишини таъминлаш йўллари билиш (суҳбатдошга қараб савол бериш ёки жавоб қайтариш; суҳбатдошининг исмини айтиб мурожаат этиш; у ёқтирадиган ва ёқтирмайдиган гапларни ҳисобга олиш ва ш.к.);

– суҳбатдошининг саволи ёки жавобини тушунмаганда қайтаришни илтимос қилиш мумкинлиги;

– реплика турларини (ундаш, таклиф, хабар ва б.) ҳосил қилишда ишлатиладиган грамматик шаклларни билиш;

– нутқий мулоқот маданиятига оид билимлар (қоидалар); нутқий мулоқот маданияти ва коммуникатив мақсад нуктаи назаридан келиб чиқиб луқмаларни талаффуз қилиш қоидаларини билиш;

– қолип-гаплар рўйхати;

– ўзбекча қолип-гапларнинг рус тилида ифодаланиш усуллари (сўзма - сўз таржима қилиш, аналогини топиш, муқобилли қолип-гапларни, лексик ва грамматик ифодаланиш шаклидаги мослик ва фарқларни, ўзбек тилигагина хос қолип-гапларни); рус тилидаги қайси қолип-гапларнинг муқобили эканлиги;

– у ёки бу қолип-гаплардан қачон ва қайси вазиятларда фойдаланиш кераклиги ҳақидаги изоҳлар (тушунтиришлар);

– қайси саволлар доираси ёрдамида суҳбатдошни мулоқотга тортиш мумкинлиги.

Кўникмалар:

– диалог намунасида акс этган мулоқот одобига риоя қилган ҳолда ўзаро сўзлаша олиш;

– диалог шаклидаги нутқда намунада талаб этилган тартибда қатнаша билиш;

– берилган гап намунаси асосида тузилиши жиҳатидан ўхшаш гаплар тузиб айта олиш;

– қолип-гапларни ёддан айта олиш;

– берилган изоҳларга таянган ҳолда у ёки бу қолип-гапни сўралган вазиятда ишлата билиш;

– у ёки бу қолип-гапнинг ўзбек тилидан рус тилига ва, аксинча, рус тилидан ўзбек тилига сўзма-сўз, аналогини ёки муқобили билан (фарқли) таржима қила олиш;

- ўтилган сўзлашув мавзуларининг ҳар бирида ўзлаштирилган намуналар асосида мулоқот олиб бора олиш;
 - сўзлашувни бошлаш учун суҳбатдошини қизиқтирадиган мавзуни саволлар ёрдамида аниқлай билиш;
 - ўрганилган тил ҳодисалари доирасида савол ёки жавобда коммуникатив муддаони оҳанг ёрдамида ифодалай олиш;
 - суҳбатнинг жонли чиқишини таъминлаш усулларидан фойдалана билиш;
 - суҳбатдошининг саволи ёки жавобини тушунмаганда қайтаришни илтимос қила олиш;
 - суҳбатдоши айтган лўқмани мазмун ва оҳангига кўра тушуниш, англаш ва баҳолаш;
 - диалог шаклидаги нутқда ҳар хил мазмундаги реплика турларидан фойдалана билиш;
 - нутқий вазиятдан келиб чиқиб тегишли диалогик лўқмани айтиш;
 - суҳбатдошининг имо-ишораларига қараб унинг кайфиятини, эмоционал ҳолатини аниқлай олиш;
 - суҳбатдошининг сўзларини бўлмасдан охиригача тинглай олиш;
 - суҳбатдошининг айтганларига қўшимча қила олиш, унинг гапларини тузата билиш;
 - ҳаяжонланиб турган суҳбатдошни тинчлантира олиш;
 - суҳбатни яқунлаш, хулосалашнинг сўзли шаклларидан фойдалана билиш;
- Малакалар:**
- ўтилган сўзлашув мавзулари доирасида мулоқот одобига риоя қилган, бир-бирини тушунган, бир-бирига ўз ҳурматини намоён қилган ҳолда тартиб билан ўзаро сўзлашиш;
 - нутқий вазиятдан келиб чиқиб диалог олиб бориш;
 - ўзини суҳбатга чоғлай олиш;
 - тузилиши ўрганилган гап қурилмалари доирасида тўла мустақил равишда гап тузиб айтган ҳолда нутқий мулоқотда эркин иштирок этиш;
 - диалог шаклидаги нутқда қолип-гаплар бойлигидан ўринли фойдаланиш;
 - суҳбатдошни турли саволлар бериб суҳбатга торта олиш;

– савол ёки жавобда коммуникатив муддаони оҳанг ёрдамида ифодалаш;

– суҳбатнинг жонли чиқишини таъминлаш: савол ёки жавобни чўзиб юбормаслик, мурожаат сўзларидан фойдаланиш;

– диалог шаклидаги нутқда ҳар хил мазмундаги реплика турларидан фойдалана билиш;

– ўз нутқни назарини ҳимоя қилиш ёки нутқий вазиятдан келиб чиқиб унга эътироз билдира олиш;

– диалогда саволга жавоб берувчигина эмас, балки савол берувчи бўла олиш;

– суҳбатни бўлмаслик, шошилиш хулоса чиқармаслик, баҳо беришдан сақланиш;

– суҳбатдошининг сўзларини тушунаётганлигини ифодалаб туриш;

– диалогни тўхтаб қолган жойидан давом эттира билиш;

– диалогни ёзма равишда тузганда тиниш белгиларини ўринли ишлатиш.

– суҳбатдошини унутмаслик, унга диққатини қаратиш.

– суҳбатдошига муносабат ифодалаб бориш, ўринли маслаҳатлар бериш.

Методист олима Ф.Аминованинг аниқлашича, ўқувчилар мулоқот кўникмаларига эга бўлиши натижасида қуйидаги малакаларни эгаллайдилар:

1. Мулоқот натижасида ўқувчилар ўзларининг бир қатор моддий, маънавий, эмоционал эҳтиёжларини қондира оладилар.

2. Ўз фикрларини аввал алоҳида сўзлар, сўз бирикмалари ёрдамида, сўнгра грамматик тўғри тузилган гаплар ёрдамида баён қила олиш имкониятига эга бўладилар.

3. Турли товуш ва сўзларни аниқ талаффуз қилиб, фикр баёни учун зарур бўлган сўзни танлай оладилар.

4. Суҳбатни бошлаш, маданий давом эттириш, ўзгаларга ўз фикрларини мантиқий изчилликда йўллаш одобини эгаллайдилар.

5. Мулоқот давомида суҳбатдошининг суҳбатга муносабатини кузатиш, ҳиссиётларини англаш, фикрларига эътибор беришни ўрганадилар.

6. Суҳбатдошини тинглаш, тушуниш, жавоб қайтариш ҳамда суҳбат жараёнида одоб сақлаш кўникмасига эга бўладилар [6; 15-б.].

Ўзбек тилида нутқий мулоқот маданиятини эгаллашда муомала маданиятига доир *билимлар* муҳим роль ўйнайди. Бундай билимлар ўзбек тили дарслиklarининг айрим матнларида (“Шарқона одоб”, “Меҳмондўстлик”, “Совға бериш одоби”, “Бобом хотиралари”, “Яхши сўз - яхши ҳусн”, “Сиз ҳам, сен ҳам бир оғиздан чиқади”) акс этган. Ушбу матнлардан ўғит ва маслаҳатлардан қоидалар сифатида фойдаланиш мумкин. Ушбу матнларда қолип-гапларга доир айрим билимлар ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи, 6-синф дарслигида “Шарқона одоб”, «Бобом хотиралари», “Совға бериш одоби”, «Меҳмон кутиш» матнларида киши бирор нарсани тушунмай турса, одоб ва мулойимлик билан қайта сўраши, «Меҳмон кутиш» матнида меҳмон кутиш одоби, меҳмонни кутиб олиш ва унга кўрсатиладиган ҳурмат ва муомала одоби ифодаланган, «Совға бериш» матнида совға бериш ва бу жараёндаги муомала одоби ҳақида, ширинсўз бўлиш, сизлаш ҳақида маслаҳатлар келтирилган, масалан: «Бобом хотиралари» матнида қуйидаги гаплар айтилади: гап..., лекин ўзбек тилидаги мулоқот одоби ёки ўзбек халқи мулоқот одобига доир қадриятларга жуда бой, дарсликларда бу бойликдан жуда кам даражада фойдаланилган, айниқса, 6-синф дарслигидан бошқа дарсликларда бундай маълумотларнинг йўқлиги, ўқувчиларнинг шарқона нутқий мулоқот маданиятини эгаллашига етарли имкон бермайди.

Қолип-гапларнинг жуда оз қисмигагина қайси нутқий вазиятда ишлатилишга доир изоҳ берилган. Бундай изоҳлар 10 га яқин. Ўқувчилар қолип-гапларнинг кўп қисми ҳақида изоҳлар кўринишидаги билимлардан баҳраманд бўлмаслиги сабабли айрим қолип-гапларни ўринсиз ишлатишдан иборат хатоларга йўл қўядилар.

Нутқий мулоқот маданиятига доир билимлар юзасидан тегишли *кўникмалар* ҳосил қилишга қаратилган машқлар бажарилади. Кўникма дастлаб луқмаларни ўзбек тилида оҳанг жиҳатдан тўғри айтиш ва шарқона одобга оид тавозеларни намоён этиш тарзида намоён бўлади. Дарсликларда савол-жавоб намуналарини, диалогик матнларни, қолип-гапларни ўқишга доир машқ

ва топшириқлар етарли бўлиши керак. Бир қатор дарсликларда уларни ифодали ўқиш, диалогда бўлгани каби луқмаларни бир-бирига қарата зарур оҳанг билан айтиш талаб этиладиган машқлар кўп эмас.

Кўникма турларидан яна бири диалог намунасини ижро этиш саналиб, бундай машқлар ўқувчиларни оҳангига эътибор берган ҳолда савол бериб, жавоб қайтаришга одатлантиради.

Умуман, ўзбек тили дарсликларида ўқувчиларнинг нутқий мулоқотга доир дастлабки кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи машқ турлари бир тизимни ифода этиши керак.

Ўқувчи комил инсон сифатида ўз маънавий билими ва савияси етук бўлишини истар экан, ўз нутқи, муомаласи ва келажакдаги мутахассисликларини ўйлар экан, нутқий маданиятни эгаллашга бўлган иштиёқ уни янги, бой, сермазмун маънавий дунёга ошно этади.

Хуллас, ўқитувчига ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги нутқий мулоқот маданиятини шакллантириш мазмуни билим, малака ва кўникмалар кўринишидаги параметрлар (кичик мақсадлар) сифатида маълум бўлса, у ўзбек тили дарсликларида диалогик нутқ ўстириш учун берилган материалларга танқидий ёндаша олади, ушбу материалларни бир тизимга солиш ҳаракатида бўлади, машқлар ўртасида оқилона нисбатни юзага келтириб, уларни БКМлар нуқтаи назаридан тўлдириб, оз бўлса, кўпайтиради, етишмайдиганларини қўшиб, аниқ мақсад билан онгли равишда иш олиб бора олади.

Ўқувчилар мулоқотга киришиш ёки мулоқот матни яратиш натижасида:

1. Ўз шахсий фикрини баён қилиш эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўладилар.

2. Уларда талаб қилиш ва рад этиш, баён қилинадиган фикрларни лойиҳалаш, изчил тизимга солиш кўникмалари шаклланади.

3. Сухбатдошининг фикрларига эътироз билдириш ёки бу фикрларни қабул қилиш кўникмаларини эгаллаб борадилар.

4. Маданий саломлашиш, дилларидаги гапларини, ўй-фикрларини изҳор қилиш, хайрлашиш кўникмаларига эга бўладилар.

5. Ўз суҳбатдошлари, мактуб йўллаётган объектлари билан ахборот алмашинувини ўрганиб борадилар.

6. Суҳбатдошларига ҳамдард бўлиш, уларга ёрдам бериш хисси пайдо бўлади [6; 17-б.].

Мулоқот кўникмасини изчил эгаллаган ўқувчилар айни пайтда куйидагиларга ҳам эга бўладилар:

– баён қилаётган фикрларига ўзгаларни ҳам ишонтира олиш;

– суҳбатдошларини ўзларига жалб этиш;

– ҳар бир фикрни ўз ўрнида баён қилиш;

– нутқ ва мулоқот одоби;

– ўзлари баён қилган фикрдан қониқиш ҳосил қилиш,

нотиқлик санъати элементлари кабилар [6; 17-18-б.].

Таълимнинг янгиланаётган моделлари яратилаётган бугунги таълим тизимида ўқитувчи учун ўқувчи эгаллайдиган билим, малака ва кўникмаларнинг аҳамиятини аниқ англаб етган ҳолда фаолият юритиш муҳимдир. Бўлажак мутахассисларимизнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш, юксак салоҳиятли бўлишларини таъминлаш учун диалогик нутқ ўстиришга қаратилган дарсларни назарий ва амалий жиҳатдан уйғун ташкил этиш, бунда ҳар қадамда БКМларнинг аниқ бир томони устида ишлаш таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шу мақсадда таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсликларини таҳлил қилар эканмиз, уларда берилаётган қолип-гаплар (кўп миқдорда) аксарият топшириқларнинг асосини қамраб олганлиги қувонарли ҳол, лекин улар ушбу имкониятларнинг кўпидан фойдаланаётганлари йўқ. Ўзбек тилини ўқитиш жараёнини, дарс босқичини ташкил этган ҳар бир иш турини маъқул тарзда уюштириш учун кўзланган мақсад ўқувчига маълум қилиниши, ана шу мақсадга эришиш сари аниқ мўлжал билан иш олиб борилиши керак. Мақсадлар эса жуда кўп: асосий мақсадлар, бирор тил ҳодисаси, бирор нутқий фаолият тури билан боғлиқ мақсадлар, кичик таълимий бирликлар билан боғлиқ кичик бир мақсад ва ҳ.к.

Ўзбек тили дарсларида ёшларда матнни ўзлаштириш асносида саволга жавоб бериш малакасини ҳосил қилиш мақсад сифатида белгиланса, матн мазмуни қай даражада тушуниланглигини текшириш асосий ўринда бўлади. Агар саволга жавоб

машқи ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш мақсади қилиб қўйилса, нимага эришиш мумкинлигини билган ҳолда иш олиб борилади.

Умуман, ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги нутқий мулоқот маданиятини шакллантириш ҳам билим, малака ва кўникмалар кўринишидаги параметрлар (кичик мақсадлар) сифатида маълум бўлиши керак. Нутқий мулоқот фақат савол-жавоблардангина иборат эмас, албатта: суҳбатдошни эшитиш, жавобдан сўнг акс савол бериш, саволни рад этиш, суҳбатдошнинг саволига акс савол билан мурожаат этиш, диалогда катталардан олдин суҳбатни бошламаслик кабилар таълимий бирликларга айланиши лозим.

2.4. Ўқувчиларга ўзбек тилидаги нутқий мулоқот маданиятини ўргатишга доир асосий ёндашув ва тамойиллар

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларга шарқона нутқий мулоқот маданиятини сингдириш, шу мақсадда уларнинг диалогик нутқини ўстириш билан боғлиқ таълим мазмунини такомиллаштириш, ўзига хос метод ва усулларни, машқлар тизимини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун биринчи навбатда муайян ёндашув ва тамойилларни аниқ қилиб белгилаб олиш лозим. Иккинчи тилни ўқитиш методикасига, шунингдек, ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш методикасига доир тадқиқот ишларида, монографиялар ва методик қўлланмаларда юқоридаги каби йўл тутилган: ҳар бир муаллиф ўзи изланаётган мавзу доирасида ишни умумпедагогик ва хусусий-методик ёндашув ва тамойилларни анъанавий тарзда тайин этишдан бошлаган.

Муайян ёндашув ва тамойилларни танлаш учун таълим мазмунини ифода этадиган қоидаларни, тил ҳодисаларининг табиатини назарда тутиш керак. Нутқий мулоқот маданиятини ўргатиш бўйича ҳозирланадиган таълим материалларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- мулоқот одобига доир қоидалар (матнлар ёки ўқитувчининг баёни);
- диалог шаклидаги нутқни юзага келтириш учун хизмат қиладиган гаплар (лукмалар) мазмуни;
- қолип-гаплар.

1. Мулоқот одобига доир тарбиявий матнлар ўқув матнлари қай тарзда ўқиб ўрганилса, уларга шу тарзда ёндашилади, яъни ўқиш орқали тегишли маълумот олинади (*ўқиш орқали ёндашув* жорий этилади). Бундай материалларда янги сўзлар, нотаниш сўз шакллари учраса, улар луғат тарзида тақдим қилинади.

2. Диалог шаклида ўзаро сўзлашишда мулоқотни юзага келтира оладиган луқмалар (гаплар) ўзбек тили дарсларида ўрганиладиган грамматик материаллар асосида ўрганилади, бошқача айтганда, луқмалар (репликалар) янги грамматик материалга деярли эга бўлмайди. Демак, ушбу ҳолатда формал ёндашувга зарурият бўлмайди.

3. Қолип-гаплар шаблон тариқасида яхлит ўзлаштирилади, уларнинг мазмунини англаш, рус тилидаги таржимаси баъзан шаклан фарқлангани туфайли интерференция содир бўлмаслиги учун икки тил ҳодисаси таққосланади. Лекин бу ҳолатда ҳам янги грамматик материал бўлмайди.

Қолип-гаплар сўз, сўз шакли ва гапга тенг лисоний таълимий бирликлар саналади. Уларнинг маъно-мазмунини англаш, рус тилида ифодаланишини, ўзбек тилида қандай нутқий вазиятларда нима муносабат билан қўллаш лозимлигини, интонациясини билиб олишга қаратилган амаллар бажарилади. Шу боис нутқий мулоқот маданиятини ўргатиш ўзига хос миллий хусусият бўлгани учун лингводидактик асослар ҳам шунга монанд танланиши даркор.

Дастлаб мавжуд лингводидактик асослар сирасидан шу учала таълим унсурига даҳлдор умумий, сўнгра хусусий ёндашувларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир. Умумий ёндашувлар қуйидагилар: *коммуникатив ёндашув, фаолиятга асосланганлик ёндашуви, ўқиш орқали ёндашув, ахборот технологиялари асосидаги ёндашув, жамоага асосланган ёндашув ...*

Қолип-гаплар, шаблон сўз-гаплар, иборалар семантикаси лексика, морфология ва синтаксис лингвистикаси билан матн лингвистикасининг мажмуи (тилга *коммуникатив ёндашувнинг* асоси) сифатида амал қилади, нутқ ва нутқий фаолиятда долзарб-лашади.

...таълимий коммуникация (Бугун ҳаво қандай? – Билиб туриб берилган савол), табиий коммуникация (билмаган нарса-сини сўраш).

Нутқий мулоқот маданиятини ўргатишга *коммуникатив ёндашув* таълим жараёнини бевосита коммуникация — ахборот алмашинуви асосига қуриш деган маънони англатади. Тил ўқитишда шунчаки савол-жавоб машқлари ҳам ўтказилади. Бу машқлар реал фикр алмашинувдан йироқ. Лекин ўқувчилар ўрганилаётган тилда гап тузишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб борганлари сайин савол-жавобда уларнинг мустақиллиги ортиб, суҳбат ҳаётий масалалар, реал фактлар муҳокамасига яқинлашади, коммуникативлик касб этади.

Коммуникативлик шунчаки ҳаётий масалалардан йироқ савол-жавоблар эмас, балки бирор мақсад: бирор нарсани билиш, суҳбатдошига бирор нутқий таъсир кўрсатиш, унга бирор янгиликни етказиш, бирор муаммони фикр алмашинув орқали ҳал этиш ва бошқа шу кабилар билан тавсифланади.

Фаолиятга асосланганлик ёндашуви нутқий мулоқотни ўргатишнинг туб моҳиятини ифодалайди: Маълумки, нутқий фаолият асосан тўрт турли бўлади: сўзлаш (гапириш), ўқиш, нутқни тинглаш ва ёзув (ёзма нутқ). Нутқий мулоқотни ўргатишда фаолиятга асосланганлик ёндашуви деганда сўзлаш (гапириш) фаолиятигина тушунилади. Тўғри, ўқиш орқали ҳам, нутқни тинглаш йўли билан ҳам коммуникация содир этилади, лекин улар асосан диалог шаклида ўтадиган нутқий мулоқотнинг юз бериш жиҳатларини ифода этмайди. Нутқий мулоқот маданиятини эгаллаш жараёни сўзлаш (гапириш) фаолиятига асосланган тақдирдагина қутилган натижага эришилади. Ўқувчилар бир-бирлари билан сўзлашмасдан, яъни гапириш билан боғлиқ нутқий фаолиятда иштирок этмасдан ўзбек тилини амалий мақсадларда эгаллай олмайдилар.

Диалог орқали нутқий фаолият жараёнида ҳар томонлама: ҳам талаффуз, ҳам жонли мулоқот, ҳам фаол тил ҳодисалари эгалланади. Айниқса, дарак, сўроқ, буйруқ, ҳис-ҳаяжон гапларнинг турли-туман оҳанг жилолари, ундалмали, киритмали гаплар, атов гапларнинг талаффузи фақат жонли сўзлашув жараёнидагина ўзлаштирилади.

Нутқий мулоқот маданияти биринчи навбатда ўзаро сўзлашиш одоби билан боғланади. Шундай бўлгач, ўзбек тилини ўқитишнинг бу жиҳати *таълим ва тарбия бирлиги тамойили*га асосланишни тақозо этади. Шарқона сўзлашув суҳбатдошларнинг

бир-бирига ўзига хос тавозе кўрсатиши, сўзларни танлаб ишла- тишида ўз ифодасини топади.

Нуткий мулоқот маданияти устидаги ишлар истаган мавзудан, бирор мавзудаги уядош сўзлардан, истаган грамматик шаклдан бошланавермайди. Бу ўринда ўқувчиларнинг ўзбек тилидан эгаллаётган *билим савиясини ҳисобга олиш тамойили* асос қилиб олинади. Аниқроқ айтганда, мавзувий лексиканинг ўрганилишига, гап тузишга доир БКМларнинг грамматик воситалар асосида изчил шаклланиб боришига қаралади. Ҳали ўрганилмаган сўзларни қамраб олувчи мавзу мулоқот машқи учун танланса, таълим жараёни мушкуллашади.

Мавзувийлик тамойили нуткий мулоқот маданиятини, муомала одобини шакллантиришда, жумладан ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстиришда, бунда қолип-гапларни режа- лаштиришда муайян роль ўйнайди. Мулоқот бир ёки бир неча мавзу доирасида юз бериши маълум ҳақиқат. Чунки суҳбат- дошлар мулоқот жараёнида алмашинадиган фикрлар тез-тез ўзга- риб туриши, сўзлашувчилар бир мавзудан бошқа мавзуга кўчиб туриши мумкин. Нотаниш мавзу суҳбатнинг узилиб қолишига сабаб бўлади. Бундай бўлмаслиги учун мавзу танлашда қуйидаги- ларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

- мавзунинг ёритилиш даражаси кенг, яъни қамровли бўлиши;
- мавзуга мавсумий қайтиб туриш имкониятининг мав- жудлиги;
- мавзунинг кичик мавзуларга тармоқланиш миқдори;
- мавзунинг бир неча синф доирасида ривожлантириб, кенгайтириб, чуқурлаштириб бориш имкониятларининг бор- йўқлиги;
- бир синф чегарасида мавзулар доирасини чексиз равишда кенгайтирмаслик.

Мавзувийлик тамойилларидан яна бири ва охириги - мавзунинг ўқувчиларни синфда муҳокама қилиш учун мўлжал- ланган муаммоли масалаларни ҳал этиш сари йўналтиришга мойиллигидир.

Ўқувчиларнинг диалог шаклида ўзаро мулоқотларини ташкил этишда қуйидаги жиҳатларни тамойиллар сифатида олдиндан кўра билиш ва пухта режалаштириш лозим:

1) икки ўқувчининг ўзаро мулоқоти бир-икки лукма билан тутаб қолмаслиги лозим;

2) ўқитувчи кўпроқ гапириш имконини берадиган нутқий вазиятларга асосланиши зарур;

3) мавзу доираси кенгайиб бора оладиган бўлиши даркор;

4) мавзунинг қамровли қилиб номлаш зарур;

5) диалог шаклидаги ўзаро мулоқотда ўқувчилар дуч келадиган лексик қийинчиликлар иложи бориша кам бўлиши лозим;

6) мавзу номланиши муаммоли масалага ишора қилиши ва ўқувчиларни баҳслашишга даъват этиши керак.

Шуни эътироф этиш керакки, нутқ фикрлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Фикрлаш доираси кенг бўлган ўқувчилар мавзудан қутилган мазмунни атрофлича тасаввур эта олади ва ёрита билади.

Мавзунинг номланиши муаммога ишора қилса, нималар ҳақида гапириш кераклигини бирмунча аниқ кўрсатиб турса, нутқий машқни бажаришда ўқувчида дадиллик, ўзига ишонч, мустақилликка интилиш ҳисси пайдо бўлади. **Тарбияловчи таълим тамойили** мавзуларни танлаш ишининг асосидир. Ахлоқий тарбия, миллий маънавият тарбияси, миллий истиқлол мафкураси ғоялари руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий ва иқтисодий тарбия тегишли мавзуларнинг изчил ривожлантирилиши натижасида сайқал топади. Мулоқот мавзуларини танлаш ва синфларга тақсимлаб чиқишда ўқувчиларнинг ўзбек тилидан эгаллаётган билимлари, ҳосил қилаётган кўникма ва малакаларига — **тил тажрибасига таяниш тамойили**га риоя қилинади.

Ўқим мавзуси билан мулоқот мавзуси нисбати тамойили.

Ўқувчиларнинг нутқий мулоқотини ташкил этиб, уни бошқараётган ўқитувчи нутқий вазиятлар изчиллигини кўрсатиб бориш имконини берадиган режа тақдим этиши лозим. Бундай режа ўқувчиларнинг **турмуш тажрибасини ҳисобга олиш тамойили**га жавоб бериши даркор. Нутқий вазиятлар ҳам шу тамойил асосида танланади.

Ривожлантирувчи таълим тамойили когнитив таълимнинг энг муҳим жиҳати саналади. Ўқувчи эртага бугунгидан мустақилроқ бўлиши, унинг билими бир жойда қотиб қолмасдан бойиб бориши, кўникмалари малакага айланиши, лаёқат

даражаси тобора ортиши ана шу тамойилга асосланган таълим хусусияти ҳисобланади.

Нутқий вазиятга асосланганлик ёндашуви (тамойили)да ҳар бир сўзлашув тартиби маълум нутқий вазиятда ишлатилади, ушбу жараёнда ишлатиладиган қолип-гап тилга келади, яъни мавзуга оид лексика, қолип-гап, диалог намунаси бирор мавзу ёки вазият доирасидаги мулоқот учун хизмат қилади. Масалан: «Яхши ўтирибсизларми?» – кўшни хонага чиқиб кетган мезбон (уй эгаси) қайтиб меҳмонлар ўтирган хонага кирганда шу савол билан мурожаат қилади: «Юр, шанбаликка борамиз» мазмунидаги таклиф вазиятидаги диалог ўқувчилар ўртасида бири иккинчисини бирор тадбирга чорлаш вазиятида юз беради ва ҳ.к.

Ўқувчилар ўзга тилдаги қолип-гапни ўрганар эканлар, ушбу қолип-гап бир томондан, мавзу, иккинчи томондан нутқий вазият билан шартланиб, бирор мазмундаги диалог намунаси орқали долзарблашади, шу йўл билан нутқий мулоқотда иштирок этиш малакаси шаклланади. Лекин бу иш осонлик билан самара бера қолмайди. Бунинг устига, таҳлилларнинг кўрсатишича, “Ўзбек тили” дарсликларидида қолип-гапларни вақти-вақти билан мавзуларга ва нутқий вазиятларга бирлаштиришга мўлжалланган машқлар кўзда тутилмаган.

Биз И.П.Слесареванинг сўзларни қўллаш жиҳатлари ҳақида айтган фикрларини [72; 20-б.] қолип-гапларга татбиқ этдик. Чунончи, қолип-гап нима ҳақидадир ахборот беради (денотатив аспект), қандайдир мазмун ёки фикр англатади (сигнификатив аспект), қолип-гаплар шундай гаплар рўйхатидан танланади (парадигматик аспект) ва қолип-гаплар кўчирма ёки ўзлаштирма гаплар таркибида муаллиф гапидаги бошқа сўзлар билан боғланади (синтагматик аспект), у орқали сўзловчининг нима тўғрида гапирилаётган бўлса, шу нарсага муайян муносабати ифодланади (прагматик аспект), унда сўзловчининг муайян маълумотлари (фонли аспект) ва предмет образи (эмпирик аспект) акс этади.

Қолип-гапларга нисбатан баъзан *бихевиористик ёндашув* (тил материални механик равишда кўп маргалаб такрорлаш орқали унга доир малака ҳосил қилиш); уларга *индуктив-онгли ёндашув* (луғат шаклидаги мисоллардан изоҳларни англашга қараб бориш); *ўқиш орқали ёндашув*; *функционал ёндашув*;

амалий ёндашув (тил ҳодисалари аниқ бир вазифада ўрганилиб, шу заҳоти нутқда ишлатилади) қўлланилади. Айрим методист олимлар ушбу ёндашувларнинг аксарият қисмини тамойиллар деб атайдилар. Бизнингча ҳам, шундай деб атаган маъқул.

Кейинги даврда тил ўқитиш методикасида *модулли ёндашув* тез-тез тилга олинадиган бўлди. Модулли ёндашувга кўра кичик мавзулар катта мавзулар ичига бирлашади, охириги мавзу биринчи мавзу билан боғланиб, бир йирик мавзуга бирлашиб модулни ташкил қилади. Бу модулли ёндашув дейилади.

М.Я.Демьяненко санаб ўтган хусусий-методик тамойиллар – таълимнинг нутқий (коммуникатив, амалий) йўналганлик тамойили; нутқий фаолият турларини айрим-айрим ҳамда ўзаро боғланишда ўргатиш тамойили; ўқувчиларнинг тил тажрибасига таяниш тамойили; оғзаки асос тамойили; тил материални вазиятли-мавзувий ташкил этиш тамойили; ўқув жараёнини жадаллаштириш тамойили [16; 102-107-б.] тўлиғича оғзаки нутқ мавзуларини танлаш ва изчиллигини белгилаш учун катта аҳамиятга эга. Мавзу мазмун кўлами билан сўзлашув нутқи эҳтиёжларига жавоб бериши керак. Оғзаки нутқ мавзувий бўлгани ҳолда коммуникатив, шунингдек, вазиятли ҳамдир. Оғзаки машқларнинг устуворлиги тамойили ўзбек тили дарсларида оғзаки нутқ ўстириш мавзуси устида олиб бориладиган ишларга мос тушади. Тил материални вазиятли-мавзувий ташкил этиш тамойили эса мавзувийликнинг асл моҳиятини ифода этади.

Она тили хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили рус тилида фикрловчи ўқувчиларнинг ўзбек тилида сўз ишлатиш табиатини ифода этади. Қолип-гап она тилининг ижобий таъсири (транспозиция) ва салбий таъсири (интерференция)нинг ижобий ва салбий таъсирини ҳисобга олинган ҳолда ўргатилиши керак.

Индуктив-онгли ёндашув (мисоллардан қоидаларни англашга қараб бориш) – мисолдан изоҳга қараб борилади. Масалан: «Яхши қолинг» деса, демак, кимдир қаёққадир кетаётган бўлади ва у ўзини кузатиб қўяётган одамга шундай қолип-гап айтиб хайрлашади.

Дедуктив - онгли усул (ёндашув) - нутқий вазиятдан изоҳга ва изоҳдан қолип-гапга қараб бориш.

Нутқий мулоқот маданияти устидаги ишларда *формал (грамматик) ёндашув (ёки тамойил)* олинмайди. *Системалилик тамойили* тизимлиликни назарда тутиб, тизимли курслар сифатида амал қилади. Лекин мулоқот одобини ўргатишда ҳам, қолип-гаплар устида ишлашда ҳам тизимли курс асос қилиб олинмайди. Бу ўринда мавзувийлик асосий ўринда бўлади.

Изчиллик тамойили дарс самарадорлигини ошириш билан бирга, қолип-гапларни ўқувчилар нутқига сингдириш ишининг тўлақонли бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Равшанки, ўзбек тили дарсларида оғзаки нутқ ўстиришнинг асосий унсури — ўқувчилар нутқида етарли миқдордаги қолип-гаплар бойлигини ҳосил қилишдир. Бу жараёнга изчилликдан кўра кўпроқ узлуксизлик, мунтазамлик тамойиллари тўғри келади.

Нутқда кенг ёйилганлик, типиклик, зарурлик тамойиллари қолип-гапларнинг нутқий вазиятларда, турли мавзуларда ишлатила олиши билан белгиланади. “Луғат минимуми”да амал қилинган тамойиллар қуйидагилар: а) сўз нутқда қўлланувчан бўлиши керак; б) сўз амалий жиҳатдан зарур бўлиши лозим; в) сўз гап турларида кенг ишлатила олиши зарур; г) сўз мумкин қадар бошқа сўзлар билан кенг алоқага кириши олиши даркор [68, 5-6-б.]. Ушбу тамойилларни қолип-гапларга нисбатан ҳам татбиқ этиш ўринлидир.

Айрим қолип-гаплар тор доирада қўлланса, айримларининг ишлатилиш кўлами кенгдир. Бунда қўлланиш частотасини ҳисобга олиш тамойили ҳам назарда тутилмоғи лозим. Зеро, баъзи қолип-гаплар нутқда тез-тез учраб турса, баъзилари камдан-кам қўлланади.

3-БОБ.

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

3.1. Ўзбек тили дарсларида русийзабон ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш воситалари, шарт-шароитлари, метод ва усуллари

Монографиямизнинг учинчи бобини аввалги бобда белгилаб олинган лингводидактик асосларга таянган ҳолда рус тилида сўзловчи ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги диалогик нутқини ўстириш, нутқий мулоқот маданиятини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилган тадқиқот натижаларини баён қилишга бағишладик. Бу ерда қуйидаги масалалар диққат марказимизда бўлди:

- 1) диалог шаклида нутқ ўстириш метод ва усуллари;
- 2) кўрсатмалилик, айниқса, замонавий ахборот технологияларининг ўқувчилар диалогик нутқини ўстиришдаги ўрни.

Қуйида ана шулар ҳақида айрим-айрим сўз юритамиз.

I. Диалог шаклида нутқ ўстириш метод ва усуллари.

Ўқувчиларнинг ўзбек тилида ўзаро сўзлашув кўникма ва малакаларини шакллантириш ишининг сифати ва самарадорлиги танланадиган метод ва усулларга боғлиқ. Метод ва усуллар эса нима ўргатилишига қараб танланади. Ўрганиладиган материалларни уч турга ажратишимиз тўғри бўлади:

- 1) қолип-гаплар, уларнинг маъно-мазмуни, рус тилида ифодаланиши, қайси нутқий вазиятларда қўлланиши;
- 2) муомала одоби қоидалари, бу қоидаларнинг ўзбек тилидаги этикетларга хос жиҳатлари;
- 3) яхлит сўзлашув (диалог) намуналари.

Қолип-гаплар лисоний БКМлар сирасига киради. Сўз шакли, ундаги грамматик восита маъноси, сўз бирикмаси ёки гапнинг мазмуни чет тилларни ўқитиш илмида кенг тарқалган бевоситалик (прямой), кўрсатмали-вазиятли (наглядно-ситуативный), таржима-грамматик, онгли-амалий, тилни назарий, назарий-амалий, амалий ўрганиш, мим-мем, аудио-визуал (аудиолингвал), аралаш (комбинированный) каби методлар ёрдамида

англатилса², қолип-гаплар, дарсликларда берилганидек, кўпроқ нутқий намуналар, таржима ва изохлаш йўли билан тушунтирилади. Ўқувчиларнинг ўзбек тилига доир сўз бойлиги, гап тузиш малакалари ўзбек тили ўқитишининг умумий йўналишида амалга оширилса, қолип-гаплар устидаги тор доирадаги хусусий йўналишни ифода этади. Шунинг учун биз лисоний БКМлар устидаги ишлар сирасида умумий йўналишдагина эмас, балки аниқ қолип-гапларни ўргатиш метод ва усулларига ҳам мурожаат этамиз. Диалог намуналари эса ўқишни ўргатиш тариқасида таништирилади, намунага таянган ҳолда ўқувчиларнинг ўз нутқини ривожлантиришга ўтилади.

Сўз шаклини, яъни сўздаги грамматик воситанинг маъносини очиш учун эса таржима-грамматик метод тавсия қилинади. **Бевоситалик методи** таржимасиз методга тенг келади, яъни бунда таржима воситачилигидан фойдаланилмайди. Сўз ёки сўз шакли маъносини, гап (жумладан, қолип-гап) мазмунини англатишда нарса-буюмлар (баъзан муляжлар), предметли ва предметсиз қилинадиган ҳаракатлар, расмлар, турли тасвирлар акс этган видеотасвир кадрларидан фойдаланилади. Шу жиҳатига кўра В.А.Хван ўз ишида кўрсатмали-вазиятли методни тавсия этади. «O'zbek tili» дарсликларида аксарият ҳолатларда қолип-гапларнинг русча эквивалентлари кўрсатмай берилгани бевоситалик методига амал қилинганликдан далolatдир. Тил бирликларига нисбатан татбиқ этилган ушбу метод аксарият ҳолатларда тажрибада ўзини сира ҳам оқлаганича йўқ, аксинча, ўқитувчиларни мушкул аҳволга солиб келмоқда.

Дарсда айтилган ёки ўқилган сўз ва сўз шаклини ўзбек тилидан рус тилига қилинадиган ўгирмаларга мурожаат этилса, **таржима методи** қўлланган бўлади. Қолип-гаплар мазмунини тушунтиришда таржиманинг ўзи кифоя қилмайди: бунга қўшимча равишда ушбу диалогик birlikларнинг нутқда қайси нутқий вазиятларда ишлатилишини изохлашга ҳам мурожаат этилади. Фойдаланилган метод эса таржима методи бўлиб қолаверади. Айрим қолип-гапларнинг ўзбекча-русча луғати бериб қўйилса, маъно-мазмунни бу тарзда тушунтириш ўқувчиларнинг асл эҳтиёжларини қондирмайди: ёшлар уларнинг қайси нутқий

² Бу ҳақда қаранг: [89; 70–74-бетлар].

вазиятларда ишлатилиши мумкинлигидан хабар топмай, баъзан хато гапиришлари мумкин.

Ўрнига қараб таржимасиз англатиш методи қўлланса, яна бир хил ҳолатларда таржимадан ҳам фойдаланилади. Бу нарса ўқувчиларнинг тил бирлигини хато англаши мумкин бўлган вазиятларда ўзини оқлайди. **Аралаш метод** юқоридаги икки метод куймаси саналади.

Р.Йўлдошевнинг таъкидлашича, «Матн намунасини роллар бўйича ёд олиб, ўзаро сўзлашишни ташкил этиш ўргатишнинг энг кам самара берадиган, лекин амалиётда кўп тарқалган усулларидан биридир. Бунда янги диалогик матнни ҳар гал куйидаги босқичлар асосида ўргатишга тўғри келади: 1) кўрсатиш-таништириш; 2) диалогга доир материални ўзлаштириш билан боғлиқ ишлар; 3) амалда қўллаш» [28;69].

Методик адабиётларда **кўрсатиш-намоиш этиш методига** алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу метод қолип-гаплар мазмунини тушунтиришга нисбатан татбиқ этиладиган бўлса, бунда фойдаланиладиган кўрсатмалилик нутқий вазиятли тасвирлар (бажариб кўрсатиладиган ҳаракатлар, ижро этиладиган диалоглар) тарзида бўлиши керак. Масалан, транспортда боланинг кекса кишига жой бўшатиши тасвирланган расм ва ҳ.к. Кейинги даврларда бундай тасвирлар мультимедиа (овозли тасвир) сифатида ҳозирланмоқда.

Дарсда кичик-кичик сахна кўринишлари ижро этилиши ҳам кўрсатиш-намоиш этиш методига хосдир. Бунда ҳам ўқувчилар нутқий вазиятли ҳаракатларни кўрадилар ва диалогларни эшитадилар. Аслида ушбу метод ҳам бевоситалик методининг такомиллашган ҳолатини ифода этади.

Хуллас, ўзбек тилидаги қолип-гапларнинг мазмунини англатишда куруқ ўзбекча-русча луғатлар эмас, балки уч устунда тавсия қилинадиган ўгирмалар зарур. Биринчи устунда ўзбекча қолип-гаплар, иккинчи устунда уларнинг русча эквивалентлари, учинчи устунда (зарур ҳолатларда) нутқий вазиятлар билан боғлиқ изоҳлар берилгани маъқул. Бошқача айтганда, ҳам таржима-грамматик ва кўрсатмали-вазиятли методлар, ҳам изоҳлаш методидан фойдаланиш лозим.

Муомала одоби қоидалари дарсликдаги шу мазмунда берилган матн устида ишлаш, ўқитувчининг айрим нутқий ва-

зиятларни изоҳлаши, баъзан ўзбек халқига хос шарқона муомала одоби юзасидан маълумот бериши, ўқувчиларнинг ўзаро сўзлашувидан олдин сўзлашув оҳанги қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтириши тарзида ўрганилиши мумкин.

Ўзбек тили ўқитувчилари, одатда, дарсликларда муомала одобига доир берилган санокли матнларни ўқувчиларга ўқитиб, мазмуни юзасидан қисқа суҳбат ўтказадилар. Бу билим устида ишлаш жараёни учун етарли бўлар. Лекин матнда ўз аксини топган қоида сўзлашув машқлари ёрдамида мустаҳкамланиши, вақти-вақти билан ўқувчилар хотирасига тушириб борилиши зарур. Айниқса, болалар муомала одоби қоидасига амал қилмай, ўзаро фикр алмашганларида олинган билим ёдга солиниши лозим.

Ўқитувчи баъзан йўл-йўлакай ўзи ҳам айрим қоидаларни маълум қилади. Бунда қуйидаги мазмунда изоҳлар бериб боради: «Хушмуомалалилик билан жавоб бер!», «Гапирганда, суҳбатдошингга қараб гапир!», «Суҳбатдошингнинг исмини айтиб мурожаат қил!», «Суҳбатдошингга гапирганда, хушмуомала бўл!»

«Муомала одоби қоидалари билимдони» ўйини дарсликдаги ва дарслиқдан ташқари маълум қилинган шундай қоидалар захираси тўплана бошлаган даврда ташкил этилгани маъқул.

Ўқувчиларнинг ўзбекча диалогик нутқини ўстириш методларини танлашда юқоридаги ҳолатларни, бажариладиган ишлар кўламини назарда тутиш зарурият саналади. Бу деган сўз, сўз бойлигини ошириш, гап тузишни ўрганиш, қолип-гапларни ёд олиш, савол бериб, жавоб қайтаришнинг ўзи диалогик нутқни ҳам, нутқий мулоқот маданиятини ҳам шакллантириш учун етарли эмас. Суҳбатдошларда бир-бирига эътиборли бўлиш, диалог луқмаларини кўрслик қилмасдан, хушхулқ, хушмуомалалилик билан айта олиш, самимият, сўз шаклларини шуларга монанд танлаш, гапириш оҳангини яхши қилиш каби таълим-тарбия жиҳатлари ҳам инobatга олинishi даркор.

Замонавий таълим жараёнини илғор моделлар базасида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида таълим олувчиларнинг диалогик нутқини *ҳар томонлама* ўстириш имконини берувчи метод ва усуллардан фойдаланиш тақозо этилади. Бу дегани ўзбек тили ўқитувчиси зиммасига юқорида

баён этилган вазифаларни амалга ошириш юкланади. Чунончи, энг аввало, луқмаларнинг мазмунини англашдан ташқари, уларни талаффуз қилиш оҳанги устида ишланади. Зеро, луқмалар оҳанги, монографиянинг 2.2-фаслида баён этилганидек, турли-тумандир. Равшанки, луқмалар талаффузи савол бериш ва жавоб қайтариш билан чекланмайди.

Метод ва усуллар ўқитувчига суҳбатни бошқаришга имкон берадиган қилиб танланиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу жа- раёнда муаллимдан алоҳида маҳорат кўрсатиш талаб этилади.

Ниҳоят, ўқитувчи назорат метод ва усулларига ҳам муурожаат этади.

Таълим методлари, бир томондан, лисоний БКМларни тушунтириш, мустақкамлаш ва такрорлаб бориш, ўқувчилар нутқини фаоллаштириш чоралари асосида танланса, иккинчи томондан, бугунги кунда ўқувчиларнинг таълим-тарбияси олдида давлатимиз қўйган талаблардан келиб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да талаб этилишига кўра бугунги кунда эркин ва мустақил фикрловчи, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли ва фаол иштирок этувчи шахсни шакллантириш асосий вазифалар сирасига киради.

Диалог тузиш лисоний БКМларни фаоллаштириш йўл- ларидан бири бўлган нутқий мулоқотга доир БКМларни эгаллаш воситаси саналади. Шу мақсадда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига имкон берувчи усул – гуруҳда ишлаш усули қўл келади. Бу усулда оз фурсат ичида ҳам янги материални ўзлаштириш, ҳам аввалги дарсда ўтилган мавзунини такрорлаш мумкин, бунда ўқувчилар фаоллиги таъминланади, улар ҳам савол тайёрлашлари, ҳам кутилмаган пайтда жавоб бера билишлари керак.

II. Кўрсатмалилик, айниқса, замонавий ахборот техно- логиялари.

Тадқиқот мавзуси доирасида ҳал қилиниши лозим бўлган методик муаммолар маълум даражада диалогик нутқ ўстиришнинг воситалари билан боғланади. Бу ўринда диалогик матн намуналари воситачилигидан ташқари, расмлар, турли чизмалар, сўз билан яратиладиган нутқий вазиятлар, ниҳоят, таълимнинг техник воситалари муҳим роль ўйнайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда исталган соҳада бўладими, таълим жараёнида бўладими, ҳаммасидаги ўқиб-ўрганиш жараёнини замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тил таълимида компьютерлардан самарали фойдаланишнинг муҳим масалалари юзасидан озми-кўпми И.Р.Ахмедов, М.Ю.Тўхтамирзаев, Ш.Ж.Юсупова, С.А.Адилова, Н.З.Умарова каби ўзбек методист олимларининг тадқиқотларида айрим назарий йўриқлар ва амалий тавсиялар баён қилинган. Таълим муассасаларида 2007 йил «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш йили» деб эълон қилингандан бери бу борада кўп ишлар амалга оширилди: турли ахборот тизимлари, электрон қўлланмалар, мультимедиа дастурлари ишлаб чиқилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги таълим муассасалари интернетга уланди, ҳар бир муассасага алоҳида веб-сайтлар ажратилди, жойларда ички компьютер тармоқлари ишга туширилди. Ўзбек тили машғулотларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида мавжуд муаммоларнинг аксарият қисми Н.З.Умарованинг номзодлик тадқиқот ишида ўз ечимини топди. Олиманинг таъкидлашича, «...мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотларни ташкил этишнинг усулларидан вақт, жой, зарурият ва имконият тақозо қилган ўринларда фойдаланиш таълим самарадорлигини» оширади [82; 10-б.]. Шундай экан, унинг фикрича, ўзбек тили машғулотларининг самарадорлигини ошириш мақсадида электрон дарсликлар, электрон ишланмалар, слайд пакетлар, энциклопедия, лугатлар яратиш, электрон почтадан фойдаланиш зарур [82; 10-б.]. Биз ўз тадқиқот ишимизда ўрни билан ана шу тавсияларни ҳам ҳисобга оламиз.

Диалогик нутқ ўстиришда кўрсатмалилик алоҳида ўрин тутади. Бунда ўзаро сўзлашувчиларнинг тасвири эмас, балки нутқий вазият акс этган сўзлашув вазиятидан фойдаланиш зарур бўлади. Шунга кўра кўрсатмалилик методлари³ сифатида нутқий вазият акс этган расм, сахна кўриниши, икки ўқувчининг вазиятни намойиш қилиши, ўзаро сўзлашаётганларни кузатишдан фойдаланилади. Бу методлар қолип-гапни ёки мулоқот одоби қондасини тушунтириш жараёнида фойдаланиладиган

³ Айрим методист олимлар [85; 108-б.] буларни методлар эмас, балки усуллар деб атайдилар.

воситаларни ифода этади. Ўргатиш босқичларини эса таништириш, машқ қилдириш ва қўллаш методлари орқали аташ жоиз [68; 80-б.]. Эслатиш лозимки, таълим методлари даврга ҳамоҳанг равишда такомиллашиб боради: машқлар туркумига компьютер технологияси қўшилади. Бугунги кунда видео методлар сифатида кўриш, ўргатиш, электрон ўқитувчи назорати остида машқ қилиш, назорат кенг қўлланмоқда. Айниқса, анимация эффе́ктларн тасвирни яққол кўзга ташланадиган қилади.

С.Адилова юкоридагиларга қўшимча равишда «...расмга қараб сўзлаш, яшириб қўйилган сўзларни эслаб ёзиш, видеолавҳага овоз бериш, берилган фикрларни давом эттириш, матнда кўтарилган муаммоларга ўз муносабатини билдириш, мустақил равишда жадвални тўлдириш, мавзу бўйича хулоса қилиш каби кўнгина топшириқларни бажаради ва бу ҳолда ҳам компьютер, ҳам ўқитувчи томонидан баҳоланади» [3; 15-б.]. Бундан ташқари, компьютер воситасида талабалар матни давом эттириш, қисқартириш, кенгайтириш, унга режа тузиш ва ҳоказо топшириқларни бажарадилар. Электрон ишланмаларда назорат тизими, яъни тест, машқ, топшириқ ва ўйинлар бўлади.

Компьютер назорат учун ҳам қулай. Вазифаларнинг қандай (тез ёки секин, хато ёки бехато) бажарилиши компьютер томонидан тўпланган балларни кўрсатиш, «Баракалла!», «Ўйлаб кўринг», «Такрор ўрганиб чиқинг!» каби ёзувлар билан маъқуллаш ёки тузатишга доир кўрсатмалар бериб бориш, шунингдек, мусиқа ёрдамида рағбатлантириш, огохлантириш йўли билан назорат қилинади.

С.Адилова компьютернинг ахлоқий-маънавий тарбиядаги аҳамиятини қуйидагича баён қилади: ...мисол, матн, машқларда ёки аудио ва видеоматериалларда, ҳатто экраннинг бадий безатилишида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, шарқона одоб-ахлоқ намуналари ўз аксини топса, русийзабон талабада яшаб турган юртига нисбатан ватанпарварлик ҳисси янада кучаяди, давлат тилини билишга бўлган мотивацияси ортади ва, албатта, ўқув жараёнининг муҳим мақсадларига — таълим ва тарбияни узвий равишда амалга ошириш ҳамда жамиятимиз учун маънавий баркамол, етук мутахассисларни тайёрлаб беришга эришилади [3; 12-б.].

Таниқли психотерапевт К.Роджерснинг фикрича, диалогик нутқ психотерапевтик хусусиятларга эга бўлиб, кишини мустаҳкам руҳий соғломликка, барқарорлик ва яхлитликка яқинлаштиради: “Кишининг ички томонини кўрмай ва тушунмай туриб, уни бошқариш мумкин эмас, фақат диалогик мулоқот йўли билан унга яқинроқ бўлиш ва хислатларини аниқлаш мумкин — аниқроғи, кўнгли очилишига мажбур қилиш лозим, мулоқот чоғида бир-биримизни тушунишга ҳаракат қиламиз; муносабатлар қанчалик чуқур бўлса, сўзнинг маъносинигина эмас, ички мазмунини ҳам тушуниш истаги шунчалик кучли бўлади”.

Суҳбатни давом эттира билиш таълим-тарбия методини танлаш ишига масъулият билан ёндашишга ундовчи муҳим масалалардан биридир. Чунончи, «Сен тарих музейида бўлган-мисан?», «Йўк» кабилидаги савол-жавобдан суҳбат тўхтаб қолиши ҳеч гап эмас. Агар «Тарих музейида янги экспонатлар бормикан?» деган савол берилса, у суҳбатни давом эттириш учун туртки бериши мумкин.

Мулоқот жараёнида ўқувчилар билан уларни қизиқтирган нарсалар, воқеа-ҳодиса ва мавзулар ҳақида суҳбатлашиш ёки ёзишмалар уюштириш мақсадга мувофиқдир. Суҳбатдошлардан бири вазиятга қараб баъзан у ёки бу нарса ҳақида ҳикоя қилишга ўтади. Бу энди диалог таркибида монолог саналади. Ўқитувчи бундай диалогга ҳам имкон бериб, рағбатлантириши лозим.

3.2. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларга қолип-гапларни, улар билан боғлиқ равишда муомала одобини ўргатиш

Тадқиқот ишिमизнинг аввалги бобларида қолип-гапларни, шунингдек, муомала одоби қоидаларини ўргатиш борасида амалиётда эришилаётган ютуқлар ва йўл қўйилаётган жиддий нуқсонларга тўхтаган, ўзбек тилидаги қолип-гапларнинг рус тилида ифодаланишини қиёслаш, шарқона муомала одобини рус халқига хос этикет билан таққослаш асосида кўриб чиққан ва муҳим методик ҳулосалар чиқарган эдик. Ушбу тил ҳодисаларини ўргатиш методикасига бағишланган мазкур параграфда, бир томондан, ўқитувчилар иш тажрибасида учраётган камчиликлар ва «Ўзбек тили» дарслиklarининг машқ материалларидаги кемтик жиҳатларни бартараф этиш чораларини белгилаб

чиқишга ҳаракат қилдик, иккинчи томондан, икки тилда ифодаланишидаги таълимни осонлаштирадиган ва қийинлаштирадиган томонларни ҳисобга олган ҳолда машқ ва иш турларини ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйдик. Бундан ташқари, ўқувчиларни ўзбек тилидаги қолип-гаплар, шаблон сўз-гапларни қай вазиятларда қай тарзда ишлатиш кераклиги ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш методикаси устида изландик.

«Тил — дил калити», — дейдилар алломаларимиз. Одамлар қалбидаги фикрларнинг талайгинаси тил воситасида бошқаларга маълум қилинади. Бу ҳодиса нутқий мулоқот жараёни туфайли доимо янгиланиб, такомиллашиб, ўзгартирилиб борилади. Бошқача айтганда, қолип-гаплар ҳам, муомала одоби қоидалари ҳам тадрижий равишда мураккаблашиб, янгидан-янги нутқий вазиятларда юз берадиган комбинацияларга киритиб турилади. Ушбу жараёнда ўқувчилар ўрганилаётган диалогик бирликлар бойлигига эга бўлишдан ташқари, улардан нутқда фойдаланиш, турли нутқий вазиятларда нутқий вазиятлар муносабати билан мустақил фикрлаш лаёқатини ошириб борадилар. Методист олима Г.Х.Жумашева таъкидлаганидек, айни мустақил фикрлашга даъват болаларнинг «нутқий фаолиятлари асосидаги машқлар учун зарур барча шарт-шароитларни вужудга келтириш йўли билан уларнинг тил сезгирлигини ўстиришни тақозо қилади» [18; 10-б.].

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчилари давлат тилида бемалол фикр алмаша олиши учун ўз хотирасида маълум миқдорда қолип-гапларни ҳам сақлашлари керак. Бундай гапларни зарур пайтларда нутқий мулоқотга чақирганда «Лаббай» деб жавоб бера оладиган даражада ўзлаштиришлари зарур. Ўқувчиларнинг ёши қанчалик кичик бўлса, мазкур қолип-гаплар шунчалик мустаҳкам эсда олиб қолинади. Улар нутқда қанчалик кўп қўлланса, амалда фойдалана олиш тезлиги ҳам шунчалик орта боради.

Ўқувчилар биринчи навбатда ўзбек тилидаги қолип-гаплар, шаблон сўз ва ибораларнинг маъно-мазмунини билишлари керак. Бунинг учун мазкур тил ҳодисалари келтирилган машқ материаллари рус тилидаги эквивалент таржималари билан таъминланган бўлиши зарур. Чунки, тадқиқот ишимизнинг иккинчи бобида таъкидлаганимиздек, муқобил таржималарни аниқлаш ўта қийин

иш. Кузатишлардан маълумки, агар ўқувчиларга: «Куйидаги луқмаларни эслаб қолинг ва нутқингизда фойдаланинг» деган топшириқ берилса, бу билан таълим мақсади тўла рўёбга чиқмайди, мавжуд муаммолар ҳал бўлиб қолмайди. Болалар ўзлари маъно-мазмунини тушунмаган, рус тилидаги эквиваленти орқали англамаган ҳолда қолип-гапни кўр-кўрона ўзлаштиришлари (ёд олишлари) мумкин, холос.

Қолип-гаплар устида янги лексик бирликлар билан ишлаган каби ҳам маъно-мазмунини очиш ва қайси вазиятларда ишлатилиши ҳақида изоҳ бериш, ҳам талаффузини (оҳангини) ўргатиш, шундан кейингина нутқий намуналар орқали кўлланиш соҳаларини кўрсатиш тариқасида иш олиб боришни маъқул топдик. Бу усулни амалиётда кенг тарқалган «Диалог (ёки суҳбат) намуналарини (мурожаат луқмаларини) ўқинг» деб бошлаш усулига қарши кўйдик: маъно-мазмунини билмасдан, қайси нутқий вазиятда ишлатилишини тасаввур қилмасдан, талаффузини ўрганмасдан туриб намуналарни ўқиш тегишли ифоданинг бўлмаслигига, хато талаффузга сабаб бўлади. Илк бор нотўғри ўқилган гап ёки сўз эса кейинги босқич иш турларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Тадқиқотимиз давомида таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасалари талабаларига ўзбек этикетларини сингдиришнинг бир неча усулини таклиф этамиз:

1) таркибан англаш мумкин бўлганларини сўзма-сўз таржима қилиш: *Демак, масала ҳал. – Значит все решено. Яна кимда таклифлар бор? – У кого есть ещё предложения? Албатта келаман. – Обязательно приду.*

2) лексик аснода ўрганиш мумкин бўлганларига маъно-мазмун жиҳатдан вариантларини келтириш: *Қойил! Зўрсан-ку! – Bravo! Какой ты молодец! (Какой ты классный.) Хуш, қулоғим сизда. – Я вас слушаю.*

Иккинчи турдаги қолип-гапларни таълим олувчи 8–9-синфларда ёки лицей ва касб-хунар коллежида ўрганиши мақсадга мувофиқ. Бу даврда уларнинг мантиқий тафаккури бирмунча ривожланган бўлиб, уларни ўзлаштиришга осонлик билан эришадилар.

Навбатдаги иш тури – айрим қолип-гапларнинг, мулоқотда ишлатиладиган сўз ва ибораларнинг қайси нутқий вазиятда

қўлланишини изоҳлашдир. Бошланғич синфларда (2- ва 3-, қисман 4-синфда) изоҳ дастлаб рус тилида, сўнг имкониятга қараб ўзбек тилида берилади. Юқори синфларда рус тилидаги тушунтиришларга камроқ мурожаат этиш лозим бўлади. Шундай йўл тутиш мумкинлигини ўтказилган тажриба дарслари ҳам тўла тасдиқлаб берди.

Умуман, изоҳларни уч хил йўл билан тақдим этиш мумкин:

1) машқда уч устун ажратиб, биринчисида ўзбекча қолип-гап, иккинчисида унинг русча муқобили, учинчисида қайси нутқий вазиятда ишлатилишига доир изоҳ бериш;

2) машқда қолип-гаплар рўйхатидан кейин тегишли қолип-гапни тилга олган ҳолда қўлланишига доир изоҳ келтириш;

3) изоҳни оғзаки равишда баён қилиш.

Янги тил материали дарсликда бўладими ёки слайд орқали намойиш этиладими, ўқитувчи уларни, хусусан, қолип-гапларни ёки диалог намунаси луқмаларини ўқиб беради, ўқувчилар унга тақлидан такрорлайдилар. Масалан, «Қойилман!» луқмаси хитоб ўрнида ишлатилганда ҳис-ҳаяжон билан, «Лаббай» луқмаси урғуни биринчи бўғинга тушириб, «Дуруст» луқмаси дарак оҳангида ўқилади. Ҳар бир луқма турининг ўз қўлланиш вазияти бўлганидек, ўз талаффуз оҳанги ҳам мавжуд. «Қойилман» луқмаси «Қойилмисан?» сўроқ гапига жавоб бўлиб келса, у ҳам дарак оҳанги билан айтилади.

Слайдда юқорида кўрсатилган мазмунда келтирилган янги тил ҳодисаларини тинглаб тушуниш ва уларнинг ўқилиши ва ёзилишини билиб олиш, диалог матнини яратаётганда ёзма равишда ифодалаш кўникмаларини мустақкамлашга эътибор қаратиш зарур бўлади. Шунингдек, маълум босқичда тақдимот технологияси қолип-гаплар рўйхати бўйича ишни самарали ташкил қилиш, вақти-вақти билан такрорлаб бориш имконини беради.

Ўқиш пайтида осон бўлсин учун фақат ўзбекча қолип-гаплар, шаблон сўз ва иборалар билан ишланади, яъни луқмаларнинг русча таржималари ўқилмайди, бу шарт ҳам эмас. Ўқувчи таржимани кўз югуртириб овоз чиқармай ўқир экан, ўзбекча қолип-гапнинг маъно-мазмунини таржимасидан билиб боради.

Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни янги тил материаллари (айниқса, шаблон сўз ва иборалар, қолип-гаплар) билан

таништиришда олима Н.З.Умарова тавсия этган «Такдимот технологияси»дан фойдаланиш яхши самаралар беради. Бунда келажакда яратилажак электрон дарслик материали сифатида ушбу тил ҳодисаларини рус тилига қиёслаб тушунтириш, ишлатиладиган ўринлар, вазият ва ҳолатларни англаштириш, муомала одоби билан боғлаш мазмунидаги машқлар ҳавола қилиниши ўқитувчининг меҳнатини анча енгиллаштиради, ўқувчиларнинг янги билимларни англаш учун фикр доирасини етарли даражада кенгайтиради. Ушбу машқларни такдим этишда эса слайдлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқиш учун баъзан диалог матни намунаси ҳам такдим этилади. Ёшлар матндаги луқмани бир неча мартадан такрорлайдилар, яъни талаффузни машқ қиладилар. Дастлабки талаффуз кўникмалари ҳосил бўла бошлагандан кейингина қолип-гаплар, луқмалар устидаги бошқа иш турларига ўтиш мумкин.

Диалог намунасини ўқиш устидаги ишлар якунлангандан сўнг давоми нима бўлиши керак, деган савол туғилади. Албатта, оғзаки нутқда қўллаш машқига ўтиш лозим. Таъкидлаш зарурки, амалиётда кўп бажариладиган машқ тури – нукталар ўрнига тегишли қолип-гапни кўйиб ўқиш уни мустақамлашга ёрдам бериши мумкин. Лекин, эътироф этиш керакки, қолип-гапни эслаш, нукталар ўрнига кўйиб матнни ўқиш оғзаки нутқ эмас. Машқнинг оғзаки бажариладиган тури, яъни сўзлашув билан кечадиган тури кўпроқ асосий мақсадга мос келади. У ҳолда машқ қандай бўлиши керак? Юқорида айтганимиздек, оғзаки нутқ ўстириш тарзидаги машқ ўтказилиши даркор. Намуна асосида ўз диалогини яратиш, ўзаро сўзлашиш ана шундай машқ тури саналади.

А.Рафиев, Г.Муҳаммаджонова, Г.Зиёмухамедова муаллифлигида ёзилган «O‘zbek tili» дарслигида [65] баъзи намуналардаги луқмалар бир мавзунини давом эттирмайди. Масалан, 122-бетдаги 3-топширикда «Dialogni rollarga bo‘lib o‘qing va davom ettiring» деган топширик берилган:

- Қизим, почта қаерда?
- Нариги томонда, бувижон...
- Азиз, йўл қоидаларини биласанми?
- Албатта.

Биринчидан, бу ерда қолип-гаплар йўқ. Иккинчидан, бундай диалогни давом эттириш қийин, чунки нутқий вазият маълум қилинмаган.

«O‘zbek tili» дарсликлариди ролларга бўлиб ўқиш учун тавсия этилган диалог намуналари ҳар бир ижрочиға икки, нари борса уч лўқма айтиш учунгина имкон беради. Бундай кичик ҳажмли матнлар билан дастлабки нутқий мулоқот кўникмаларини ҳосил қилиш амри маҳол. Бизнингча, намуналарни, лўқмалар миқдорини кўпайтириш орқали тўйинтириш мақсадга мувофиқдир.

Х.Муҳиддинова, М.Юсупова, Н.Икромова, Г.Ақромовалар ҳаммуаллифлигида 8-синф учун ёзилган «O‘zbek tili» дарслигининг [56] 122-машқида диалогдаги бўш ўринларни тўлдириш, ролларга бўлиб ўқинг, деган вазифа берилган:

– *Кечирасиз, сиз шу рейс билан Нукусга учасизми?*

– *Ҳа, бир илтимосим бор эди: шу хатни бир дўстимга бериб қўйинг.*

– *Яхши, аммо уни танимайман-ку.*

Диалогда қолип-гаплар ва структураси ўрганиладиган гаплар аралаш ишлатилган. Бу ердаги «кечирасиз», «яхши» сўзлари қолип-гап, шаблон сўз-гаплар сирасига киради.

Бу каби бошланиши келтирилган диалог намуналарини мазмунига ўзгартишлар киритган ҳолда ижро этиш мумкин. Бунда рейс (училадиган томон) номи ва учмоқчи бўлиб турган кишидан қилинадиган илтимос ва ушбу илтимосга қайтариладиган жавоб, диалогнинг бирор лўқма билан давом этиши кўзда тутилиши мумкин. Дарсликда бўлмаган ҳолатларда ана шундай диалогик матн намуналарини тузиб чиқиш ўқитувчининг зиммасига юкланади.

Русийзабон ўқувчилар давлат тилида эркин фикр алмаша билишлари учун нутқларида автоматик ҳолда сақланадиган қолип-гаплардан фойдалана билишлари лозим. Бунинг учун куйидаги каби машқ турлари ва топшириқлар бажарилиши мақсадга мувофиқдир:

1) қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш;

2) аксинча, уларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш;

3) берилган нутқий вазиятга мос қолип-гапни айтиш, нукталар ўрнига қўйиш, кўчириш;

4) берилган изоҳлар асосида мос қолип-гапларни айтиш;

5) қолип-гап асосида тегишли нутқий вазиятни айтиш;

6) ўрганилган қолип-гаплардан фойдаланган ҳолда диалог тузиш ёки ўзаро сўзлашиш;

7) «Қолип-гаплар билимдони» ўйинини (мусобақасини) ўтказиш;

8) қолип-гаплар асосида диктант ёзиш;

9) берилган қолип-гапларни тўғри талаффуз қилиш (назорат машқи);

10) берилган мавзуда диалог шаклида ўзаро сўзлашиш, зарур ўринларда қолип-гаплар, шаблон сўз-гаплардан фойдаланиш.

I. Қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш талаб этиладиган машқларнинг аҳамияти шундаки, улар ўқувчиларда шундай луқмалар мазмунини тушунишга доир билимларни мустаҳкамлаш, ўзбекча қолип-гапларни, шаблон сўз-гапларни рус тилида ифодалашда сўзма-сўз қилинадиган таржима (ўғирмалар)дан фарқли ҳолатларда лексик ва грамматик қийинчиликларни бартараф этиш, икки-уч хил таржималардан рус халқи маданиятига мосини танлаш, баъзан бутунлай тафовутланадиган эквивалент ўғирмаларни амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш имконини беради.

II. Қолип-гапларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш учун бериладиган машқ материали сифатида дастлаб яқин 5-6 дарс мобайнида ўрганилган луқмаларни тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ўғирма чоғида ўқувчилар қолип-гапларнинг икки тиллик луғатини ёдга келтириш йўлини танлайдилар. Шунинг учун луқмаларнинг рус тилида турлича ифодаланиши эътиборга олинмайди.

Узоқ ўтилган қолип-гапларни таржима машқлари орқали такрорлашда аввал рус тилига сўзма-сўз таржима бериш мумкин бўлган жумлалар танлангани маъқул. Ўқувчилар ўзбекча сўзларни, сўз шаклларини рус тилида ифодалаш амалларини бажариш билангина машғул бўлишлари кутилади. Бунда қийинчилик чегараланган даражада бўлади.

Қолип-гапларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш катта таълим ва тарбиявий аҳамиятга эга. Айни пайтда ушбу

машқ тури ўқувчиларнинг билим савиясини вақти-вақти билан назоратдан ўтказиб туриш имконини ҳам беради. Гапларни рус тилидан ўрганилаётган тилга ўгириш жараёнида учрайдиган лексик ва грамматик хатоларнинг олдини олиш учун ўзбек маданияти, ўзбек халқига хос жиҳатлар эслатиб борилиши мумкин. Мазкур усулда машқнинг тарбиявий томони юзага чиқади.

Бу хилдаги машқларни ташкил этишда дидактиканинг осондан қийинга, икки тилда ўхшашдан фарқланишга қараб бориш каби тамойилларига амал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Иккала тилда қолип-гаплар лексик жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам мос келадиган ҳолатларда сўзма-сўз таржима қилиш усули танланиши мумкин. Ўзбек тилидаги қолип-гапларни рус тилига, русча ўгирмаларни яна ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилиш имконияти мавжуд бўлган ҳолатлар машқда осонлик туғдиради. Масалан: *Сог бўлинг. – Будьте здоровы. Ишлар қандай (қалай)? – Как дела? Сизга омад тилайман! – Желаю Вам удачи!*

Ўқувчи акс таржимада (русчадан ўзбекчага) гапда сўз тартиби билан боғлиқ қийинчиликка дуч келади, холос. У ўзбек тилида феъл-кесим гапнинг охирида келишини яхши билади. Шунинг учун бу масалада тўғри йўл тута олади.

Ўзбек тилидаги қолип-гапни ташкил этган икки сўздан бири рус тилида ўз луғавий маъносига мос ифодаси билан берилмай, бутунлай бошқа сўз орқали ўгирилса, ўқувчи лексик қийинчиликка рўпара келади. Масалан: *Соғлиқларинг яхшими? – Как твоё здоровье? Оқ йўл! – Доброго Вам пути (светлого пути).*

Ўқувчи акс таржимада как сўзини яхши, светлый сўзини оқ деб ўзбек тилида ифодалаш керак. Бунинг учун у баъзи қолип-гапларда ўзбекча сўз рус тилида бутунлай бошқа сўз билан берилиши мумкинлиги ҳақида маълумот олиб, шу каби гапларни русча ифодаси билан эслаб қолишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Қолип-гапдаги сўзларнинг иккаласи рус тилида бошқа-бошқа сўзлар билан ифодаланадиган ҳолатларда ўқувчилар яна ҳам қийинроқ вазиятга тушадилар. Масалан: *Яхши юрибсанми? – Как поживаешь? Отинг нима? – Как тебя зовут? Яхши ётиб туринг! Доброй ночи! Спокойной ночи!*

Лексик ёки грамматик жиҳатдан фарқли ҳолатларда тафовутланиш билан боғлиқ билимлар, ўзбек халқига хос миллий

жиҳатларни ўзлаштирган бўлиш талаб этилади. Ҳам лексик, ҳам грамматик томондан фарқланган ўзбекча қолип-гапларнинг рус тилидаги муқобил ифодасини ёд олдириш чорасини кўрган маъқул.

III. Нуқталар ўрнига қўйиш, кўчириш талаб этиладиган машқлар ўқувчиларда бирор сўзи эсга тушган қолип-гапнинг бошқа сўзларини ҳам ёдга келтириш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Масалан: ... *боринг!* ... *келибсиз!* ... *юрибсанми?* гапларида “*боринг*” сўзи “*яхши келибсиз*” сўзи “*хуш*” сўзини, “*юрибсанми*” сўзи “*яхши*” сўзини эслаш учун туртки, таянч вазифасини ўтайди. Бу ўринда сўзлар, тушунчалар ўртасидаги доимий алоқа, ассоциатив боғланиш ҳал қилувчи роль ўйнайди

Машқ учун 10 тадан қолип-гап тавсия этилгани маъқул. Бу нарса шунча гапли карточкалар тузиш учун имкон бериб, қатъий назорат олиб бориш имконини беради.

IV. Берилган нутқий вазиятга мос қолип-гапни айтиш;

Ўртоғинг касал бўлиб, соғайгач мактабга келди. Унга нима дейсан? (*Тузукмисан?*)

Транспортда кекса одамга жой беряпсиз, нима деб ўрнингиздан турасиз? (*Келинг, мана бу жойга ўтиринг*).

Уйингизга меҳмон келса, уни нима деб кутиб оласиз? (*Келинг, уйга киринг*)

V. Берилган изоҳлар асосида мос қолип-гапларни айтиш сўраладиган машқлар ҳам нутқий вазиятлар яратишнинг бир усули саналади. Масалан: «*Тузукмисан?*», «*Хорманг!*» Бундай машқлар унинг функционал моҳиятини тўлиқ англаб етиш учун хизмат қилади. Масалан, «*Яхши қолинг*» лукмаси қачон айтилади? Бу саволга ўқувчи кимдир узоқ йўлга отланса, уйда қолаётган яқин кишисига шу гап айтилади, деб жавоб беради.

«*Отинг нима?*» саволи қачон берилади?

Ўқувчи “икки суҳбатдош бир-бири билан танишмоқчи бўлса” айтилади дейди.

Албатта, рус тилида сўзловчи ўқувчи бирданига ўзбек тилида нутқий вазиятни таърифлаши қийин.

VI. Ўрганилган қолип-гаплардан фойдаланиб диалог тузиш ёки ўзаро сўзлашиш нутқий машқларнинг пировард натижалари ҳисобланади. Чунки қолип-гаплар, шаблон сўз-гаплар, иборалар

ёлғиз ҳолда эмас, аксарият ҳолатларда диалог шаклидаги матн таркибида, сўзлашувда ишлатилади.

VII. Дарсда ташкил этиладиган ўйинлар диалогик бирликларни нутқий вазиятлар билан боғлаб ўзлаштиришда, тегишли кўникма ва малакаларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Методист олима Х.Мухитдинова Е.И.Пассовнинг фикрларига таянган ҳолда шундай ёзади: «Машғулотлар пайтида шартли мулоқот вазиятини юзага келтириш учун, масалан, расм ёки видеолавҳаларни кўрсатиш ва ўзбек тилида унинг оғзаки ёки ёзма баёнини сўраш, ўйин машқларидан фойдаланиш, тақдирот дарсларини ташкил этиш, иш ўйинларидан фойдаланиш, яъни касбий мулоқот вазиятини ҳосил қилиш йўли билан ҳақиқий мулоқот шароитига анчагина яқинлашадиган шартли мулоқот шароитини яратиш мумкин» [51; 70-б.].

Г.Н.Солтовская ўйинни куйидаги каби 7 босқичдан иборат этиб ўтказишни маъқул кўради:

I. Ўйинга тайёргарлик: тил муҳитига хос психологик қулайлик вужудга келтириш (муסיқа жўрлигида кроссворд), вазифани ва баҳолаш мезонларини маълум қилиш.

II. Талаффуз машқи (разминка).

III. ... билимдонлари танлови.

IV. ... сардорлари танлови.

V. ... аукцион.

VI. ... лойиҳасини ҳимоя қилиш.

VII. Ўқувчилар нуқтаи назаридан яқун ясаш (энг ёққан ўринларнинг блиц-сўрови, камчиликларини таҳлил қилиш, ўйинли дарсларни бундан кейин ижодий ташкил этиш режаларини муҳокама қилиш) [73; 66-б.].

Ўйин характеридаги иш усуллари кўп: саҳналаштириш, ролли ва иш ўйинлари, викториналар, мусобақалар ва турли танловлар.

Ўйинлар роллар асосида ҳам ўтказилгани маъқул. Н.А.Ипполитова ролли ўйинларнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: «Ролли ўйин – чет тилда саҳналаштириш болаларга зарур сўзларни ва ибораларни ўзлаштириш, оҳангни машқ қилиш имконини беради, бола нутқининг образли ифодалилигини ривожлантириш имконини беради. Болалар ўйнар эканлар, ўз фантазияларини намоён эта оладилар, уларнинг шахси камол

топади, ижодий имкониятлари ривожланади. Бола одамлар орасидаги ўзаро муносабатларни чуқур англай бошлайди. Станциялар бўйича ўргатиш – мухтор таълим шаклларида бири, шахсиятли-фаолиятли методикадаги мотивацияни ошириш методи. Бу ўқувчиларнинг эркин ишлаш шакли, унинг жараёнида чет тил материали мустаҳкамланади, чуқурлашади ва такомиллашади. Ушбу методнинг асосий шарти – ўқув ўйинли фаолият натижалари бўлиб, бола ҳар бир бажарилган топшириқдан сўнг ўзини ўзи текширади ва бегунокка балларни, баҳоларни киритади (ҳар бир топшириқ юзасидан калитлар мавжуд бўлади)» [22; 7-б.].

«Қолип-гаплар билимдони» ўйинини (мусобақасини) ўтказиш. «*Йўл-йўлакай суҳбат*» ўйинида бошловчининг қўлига бир неча мавзу рўйхати (масалан, «Меҳмон кутиш», «Меҳмонга бориш» ва б.) бериб қўйилади; у мавзулардан бирини маълум қилиб, навбатма-навбат ҳар бир қатнашчига юзланади, бу қатнашчи мавзу бўйича ўзи билган қолип-гапларни айтади: «*Хуш келибсиз*», «*Хуш кўрдик*», «*Омон бўлинг*», «*Қулогим сизда*». Тилга олинмаган қолип-гапларни эслаш кейинги ўқувчидан сўралади. Жавоб қолип-гапини айтолмаган ўқувчи ўйиндан чиқади. Бошқалардан кўра кўпроқ этикет сўзларни айта олгани ғолиб бўлади.

«*Сергак бўл*» усулида ўйин шартлари турлича бўлади. Масалан, бошқарувчи хаттахта ёнида турган ўқувчиларга диалог матнини диққат билан кўриб чиқишни ва қайси ўринда қандай қолип-гап борлигини эслаб қолишни таклиф қилади. Сўнгра синф ўқувчилари томон ўгирилишни айтгач, қолип-гапларнинг ўрнини алмаштириб кўяди. Ўқувчилар уларни ўз жойига тиклаб қўйишлари керак бўлади. Хаттахта ёнида турган икки (уч ёки тўрт) ўқувчидан қай бири вазифани тўғри бажарса, у ғолиб саналади. Ўйин қолип-гапларнинг ўрнини эслаб қолиб ёки матндаги луқмаларга таяниб тиклаш орқали («*Айланай*», «*Баракалла*», «*Яхши қолинг*») маттни ўзлаштириш имконини беради.

VIII. Қолип-гаплар асосида турли хил таълимий ва назорат типидagi диктантлар ёздирилади.

IX. Берилган қолип-гаплар асосида тўғри талаффуз қилиш, рус тилига ўгириш, бирор нутқий вазиятга мосини танлаш ва бошқа шу каби назорат машқлари ўтказилади.

Н.В.Ладиженская ўқувчиларга юбилей, битирув кечаси, мактаб байрами ва ҳ.к. муносабати билан мақтов сўзларини

ўргатишда, болалар мактаб бўйича, мактаб музейига, шаҳарнинг эътиборли жойларига ва ҳ.к.ларга саёҳат қилганда саёҳат билан боғлиқ нутқни ўстиришда экскурсиядан фойдаланиш йўллари ҳақида ўз тавсияларини баён қилади:

«Келинлар, хитоб қилайлик, бир-биримизга қойил қолайлик. Баландпарвоз сўзлардан кўрқмайлик. Келинлар, бир-биримизга яхши сўзлар билан гап ташлайлик. Ахир буларнинг ҳаммаси бахтиёр онларни ифода этади-ку! Келинлар, қайғуга чўмайлик ва очиқчасига йиглайлик» [38; 29-33-б.].

У қуйидаги саволларни ҳавола қилади:

Қайси нутқий жанрда баландпарвоз сўзлардан кўрқиш керак эмас?

Мақтов сўзи бир-бирига гап отишдан нимаси билан фарк қилади?

Сиз қайси вазиятларда мақтов сўзини айта олдингиз? [28; 31-б.].

Педагогика фанлари доктори профессор С.В.Юртаев «Со-держания языкового образования и речевого развития» номли илмий мақоласида қабул қилинган маълумотларни хотирада ушлаб қолиш қобиляти, уларни сақлаш, жавоб рефлексияси болаларнинг мурожаат нутқини ўзлаштириш базаси сифатида вужудга келади, деган фикрни илгари суради [92; 22-б.].

Муаллифнинг фикрича, эслаб қолиш устидаги ишлар қуйи-даги турдаги фаолият усуллариини ўзлаштиришни кўзда тутати: сўзларнинг лексик маъносини тушуниш; қабул қилинаётган ахборотни ҳаёт тажрибасида мавжуд бўлган ахборот билан мослаш; умумлаштирувчи характердаги маълумотларни янги ахборот маълумотларига айланттириш; диққатни тўплаш, жавоб бера билишга тайёрланиш [92; 22-б.].

Гапирганда киши онгида нутқни ифодалашга доир режа ишга тушади.

Фикрни ифодалашда у кимга мўлжалланганлиги, қайси нутқий вазиятда ўринга эга бўлишини ҳисобга олади. Бундай сўзларни танлаш улар маъносининг эмоционал-экспрессив бўёғига боғлиқ бўлади. Мактабда жумлалар мазмуни, турлари, типлари ўқитувчи томонидан буюрилади. Ўқитувчи нутқий ҳаракатларга чақиради. У болаларнинг диалогларда қатнашишларига, ахборот беришга, даракни тузишга, тавсифлаш, муҳокама

элементларини ишлатишларига ҳаракат қилади. У орфоэпик меъёрларга амал қилиш, адресатга хушмуоамалалик билан мурожаат қилишга ўргатади. Сўзлар, нутқий этикет, матн ҳақидаги билимларни тўғри талаффуз қилиш асосан бу ҳақидаги тасавурлар орқали олиб борилади.

Мулоқотда унинг қайси воситалари ишлатилишига қараб маданиятли шахснинг сифатлари кўзга ташланади: тўғрилиқ, ифодалилиқ, нутқнинг аниқлиги, хушмуомалалиги белгиланади.

М.А.Хетай «К вопросу обучения русскому языку по речевым моделям в узбекской школе» методик қўлланмасида: «Атрофдаги шароит ҳақидаги суҳбат, расм асосидаги суҳбат ва бошқалар диалогик нутқ вазиятчилигининг кўرғазмали бўлиш шакли ҳисобланади. Нутқий вазият ўрганилаётган адабий асарлардан сунъий ўйналган вазиятлар, ўқувчилар ҳаётидаги далиллар имитацияси асосида яратилиши мумкин», дейди.

Ю.Н.Абдуллаев, А.М.Бушуй «Краткая история развития методики обучения иностранным языкам: от постановки чтения к речевому общению» қўлланмасида [1] таъкидлашларича, «Психологлар тилшуносликдаги ўқувчиларнинг қизиқишлари ва интилишларига қарши борган ҳолда тилни ўргатиб бўлмайди, деган фикрига мувофиқ шундай хулосага келдиларки, уларда мавжуд бўлган перцепция ва таҳлил тажрибаси янги вазиятларга ўтади. Нутқий мулоқотга ўргатиш она тилининг предметли интерференцияси билан боғлиқ. Магазинда, почтада, вокзал ва бошқа жойдаги нутқий хулққа ўргатаётганда таълим олувчилар бу вазиятларга мувофиқ хорижий тил ҳодисаларини ҳам ўзлаштиришлари зарур. Улар шулар билан боғлиқ ҳолда таъкидлайдиларки, «Тил – маданият белгиси, у алоҳида маданият доирасида амал қилади. Биз бу маданиятнинг ўзига хосликлари билан, бу маданият тилининг вазифалари билан таниш бўлишимиз керак» [1; 43-6].

Қолип-гаплар устида ташкил этиладиган талаффуздан тортиб қўллашгача бўлган иш турларининг деярли барчасида муомала одоби қоидалари таъкидлаб борилади. Бундай билимлар мулоқотни жонлантирибгина қолмай, ушбу жараёнда суҳбатдошларнинг диалог шаклида сўзлашув чоғида ўзини тутиши, бир-бирига тавозе кўрсатиши, одоб-ахлоқ доирасида бир-бирига қиладиган мурожаат шакллари ўз ичига қамраб олиб, реал ҳаётдаги мулоқотга

яқинлашади. Уни эгаллаган ўқувчиларнинг шарқона нутқий мулоқот маданияти ривож топади, ёшлар турмушда ўзбек тилидаги диалог шаклидаги сўзлашувда юзага келадиган нутқий вазиятларга етарли тайёргарлик кўрган бўладилар. Зеро, жамиятда суҳбатдошлар бир-бирларининг ижтимоий мавқеларини, бир-бирларига бўлган муносабатларини ақс эттириб мурожаат этишлари, буларни нутқий ва нутқий бўлмаган мулоқот унсурлари орқали ифода қилишлари даркор. Шахснинг жамиятда тутган ўрни, мавқенининг сўзлашувга таъсирини А.Қахҳорнинг «Ўғри» ҳикоясидан яққол кўриш мумкин.

Дарсликлар таҳлилидан маълум бўлган эдики, нутқий мулоқот одобига оид билимлар 7-синфда учта ўқув матнида ўз аксини топган. Лекин муомала одобига доир қоидаларни қуйи синфлардан бошлаб ўргатмасликнинг сира иложи йўқ. Масалан, нутқий мулоқот билимларидан бўлмиш *сен* ва *сиз* сўзларини 2–4-синф ўқувчилари ўзбек болаларининг ўзидан катталарга (акалари, опалари, ота-онасига) «сизлаб» мурожаат қилишларини ҳар куни кўришади ва эшитишади ва бу ҳолдан ажабланишлари табиий. Уларнинг кўнглида туғиладиган саволларга ўзбек тили ўқитувчиси изоҳ бериб ўтса, кўпинча шунинг ўзи кифоя қилади. Амалиётда ҳам у шундай йўл тутади: 2-синфданок буни болаларга маълум қилади.

Таърибалар шуни кўрсатадики, нутқий ва нутқий бўлмаган мулоқот одобини ўқувчиларга тушунтириб, уларнинг хулқ-атвориغا сингдириш юзасидан олиб бориладиган ишлар баъзан осон кечадиган, баъзан эса бирмунча мураккаб жараёнларни ифода этади. Масалан, 2-синф ўқувчилари *сен* ва *сиз* ҳақидаги тушунтиришларни осон қабул қиладилар. Ўқитувчи ҳар сафар нутқий мулоқот одобига доир бирор янги билим беришга киришар экан, ишни пухта лойиҳалаштириб олишдан бошлаши керак.

Дастлабки дарсда таништириш-кўрсатиш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу методни ёлғиз эмас, қиёслаш усули билан бақамти қўллаш керак. Шу мақсадда ўқитувчи «Ўзбек тили» дарсликларида кенг ишлатиладиган намуна вариантыга мурожаат этади. Чунончи:

–Ада, сиз бугун ишга борасизми?

–Ҳа, бораман.

–Ваё, сен коптокни топдингми?

—*Ха, топдим.*

Намуна ўқувчиларга дабдурустдан ўқитилмайди. (Биз шу ўринда дарсликлардаги бу каби машқларни баъжариш ишларини ташкил этишни фарқлантирдик.) Ўқитувчи ўқувчиларга: «Ўйдагилар билан қандай сўзлашган бўлардингиз? Масалан, адангиз ишга бориш-бормаслиги, укангиз ёки синглингиз коптокни топган-топмаганлигини нима деб сўрайсиз?» — деб рус тилида нутқий вазиятни маълум қилиб, шу суҳбатни юзага келтиришни топширади. Болалар:

—*Папа, ты пойдешь сегодня на работу?*

—*Да, пойду.*

—*Валя, ты нашла мяч?*

—*Да, нашла.*

Ана шундан кейин ўзбек тилидаги намуна ўқитилади ва *сен* ва *сиз* сўзларининг ишлатилиши рус тилидагидан нимаси билан фарқ қилаётгани сўралади. Бундай саволлар ўқувчиларни фикрлашга, икки тил ҳодисасини таққослаш ва тадқиқ этишга ундайди.

Шундай билимлар борки, улар тезда уқиб олинади. *Сен* ва *сиз* ҳақидаги билим шулар жумласидандир. Лекин нутқий мулоқот одобига доир айрим билимларни бу тарзда ўргатиш етарли эмас: уларни вақти-вақти билан мустаҳкамлаш ва такрорлаб бориш зарур бўлади.

Қийинроқ ўзлашадиган билимларни мустаҳкамлашда лексик ва грамматик машқлар, масалан, нуқталар ўрнига керакли сўз ёки иборани қўйиб ўқиш ҳамда кўчириш, намуна асосида диалогик матн тузиш каби машқ турлари ўқувчиларни реал ҳаётий мулоқотга етарлича тайёрлай олмайди. Чунки турмушда луқмалар шунчаки бўйруқ-истак, сўроқ ва дарак гаплар оҳангида эмас, балки алоҳида оҳанг жилолари билан айтилади, тавозе ҳаракатлари билан қўшиб адо этилади. Юқоридаги машқ турларида ана шу жиҳатлар эътибордан четда қолади. Бу ўринда ролларни ижро этиш билан боғлиқ машқларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган бўлардик.

«**Интеллектуал ринг**» ўқитувчи томонидан муомала одобига доир берилган саволларга ўқувчиларнинг кетма-кет, тартибли жавоб беришлари.

3.3. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларга диалог шаклида ўзаро сўзлашнишни ўргатишга доир машқлар тизими

Монографиянинг ушбу параграфида дарсда диалогик машқни ташкил этиш шарт-шароитлари, ўқувчиларга, шунингдек, ўқитувчига қўйиладиган талаблар, ўқувчиларнинг бевосита диалогик нутқини ўстириш, ўзаро сўзлашувларини ташкил этиш жараёни ва бунда бажарилиши лозим бўлган машқлар ҳақида сўз юритамиз. Бундай машқлар нутқий кўникма ва малакаларнинг шаклланиш босқичини ифода этиб, ёшларни ҳаётга, унда юз берадиган нутқий мулоқотга тайёрлаш вазифасини бажариб, маълум тил бирликларини фаоллаштириш билан тавсифланувчи таълим-тарбия ишларининг якуний натижаси ва самарасини намоён қилади.

Г.В.Рогова, И.Н.Верещчагиналарнинг таъкидлашларича, иккинчи тилни ўрганишда уч хил фаолликни ўзаро фарқлаш керак: интеллектуал, эмоционал ва нутқий фаоллик [68; 66-б.]. Ўзаро сўзлашув жараёнидаги фаоллик кўпроқ нутқий саналиб, у шу жараённинг қандай ташкил этилишига боғлиқ.

Диалогик машққа тайёргарлик кўриш, уни уюштириш жараёнида ҳисобга олиш зарур бўлган масалалар сирасига, биринчи навбатда, сўзлашув ўтадиган шарт-шароитни белгилаб олиш киради. Айни ўзаро сўзлашув ташкил қилинадиган шарт-шароитлар таълим самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

I. Ўзаро сўзлашув чоғида ҳисобга олинishi лозим бўлган шартлар, шароитлар, ҳолатлар.

Дарсда ўқувчиларнинг диалог шаклидаги мулоқотини уюштириш энг мураккаб жараёнлар жумласига киради. Бунда ёшларнинг ушбу иш турига қизиқиш билан муносабатда бўлишларини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Бу эса ўқитувчининг дарсга кўрадиган ҳозирлиги, бунда ҳал қилиб олиши лозим бўлган вазифаларига боғлиқ. Чунончи:

- 1) синф ўқувчиларининг ўзбек тилида мустақил равишда гап тузиш малакаларининг қай савияда эканлигига эътибор бериши;
- 2) ўзаро суҳбатлашадиган жуфтларни танлаши;
- 3) хато қилишим мумкин деб ўзбек тилида гапиришдан ийманадиган ўқувчиларни алоҳида ҳисобга олиши;

- 4) суҳбатдошларнинг мулоқотдан кўзлаган мақсадлари, кизиқиш ва фаолликларини назарда тутиши;
- 5) диалогнинг боришини чамалаб, лойиҳалаши;
- 6) диалог содир бўладиган шарт-шароитларни ҳисобга олиши;
- 7) уюштириладиган диалогнинг уни ўстиришга доир машқлар тизимидаги тутган ўрнини кўзда тутиш;
- 8) кўрсатмалиликни таъминлаш;
- 9) инновацион иш усулларини жалб этиш.

Маълумки, ҳаётда суҳбатдошларнинг кизиқишлари ҳар хил бўлади. Бирини ундан-бундан гапириб, мулоқотга тортиш осон бўлса, бошқасини гапга солиш қийинроқ; бирига ўзингиз яхши кўрган нарсалар ҳақида гапирган гапларингиз маъқул келса, иккинчиси бундай гапларни ёқтирмайди. Бири суҳбатингиздан мамнун бўлса, иккинчисига ҳар қандай гап малол келади. Демак, мулоқот жараёни таълим ва тарбия нуқтаи назаридан самарадор бўлиши учун ўзбек тилининг қонун-қоидаларини билишдан ташқари, суҳбатдошининг гаплашишга мойил ёки мойил эмаслиги, муносабатини ҳисобга олиш, умуман айтганда, ахлоқий жиҳатларини, тил эгаларининг миллий анъаналари, қадриятлари, кизиқишлари, муаммолари, ўзига хосликларини ҳам тушуниш, ҳис-туйғуларини имкон қадар англаш талаб қилинади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, тўғри уюштирилган суҳбатлар мазмунли ва кизиқарли бўлиши табиий.

Баъзи ўқувчилар ўзларини суҳбатдошларидан ақлироқ, гапга чечанроқ деб билиб, мулоқот чоғида кўпроқ фаоллашиб кетадилар. Ўзаро сўзлашувни ташкил этиш чоғида ўқитувчи бундайларни огоҳлантириб, суҳбатдошини ҳурмат қилиб, унинг лўқмасини сабр билан кутиши кераклигини таъкидлаб туради. Шу тариқа у мулоқотнинг ўзаро тенгликда ўтиши кераклигига эътибор беради. Бошқача айтганда, синфдошларнинг бир-бирларининг шахсини тенг кўришларини талаб қилиши жоиз. Чунки ҳар бири ўз диалогик нутқини ўстиришга ҳақлидир. Айни пайтда суҳбатдошлар ўз туйғуларини жиловлашга, бир-бирларини қўллаб-қувватлашга интилишлари ҳам лозим.

Методист олима Э.А.Аъзамхўжаева суҳбатдошларнинг ўзаро мулоқотга киришишларидаги қийинчиликлар бевосита қуйидаги

амалий ва ҳаётий вазиятлар сабабли вужудга келади, деб ҳисоблайди:

- 1) у ёки бу нарсани таъқиқлаш;
- 2) қизиқишлардаги карама-қаршилиқ;
- 3) катталарнинг тарбияланувчиларга билдирган эътирозлари;
- 4) ўз атрофидаги одамларни айбдор қилишга интилиш;
- 5) тенгдошларининг уни ёмонлашлари;
- 6) ўз айбига иқрор бўлишни хоҳламаслик ва бошқалар [8; 10-б.].

Ўқувчилар кўпинча хато талаффуз қилишдан, сўзларни нотўғри ишлатишдан, бирор луқмани эслай олмасликдан, нотўғри сўраб қўйишдан, суҳбатдоши айтган гапларни тушунмай қолишдан, айрим луқмаларни ёд олиб улгурмаганлиги сабабли фикрни чала айтишдан ҳадиқда бўладилар. Ўзбек тили дарсларида таъқиқлар асосан суҳбатдошига кўрслик қилмаслик, қўлини паҳса қилиб гапирмаслик, суҳбатдошини унутиб четга қарайвермаслик кабилар билан ифодаланади.

Суҳбатдошларни танлашда уларнинг ўзаро мулоқотдан кўзлаган мақсадларидан келиб чиқадиган қизиқишларини назарда тутиш лозим. Ўзбек тилини яхши ўзлаштирадиган, озми-кўпми мустақил равишда гап тузиб, фикр билдира оладиган ўқувчи суҳбатдошининг шахсини билиб олишга қизиқади. Диалог намунасини ёд олиб мулоқотга киришган ўқувчи эса луқмаларни айта олиш ҳақида, ўқитувчидан унга берадиган баҳосини эшитишга қизиқади.

Шунингдек, бу қийинчиликлар, аввало, ўқувчиларнинг ўзбек тилида мустақил гап туза олиш-олмаслигида намоён бўлса, қолаверса, диалогик луқмаларни муомала одоби қоидаларига риоя қилиб қандай айтилаётганини англаш ёки айтишда кўринади, ниҳоят, суҳбатдошининг талаффузидан у айтаётган гаплар, қолип-гаплар мазмунини тўғри тушунишда ўз ифодасини топади. Айниқса, турли ҳис-туйғулар билан берилган савол ёки қайтарилган жавобдан, ўзаро алмашилаётган турли маъно-мазмундаги луқмалардан шу туйғуларни тўғри қабул қилиш ҳам муайян мушкулликлар келтириб чиқаради.

И.В.Тивикова таъкидлаганидек, диалогик нутқ нутқий фаолиятнинг мураккаброқ кўринишларидан бири сифатида куйидаги тавсифга эга:

– диалогнинг бориши бехосдан, олдиндан айтиб бўлмай-диган тарзда юз бериши;

– нутқнинг субъектив-баҳо берувчи бўёғи орқали намоён бўладиган эмоционаллик ва экспрессивлик;

– икки бўлакли бирликларнинг (савол – жавоб, савол – акс савол, хабар – суҳбатни илиб кетиш луқмаси, таклиф – розилик / рози бўлмаслик /, ажабланиш ва шу кабилар) мавжудлиги [40; 27-б.].

Мулоқотга киришгина эмас, балки луқмаларни айтиш оҳанги ҳам муайян қийинчилик туғдириб, диалогик нутқ ўстириш вазифалари кўламини яна ҳам кенгайтиради. Н.Б.Шешконинг «Риторика» китобида нутқий этикетнинг (муомала одобининг) куйидаги функциялари ажратилади:

1. Алоқа (контакт) ўрнатиш функцияси – бунда суҳбатдош билан мулоқотга киришиш учун муносабатларни яхшилаш лозим.

2. Хушмуомалалик функцияси – «сен» ёки «сиз» шакларини танлаш, исми ва фамилияси билан чақириш, мурожаат қилиш.

3. Тартибга солиш (регулятив) функцияси – у ёки бу формулани танлашнинг бошқарилиши.

4. Таъсир кўрсатиш функцияси – илтимос қилиш, кечирим сўраш формулаларида намоён бўлади.

5. Ундаш функцияси – бу, айниқса, мурожаат вазиятида яққол кўринади.

6. Эмоционал-экспрессив функция – мурожаат оҳангини тўғри қўллаш, таъқиқлаш бўёқларидан ҳоли қилиш [91; 97-б.].

Муаллифнинг фикрича, нутқий этикет учун агрессия бутунлай ётдир. Агрессия суҳбатдошда кўркув ҳиссини пайдо қилади. Агар айтилаётган гаплар болага ёқмаса, кўркса, унда салбий эмоционал кечинмалар уйғонади.

Бу ўринда ўқувчини қўполлик, кўрслик қилмасликка, хушмуомалалилик ва самимийликка ундаш муҳим роль ўйнайди. Муомала одоби қоидалари сўз шаклини танлаш ишида асосий дастуриламал ҳисобланади. Ижтимоий муносабатлар ҳам шу қоидалар асосида ҳисобга олинади.

Н.А.Ипполитованинг таъкидлашича, ҳар қандай мулоқот ахлоқий (этик) меъёрларга асосланади. У тарбия топганликда ўз ифодасини топади.

Қуйидаги одоб-ахлоқ тамойилларга риоя қилиш лозим деб ҳисоблайди:

1) одамлар сенинг ўзинг билан қандай муносабатда бўлишларини истасанг, улар билан шундай муносабатда бўл;

2) хушмуомала бўл, ўзгаларнинг манфаатларига риоя қил, бошқаларни ёмонлама, камтар бўл, олижаноблик кўрсат;

3) сўз билан эҳтиёт бўлиб муомала қил (сухбатдошни ҳафа қиладиган сўзларни четлаб ўт);

4) айтадиган гапингни пухта ўйлаб ол, аниқ, ростгўй бўл;

5) айтганларингни (ёзганларингни) муомала одобига риоя қилиш нуктаи назаридан таҳлил қилиб бор [22; 7-б.].

Мақтов вазияти кам стандартлашган [22; 9-б.].

Е.А.Исаковичнинг фикрича, биргаликдаги фаолият шароитларида диалогик ўзаро таъсирни ташкил этиш жараёнлари шахсининггина эмас, балки одамнинг индивидлиги ва шахсиятли подструктуралар ижтимоийлашуви билан юз беради. Тахмин қилиш мумкинки, диалогик ўзаро таъсирни ташкил этиш жараёни биргаликдаги фаолият шароитларида содир бўлади, буни Л.И.Уманскийнинг таснифига кўра биргаликдаги ўзаро таъсирдаги фаолият деб белгилаш мумкин. Уни амалга оширишда умумий вазифа гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ва гуруҳнинг барча аъзолари билан бевосита (ва бир вақтдаги) ўзаро таъсирда бажарилади [23; 9-б.].

Диалогик ўзаро таъсир жараёнини ташкил этиш биргаликдаги ўқув фаолиятидагина эмас, балки қуйидагилар хос бўлган фаолият шарт-шароитларида содир бўлади:

1) шериклар ўртасида улар ўзаро таъсирининг ҳар бир айрим онда туғиладиган субъектив ҳис-туйғулар ва сезгиларни ифодалашдаги *табиийлик (спонтанный)*;

2) бошқа одамларга ва ўз-ўзига нисбатан *шаксиз ижобий (позитив) муносабат*, ўзгаларга ғамхўрлик қилиш ва уларни мулоқотда тенг ҳуқуқли шерик деб қабул қилиш;

3) импатик тушуниш, бошқа одам билан шахслараро алоқа давомида унинг ҳис-туйғулари, кайфияти, фикр-ўйларига нозик ва мос тарзда ҳамдардлик кўрсата билиш. [23; 10-б.].

Т.И.Вострикованинг таъкидлашича, педагогик диалог савол бериш ва жавоб қайтаришни, маъқуллаш ва мақтаб қўйишни, танбеҳ беришни ва бошқа шу кабиларни ўз ичига олади; ўқитувчи тушунтиради, уй вазифасини сўрайди ва ҳ.к. тадбирларни амалга ошириб, ўқувчилар билан дарс давомида мулоқотда бўлади [14; 6-б.]. Муаллимнинг нутқи болаларга ибрат бўла оладиган даражада бўлиши керак.

О.М.Орлов меҳнат фаолияти (иш) юзасидан олиб бориладиган мулоқот (сухбат) ҳақида гапириб, унинг ишга қабул қилиш чоғидаги сухбат, ишдан бўшаш пайтидаги сухбат, интизом билан боғлиқ сухбат, касбий фаолият билан боғлиқ айрим муаммоларни муҳокама қилиш кабиларни ажратади [55]. Шубҳасиз, ўзбек тили дарсларида ҳам дарс жараёни ўзига хос мулоқот шаклларида фойдаланиш имконини беради.

Қолип-гапларга оид БКМлар ҳам, муомала одобига доир БКМлар ҳам диалогик матн намуналари орқали нутқда реаллашади, ўзаро сўзлашув машқлари ёрдамида нутққа олиб кирилади, фаоллаштирилади. Муомала одобига оид қоидалар ўқитувчининг баёни, тушунтиришлари, дарсликдаги ўқув матнлари асосида англатилса-да, диалог намуналари орқали ўзлаштирилади. Шунга кўра дастлаб диалогик нутқ ўстириш метод ва усуллари танилашда ана шулар билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқиш зарурияти туғилади.

Эслатиш жоизки, лисоний БКМлар, одатда, амалиётда мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш асносида ўқувчиларнинг мулоқот олиб бориш учун лексик таъминот бўла оладиган сўз бойлигини ҳосил қилиш, уларга мустақил равишда гап тузишни ўргатиш, қолип-гапларни ёд олдириш, муомала одоби қоидалари билан таништириш йўли билан шакллантирилади. Методик адабиётларда луғат ишини ташкил этиш масалалари кенг ёритилган. Асосий муаммо ўқувчиларни ўзбек тилида луқмалар тузиб, нутқ шароити ва нутқий вазиятдан келиб чиқиб ўзаро сўзлашишларини таъминлашда намоён бўлади. Методист олим Р.Йўлдошевнинг фикрича, «Ўзбек тили дарсларида русийзабон ўқувчиларга диалогик шаклда ўзаро сўзлашишни ўргатиш ишлари тайёр савол-жавобларни ёд олдиришдан иборат бўлмаслиги керак. Чунки турғун иборадай бўлиб қолган қолип-гапларни мустасно этганда аксарият луқмалар мустақил равишда

гап тузиб айтиш имконини беради» [30; 64-б.]. Русийзабон ўқувчиларга ўзбек тилида мустақил равишда гап тузишни ўргатиш методикаси Р.А.Йўлдошевнинг 2012 йилги монографиясида [31] муфассал ишлаб чиқилган. (Шуни назарда тутиб биз ўқувчиларга луқмалар тузишни ўргатиш масаласига махсус тўхталишни лозим топмадик.)

Р.Йўлдошев ўз монографиясида қолип-гапларни рус тилига таржима қилиб тушунтириш, қайси нутқий вазиятларда ишлатилишини изоҳлаш, уларни мустаҳкамлаш (диалог намунаси асосида унга айрим ўзгартишлар киритган ҳолда ўзаро сўзлашиш) билан чекланмайдиган иш кўламини белгилаб беради, чунончи, у ўқувчиларга ўзаро диалог шаклида сўзлашишни ўргатишда ўқитувчининг олдида турган таълим вазифаларини шундай санаб кўрсатади:

1. Ўқувчиларга ўзаро сўзлашиш тартибини ўргатиш.
2. Қуйи синфларда ўқувчиларни диалог намунаси билан таништиргач, уни ўз ҳаёти билан боғлаб айрим ўзгаришлар киритган ҳолда ижро этиш.
3. Қолип-гаплар билан изчил таништира бориш, уларнинг қай вазиятларда қўлланишига изоҳ берган ҳолда нутқига сингдириш.
4. Лойиҳа сифатида тайёрлаб келинган диалогни дарсда юзага келтириш.
5. Нутқий вазиятлар яратиш йўли билан ўқувчиларнинг типик мулоқот мавзуларида эркин сўзлашувларини ташкил этиш [31; 71-б.].

Муаллиф *диалогик луқмаларнинг ишлатилиш тартибини ўргатиш* муҳимлигини таъкидлаб, шундай дейди: «ўқувчилар савол-жавоб тартибида ўзаро «суҳбатлашиш»да тартиб билан боғлиқ қийинчиликни ҳис этмасалар, савол - жавоб, акс савол тартибида сўзлашишда тартибни унутишдан иборат қийинчиликка дуч келадилар: баъзан жавобдан сўнг ўзлари савол беришлари кераклигини эсдан чиқарадилар» [31;71-б.]. Муаллиф маслаҳатларини давом эттириб, буни «Энди сен сўра», деб эслатиб туриш, шу йўл билан *мулоқотнинг жонлилигини таъминлаш зарурлигини*, бунинг учун ўқувчилардан ўз суҳбатдошига қараган ҳолда (баъзан исмини айтиб) савол бериш ва жавоб қайтаришни талаб этиш маъқуллигини уқтиради [31; 72-б.]. Унинг фикрича,

диалог пайтида савол билан жавоб ўргасида, умуман, луқмалар оралиғида узоқ тўхташлар, катта-катта узилишлар бўлмаслиги лозим. Ўқитувчи суҳбат жараёнида жавобнинг иложи борича тез айтилишини талаб қилади, тез жавоб қайтарганларни рағбатлантириб туради [31; 72-б.].


Бу энди суҳбатдошлар фаоллиги масаласи билан боғланади. Лекин асосий муаммо қолип-гапларни, шунингдек, муомала одоби қоидаларини ўргатиш, диалогик матн намуналари асосида ёки уларсиз ўзаро сўзлашув машқларини ташкил этиш, умумлаштириб айтганда, ёшларнинг нутқий мулоқот маданиятини шакллантиришдан иборат бўлиб қолаверади.

Маълум бўладики, ўқувчиларнинг диалог шаклида ўзаро сўзлашувини ташкил этиш жараёни мураккаб бўлиб, ўқитувчидан алоҳида маҳорат талаб этади. Савол-жавобнинг ташкилий жиҳатларигина эмас, ҳатто намунани тушунишнинг ўзи жиддий эътиборни талаб қилади. Р.Х.Абубакированинг таъкидлашича, диалогик нутқ ўстириш суҳбатдошларнинг бири гапириши, иккинчиси нутқни тинглаб тушуниши билан боғлиқ нутқий фаолият кўрсатгани учун психологик жиҳатдан муайян қийинчиликлар туғдиради [2; 3-б.]. Бу қийинчиликларнинг бир жиҳати сўзлашиш учун суҳбатдошлардан бири гапирганда, иккинчиси у айтган сўзларни хотирасида ушлаб туриши ва жавоб қайтариш ҳақида ўйлаши кераклиғида, яна бир жиҳати тингловчи суҳбатдоши берган ахборотни ўзидаги ахборот билан солиштириш асосида янгиликларни ажратиши лозим бўлишида [92; 22-б.]. Тингловчи ўзида мулоқотга тайёрлик ҳис қилиши керак. Шунда унинг диққати нутқни тинглаб тушуниш ва гапиришга тўлиқ сафарбар қилинади. Сўзловчи кимга нима дейишни, вазиятни ўйлайди.

Методика илмида ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш мақсадида фойдаланиладиган машқлар тизими умумий тарзда ишлаб чиқилган. Хорижда иккинчи тилни ўқитиш методикасида бу масалалар бирмунча кенгроқ, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўқувчиларга ўзбек тили ўқитиш илмида ўзаро сўзлашувни ўргатиш торроқ доирада ишлаб чиқилган. Бунда асосан диалогик матн намуналарига кўпроқ, муомала одоби қоидаларини сингдиришга жуда кам эътибор берилган.

Ўзбек тилининг ўзига хослиги чет тилларни ўқитишнинг хусусий методикасига доир тавсиялардан тўғридан-тўғри

фойдаланиш имконини бермайди. Чунки лўқмаларни мустикал равишда тузиб айтиш, қолип-гапларни ўринли ишлатиш таълим шарт-шароитлари билан боғлиқ, амалдаги дарсликлар берадиган имкониятлар жиҳатидан ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун ҳам диалогик нутқ ўстиришга қаратилган машқлар тизими ҳам ўзига хос бўлиши, муайян изчиллик таъминланиши керак. Ушбу изчиликни куйидаги чизма орқали яққол ифодалаш мумкин:



3.1- расм. Диалогик нутқ ўстириш машқлари динамикасининг гипотетик модели.

Бизнингча, гипотетик моделда кўзда тутилган ҳар бир босқич асосида куйидаги мазмунда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

I. Ўқувчиларга ўзбек тилида мустикал равишда турли қолипдаги гапларни тузишни ўратиш

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, русийзабон ўқувчилар ўзбек тилида мустикал равишда гап туза олишмаса, улар диалогик лўқмалар туза билмайдилар; қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қила олмасалар, уларнинг мазмунини билмаганлик сабабли, табиийки, нутқда ишлатмайдилар, демак, эркин равишда диалог туза олмайдилар. Шунинг учун қолип-гапларни онгли ўзлаштириш диалогик нутқни ўстиришнинг биринчи параметри саналиши лозим. Ўқитувчи бу масалада методист олим Р.А.Йўлдошевнинг «Ўзбек тили дарсларида

Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)» номли монографиясидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу монография тўлиғича русийзабон ўқувчиларга ўзбек тилида мустақил равишда гап тузишни ўргатиш йўл-йўриқларига бағишланган, амалиётда қайта-қайта синаб кўрилган.

Биз монографиянинг биринчи бобида назорат иши сифатида берилган қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш натижалари ҳақида рақамли кўрсаткичларни келтирганимизда, аҳвол яхши эмаслигига ишора қилганмиз, ўқувчиларнинг диалогик нутқи талаб даражасида ривожланмаётганига шуни сабаб қилиб кўрсатганмиз. Шунга кўра ҳам тажриба-синов материаллари аввалида (ўқитувчининг ўқувчиларни мустақил равишда гап тузишни ўргатишини назарда тутиб) *ўзбек тилидаги қолип-гапларни онгли ўзлаштиришни таъминловчи машқ турларини* бажартиришни тавсия этамиз.

II. Ўзбек тилидаги қолип-гап намуналарини рус тилига таржима қилиш

Куйидаги каби машқлар бажарилади:

- луғат шаклидаги машқ материалдан қолип-гапларнинг ўзбекча вариантини ўқиш;
- қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига ёзма таржима қилиш;
- оғзаки таржима машқи.

III. Ўзбек тилидаги қолип-гапларни фаоллаштириш

- қолип-гапларни ёд олиш;
- «Тез юрар» ўйини;
- «Қолип-гапларни ким кўп билади?» интеллектуал ринг ўйини.
- нуқталар ўрнига мос қолип-гапни кўйиб диалогик матнни ўқиш.

IV. Ўзбекча қолип-гапларнинг русча эквиваленти бўлган гапларни ўзбек тилига таржима қилиш

- луғат шаклидаги машқ материалдан қолип-гапларнинг русча вариантига қараб ўзбек тилидаги таржимасини айтиш;
- бу ишни ёзма бажариш;

– диалогик матнда қавс ичида русча берилган гапларни ўзбек тилига таржима қилиб ўқиш;

– ўқитувчи айтган русча гапларни ўзбек тилига жўрликда ўгириш.

V. Лексик ва грамматик тайёргарликдан сўнг диалогик матн намунасини ифодали ўқиш ва ўзгартирмай ижро этиш;

«O‘zbek tili» дарсликларида бундай машқ турлари кўп. Уларнинг, шунингдек, айрим «Сухбат» матнларининг мақсади ўқувчиларни у ёки бу мавзудаги ўзаро сўзлашувда фаол қўлланиладиган янги сўзлар, сўз шакллари ва сўз бирикмалари билан таништириш, уларни ёшлар нутқига талаффузи, маъноси ва имлоси жиҳатидан олиб киришдан иборат. Баъзан янги тил материали сирасида қолип-гап учраши мумкин. Бундай гап устида қай тарзда ишлаш кераклиги ҳақида ишимизнинг аввалги фаслида сўз юритганмиз.

Намунани ўзгаришсиз айнан ижро этиш ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстирмайди, балки шунга кўриладиган тайёргарликни ифода этади. Бинобарин, бу машқ турига кўп вақт ажратилмайди. Ўқувчиларни баҳолашда тил материалининг ўзлаштирилиши, талаффуз ва имло жиҳатлари, луқмалар интонацияси ҳисобга олинади.

VI. Айрим сўзлар, луқмаларни ўзгартирган ҳолда намунани ижро этиш

Бир диалог намунасини асос қилиб олиб, ундаги сўзларни ва луқмаларни алмаштириш йўли билан вариантлар юзага келтира бориш иши синфдан синфга изчил бажарилиши мумкин. Бундай таълимий тадбир мундарижаси методист олим Р.Йўлдошевнинг «Ўзбек тили дарсларида...» номли методик қўлланмасида, қисқарган ҳолатда унинг 2015 йилда нашр қилинган монографиясида баён қилинган.

Ушбу турдаги машқларнинг аҳамияти шундаки, улар ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш билан боғлиқ дастлабки кўникмаларни эгаллаш имконини беради.

VII. Бошланиши берилган диалогни давом эттириш талаб этиладиган машқлар ўқувчиларни берилган бир-икки луқмага таянган ҳолда давомини ўйлаб топиш вазиятига солади. Масалан:

БОЗОРДА:

– Қовуннинг kilosи неча сўм туради?

– ... сўм.

– Мана бу қовун неча кило чиқади? ...

БЕКАТДА:

– Шимолий вокзалга нечанчи автобус боради?

– 55-автобус.

– ...

ШИФОКОР ҲУЗУРИДА:

– Мумкинми?

– Кириг. Мана бу ерга ўтириг. Хўш, қаерингиз оғрияпти?

– ...

Ўқувчилар бу каби мавзуларда она тилида кўп сўзлашиб турганлари учун машқни унча қийналмай бажарадилар. Луқма ва қолип-гапларни ўйлаб топишда она тилидан мулоқот кўникмаларига таянадилар. Лекин айрим мавзулардаги диалоглар одатдиган фарқли бўлиши мумкин. Масалан, «Бозорда» мавзуси шулар жумласига киради. Қовун ёки тарвуз сотиб оладиган киши аввал бир kilosининг нарҳини сўрайди, кейин «Битта қовун (тарвуз) беринг» деб сўраш ўрнига «Мана бу қовун неча кило чиқади?», «Кичикроғи-чи?» каби саволларга жавоб олгач, «Мана бу қовунни тортинг» деб мурожаат қилади. Машқ таълимий бўлгани учун ўқитувчи йўналтирувчи савол ва топшириқлар ёрдамида суҳбатлашаётган ўқувчиларга йўл кўрсатиб туради. Баъзи илғор иш тажрибали ўқитувчилар муляжлардан фойдаланиб, қовун харид қилиш вазиятини юзага келтирадилар. Баъзи мавзуларда ...диалогга сахна элементлари ҳам киритилади: эшикни тақиллатиш, рухсат сўраш, саломлашиш, хайрлашиш ва бошқалар. Бунда куйидаги каби луқмаларни ҳам ишлатиш лозим бўлади. Ким у? – Бу – мен, Сашаман, кириш мумкинми? Кириг. Кечирасиз. Унда нима ишинг бор?» [31];

Бундай кўрсатмалилик ўқувчиларни фаоллаштириб юборади. Дарсда беш-олти жуфт ўқувчи ўзаро суҳбатлашгач, диалог равонлашади.

VIII. Берилган мавзуда диалог тузиш талаб этиладиган машқлар муайян лексик ва грамматик тайёргарликдан сўнг, ўқувчилар ўзаро сўзлашишнинг дастлабки кўникмаларини эгаллай бошлаганларидан кейин ташкил этилади. Шундай йўл тutilмас,

дарсликларда берилганидек, бу каби топшириқлар катта қийинчиликлар, муваффақиятсизликлар билан адо этилади.

Машқ турининг аҳамияти шундаки, жиддий ҳозирлик асосида уюштирилаётган сўзлашув самарали бўлиб, ёшларни руҳлантиради, улардаги дастлабки кўникмаларни янада мустаҳкамлаш имконини беради, Давлат таълим стандартида белгиланган миқдорий ва сифат кўрсаткичларига эришишни таъминлайди.

IX. Бир неча қатнашчи бўлиб суҳбатда қатнашиш муомала одобини эгаллаш, суҳбат диапозонини кенгайтириш, қутилмаган лўқма вариантларини ўртага ташлаш имконини беради, ўқувчиларнинг масъулияти ортади, улар етарли даражада фаоллашадилар.

Хуллас, дастлабки машқ сифатида намуна аслича ижро этилади, сўнг вариатив ўзгаришлар қилишга ўтилади, ёндош мавзулардан, ўхшаш нутқий вазиятлардан бирида намунадан фойдаланиб (сўзлари, гаплари, қолип-гапларини ўзгартириб) ўзаро сўзлашиш машқлари уюштирилади, ниҳоят, тўлиғича мустақил равишда ўзаро сўзлашиш машқларига ўтилади.

Янги лексик ва грамматик материалларни ўрганиш мазмунидаги тайёргарлик ишлари бевосита ўзаро сўзлашувни ташкил этиш дарсидан бир дарс аввал ёки улар кўп бўлса, 3-4 дарс олдин амалга оширилади. Янги мавзуда диалог яратиш, диалог шаклида мулоқотни уюштириш ана шу ҳозирлик сифатига боғлиқ бўлади. Тўғри, мулоқотни икки хил амалга ошириш мумкин:

1) диалогик матндаги лўқмаларга қараб, эсда олиб қолган ҳолда ўзаро сўзлашиш;

2) янги сўзларни ўзлаштирган, грамматик воситаларни эркин равишда гап тузиш даражасида эгаллаган кўйи ўзаро мулоқотга киришиш.

Бу жараён пухта ўйлаб чиқилгач, лойиҳаланган тизимдаги машқлар изчиллигини адо этишга киришилади.

Машқлар тизими (диалогик нутқ ўстириш машқлари динамикасининг гипотетик модели) куйидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш учун тавсия этилиши лозим:

– ўтилган сўзлашув мавзулари доирасида мулоқот одобига риоя қилган, бир-бирини тушунган ҳолда тартиб билан ўзаро сўзлашиш;

– тузилиши ўрганилган гап қурилмалари доирасида тўла мустақил равишда гап тузиб айтган ҳолда нутқий мулоқотда эркин иштирок этиш;

– диалогик шаклдаги нутқда қолип-гаплар бойлигидан ўринли фойдаланиш;

– суҳбатдошни турли саволлар бериб суҳбатга торта олиш;

– савол ёки жавобда коммуникатив муддаони оҳанг ёрдамида ифодалаш;

– суҳбатнинг жонли чиқишини таъминлаш;

– диалог шаклидаги нутқда ҳар хил мазмундаги лўқма турларидан фойдалана билиш.

Юқорида санаб ўтилган кўникма ва малакаларни шакллантиришда ўзбек тили дарсликларининг машқ материаллари етарли ёки етарли эмаслиги ҳақида гапирадиган бўлсак, ўқувчиларга ўзбек тилида эркин сўзлаша олиш имконини берадиган, шунинг ўргатадиган машқ турларига эътиборни қаратишимиз тўғри бўлади. Энг муҳими, диалогда ишлатилиши кутилган лексик материаллар ўзлашган, яъни дарслик саҳифаларида ўрганилиб, мустаҳкамланаётган бўлиши керак. Биз бу машқларни берилган мавзуда мустақил равишда диалоглар яратиш (сўзлаша олишни), суҳбатни вазиятга қараб мустақил давом эттира билишни талаб этадиган топшириқ турлари сифатида тасаввур қиламиз. Бундай таълим тадбирларини амалга ошириш, шубҳасиз, ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ бўлиб қолади.

«O‘zbek tili» дарсликларида берилган машқлар таҳлилида рецептив, репродуктив ва маҳсулдор машқлар нисбати ҳақида сўз юритган эдик. Ушбу машқ турларини қуйидагича гуруҳлаб тақдим этиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) рецептив диалогик машқлар;
- 2) рецептив-репродуктив машқлар;
- 3) репродуктив машқлар;
- 4) репродуктив-маҳсулдор машқлар;
- 5) маҳсулдор машқлар.

Қуйида ушбу иш турларига айрим-айрим тўхталамиз.

1. Рецептив нутқий фаолиятни ифода этувчи диалогик машқларга қуйидагилар киради:

– диалогик матн намунасини ўқиш, янги лингвистик бирликлар устида ишлаш;

– диалогик матнни ўқиш, ажратиб кўрсатилган сўзларнинг шаклига эътибор бериш;

– диалогик матнни ўқиш, нима учун у ёки бу сўзлар (оббо, эҳе каби) қўлланганини изоҳлаш;

– тасдиқлаш ва инкор маъносини ифодаловчи сўз бирикмаларни бир устунга, 2-устунга зид маъноли сўзлардан нарвонча ҳосил қилиш;

– диалогик матнни ўқиш, инкор маъносини ифодаловчи гапларни топиш,

– диалог намунасини ролларга бўлиб ўқиш, муомала одоби билан боғлиқ оҳангга эътибор бериш;

– диалогни ўқиб, талаб этилган тил ҳодисасини, масалан, қариндошлиқни билдирадиган сўзларни кўрсатиш;

– диалогик матнни ўқиш, ундан муомала одобига доир сўзлашув лўқмаларини ёки қолип-гапларни топиб, кўчириб ёзиш, уларни эслаб қолиш.

– диалог шаклидаги матнни ифодали ўқиш

Рецептив нутқий фаолиятни ифода этувчи диалогик машқларнинг асосини икки хил вазифа ташкил этади:

– диалогик матнни ўқиш ва ўқувчиларнинг лўқмаларни тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш;

– лўқмалар мазмунини тушуниш, улардаги лисоний бирликларни эсга олиш ва мустаҳкамлаш.

Бошланғич синфларда диалог намунасини ўқишда ўқитувчининг талаффузига тақлид қилиш етакчи ўринда бўлади. Ўқишга, айниқса, ифодали ўқишга кўпроқ вақт ажратилади. Қисман 4-, асосан 5-синфдан бу ишга сарфланадиган вақт қисқариб боради.

Диалогик нутқ ўстириш ишлари одатда матн намуналари асосида бошланади. Бунда *янги материални тушунтириш* ва *ўзаро сўзлашишни машқ қилиш* методлари кўл келади. Матн намунаси куйидаги икки хил усулда тақдим этилади:

1) матн намунасини ўқиш;

2) сўзлашув намунасини эшитиб идрок этиш.

Диалогик матн (сухбат) намунаси дастлаб ўқитувчи ва бирор яхши ўзлаштирадиган ўқувчи ёки яхши ўзлаштирадиган икки ўқувчи томонидан роллар бўйича ифодали ўқилади. Сўнг бошқа болалар ҳам диалог лўқмалари талаффузини машқ

қиладилар. Луқмаларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш, қиёслаш, изоҳлаш – булар ҳам усуллар саналади. Лекин ушбу усуллар нотаниш (янги) қолип-гапга нисбатан қўлланади. Таркиби англанадиган луқмалар сидирғасига эмас, балки ўқувчилар мазмунини тушунмаган гапларни аниқлаш, аввал бирикки нотаниш сўзни тушунтириш, бу иш ёрдам бермаган ҳолатдагина луқмани рус тилига ўгириш тавсия қилинади.

Сўзлашув намунасининг оғзаки равишда тақдим этилиши уни диалогни нутқ орқали идрок этиш имконини беради. Бунда интонация ҳам, мулоқот тарзи ҳам, бевосита тил материаллари ҳам жонли муомала йўсинида қабул қилинади ва шунга суянган ҳолда бевосита талаффуз машқига ўтиш учун андаза бўлиб хизмат қилади.

Маълум диалогик матн намуналари суҳбат доирасини кенгайтириш характерида бўлиб, уларда ишлатиладиган луқмалар, қолип-гапларнинг бир қисми такрор киритилган бўлади. Бундай пайтларда ўқишга оз вақт сарфланади.

Дастлабки диалогга хос машқлар нутқий вазиятдан ажралган ҳолда ўтказилади [5; 49-б.]. Бундай машқларнинг мақсади – ўқувчилар хотирасида луқмалар билан диалогик birlik ўртасида мустақкам боғланиш ҳосил қилиш. Луқмалар (гаплар) тузиш жараёни ҳам нутқий вазиятдан ташқари ўтади (ҳозирги дарсликлар шароитида). Диалогни ижро этиш (талаффуз қилиш ва эшитиш) аввал оғзаки, кейин матнни ўқиш (кўрув таянчи) асосида ҳам ташкил этилиши мумкин.

П. *Рецептив-репродуктив нутқий фаолиятни ифода этувчи диалогик машқлар* қуйидагилар:

- ўқилган диалогик матн асосида ўзаро сўзлашиш;
- диалогни ролларга бўлиб ўқиш ва уни ижро этиш;
- берилган савол ва жавоблар асосида ўзаро суҳбатлашиш.
- диалог тарзида келтирилган саволларга оғзаки жавоб қайтариш ёки ўзаро суҳбатлашиш;
- саволларга инкор маъносини билдирувчи сўзлар билан жавоб бериш

Рецептив-репродуктив нутқий фаолиятни ифода этувчи диалогик машқлар диалог намунасини ижро этиш устуворлик қилади. Ушбу устуворлик намунасининг янгилигига кўра белгиланади. Методист олим Р.Йўлдошев бир намунани мавзу

жиҳатдан янгилаб бориш усулини тавсия этади. Бу усулда дастлабки намунанинг ўзлаштиганлигига қараб кейинги вариантларда тўлиқ репродукция ва продукцияга ўтиш тезлашади. Демак, рецептив-репродуктив нутқий фаолият дастлабки диалог намунасига нисбатан татбиқ этилади.

Айрим методист олимлар (Р.Йўлдошев) ўзлари олиб борган кузатишлар асосида ўқувчилар кўпинча суҳбатдошини унутиб, унга қарамасдан муаллақ тарзда диалог лўқмаларини шунчаки айтишларини кўрсатган. Лекин саҳналаштириш асосидаги ижролар пайтида бундай ҳолатлар камдан-кам рўй беради. Бунга дарсга олиб кириладиган дидактик ашёлар (масалан, тарози, муляжлар ва ҳ.к.) омиллик кўрсатади. Методист олима Х.Мухитдинованинг таъкидлашича, «Инсценировка типидagi диалоглар кейинги пайтларда ролли ўйинлар деб аталмоқда ва улар кўпроқ мутахассислик йўналишларига боғланган ҳолда ўрта махсус, касб-хунара ва олий таълим босқичларида ташкил этилмоқда» [51; 71-б.].

III. Репродуктив нутқий фаолиятга хос диалогик машқларга қуйидагилар киради

– Воспроизведите диалог, покупая стакан молока, два коржика, стакан компота, кофе, лимонада

– диалогнинг айрим сўзларини (масалан, харид қилинадиган нарсаларнинг номини) ўзгартирган, сўз қўшган ҳолда қайта ифода этиш;

– диалог намунасида фойдаланиб, унга маълум ўзгаришлар киритган ҳолда бирор мавзуда («Озиқ-овқат дўконида» ва б.) ўзаро суҳбатлашиш;

– нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган лўқмани кўйиб диалогни тўлдириш;

– «Китоб дўконида» ва бошқа шу каби мавзуда, баъзан таянч сўзлар ёки расм асосида бошланиши берилган диалогни давом эттириш;

– берилган (ёки матндан ажратиб кўрсатилган) сўзларга сўроқ қўйиш асосида ўзаро сўзлашиш;

– матн асосида бирор тушунча ҳақида мушоҳада юритиш, баҳслашиб, муҳокама қилиш.

Диалог намуналарининг айримлари ўқув (таълим) диалогларга яқин турса, айримлари одатдаги сўзлашувга хосдир. Ўқув

диалогда таълимий жиҳат олдиндан режалаштирилгани билан ажралиб туради. Ўқитувчи диалогнинг нима билан бошланиб, нима билан тугадини олдиндан кўзлаб кўйган бўлади. Шуларни назарда тутган ҳолда баъзан намуналарни соддалаштириш, баъзида эса мураккаблаштиришга тўғри келади.

Диалогик нутқ ўстириш устидаги асосий ишлар матн ўқилгандан кейин бошланади. Ўқувчиларнинг ўтилаётган мавзуда ўзаро сўзлашувларини ташкил этиш, бунда ўрганилаётган сўз ва ибораларни, гап турларининг, қолип-гапларнинг уларнинг нутқда қўлланишини бошқариш мақсадида дастлабки босқичда диалогик матн намуналари устида ишланади. Бундан мақсад ўқувчиларда сўзларни тўғри талаффуз қилиш, диалогик лужмаларни тўғри овозлантириш (интонациясини ўзлаштириш) юзасидан дастлабки зарурий кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

IV. Репродуктив-маҳсулдор нутқий фаолиятни ифода этувчи диалогик машқлар қуйидагилар:

– берилган феълларнинг маъносини эслаш ва ўзаро савол-жавоб қилиш;

– намуна асосида 20 дан ортиқ савол тузиб, бир-бири билан сўзлашиш;

– бир сўзга турли шаклларда (масалан, ким? кимнинг? кимни? ва бошқа) сўроқлар бериб, савол-жавоблар тузиш ва ўзаро сўзлашиш;

– расмлар (тасвирлар) асосида намунадагидек диалог тузиш;

– «Сухбат» матни намунасида оила аъзоларини дўстлари билан таништириш;

Диалогик нутқ ўстириш учун муайян ўзгаришлар билан кўп маротаба ижро этишда намуна бўла оладиган матнлар танлаш керак бўлади. Шунини ҳам эслатиш жоизки, айрим дарсликларда келтирилган баъзи намуналар бир мартадан ижро этиш учун ярайди, холос. Масалан, 6-синф «Ўзбек тили» дарслиги [78; 118-б.] даги 4-машқ материалини кўриб чиқайлик:

– *Кечирасиз, сизда ишим бор эди.*

– *Келинг, хизмат?*

– *Сиздан маслаҳат сўрамоқчиман.*

– *Узр, мен кетмоқчиман. Эртага келинг.*

– *Майли. Хайр.*

– *Яхши боринг.*

Ушбу намунада «Сиздан маслаҳат сўрамоқчиман» гапани ўзгартириш мумкин. Лекин бу ўзгариш диалогнинг боришига жиддий таъсир кўрсата олмайди, чунки ушбу луқмалар аслида диалогик матннинг ахборотли қисмига даҳлдор эмас: улар мулоқотнинг ташкилий жиҳатлари саналади.

Матнни ўқитувчи ёки ўзбек тилини яхши ўзлаштираётган ўқувчилардан бири ўқиб беради, ёхуд роллар бўйича ўқилади. Сўнгра ўқувчилардан қайси сўзлар маъносини ёки гаплар мазмунини тушунмаганликлари сўраб аниқланади. (Бу сўзлар матнга доир луғатда берилган бўлиши ҳам мумкин.) Ниҳоят, матн синфдаги ўқувчиларга ўқитилади. Шундан кейин диалог тартибини эслаб қолиш топшириғи берилиб, бир неча ўқувчи уни жуфт-жуфт бўлиб ижро этади. Шу билан дастлабки босқич якунланади. Айрим диалогик матн намуналарида баъзи сўзларини ёки луқмаларини алмаштириш имконияти мавжуд бўлса, у ҳолда машқ тури иккинчи босқич тартибда ҳам бажарилади.

V. Маҳсулдор нутқий фаолиятни ифода этувчи диалогик машқлар куйидагилар:

– расмларга қараб ёки нарса-буюмлар, одамлар ҳақида ўзаро сўзлашиш;

– истак билдириш, эътироз билдириш, тасдиқлаш, олқишлаш, табриклаш, руҳсат сўраш, мурожаат қилиш, танишиш, розилик билдириш, рад этиш, ва ҳ.к.;

– ўқитувчи айтган нутқий вазиятларда (масалан, узоқ вақт учрашмаган дўстини учратганда ва ҳ.к.) ўзаро сўзлашиш (сўрашиб ҳол-аҳвол сўраш ва б.);

– нарса-буюмларга, одамларга уларнинг фаолиятига баҳо бериш;

– дўстига баъзи шартларни кўйиш ва суҳбатлашиш, суҳбатни диалог тарзида ёзиш;

– ўз оила аъзоларини дўстлари билан таништириш;

– партадош дўсти билан берилган мавзуда диалог тузиш;

– бир-бири билан телефонда у ёки бу нарса ҳақида гаплашиш;

– расм асосида унда тасвирланган нарса-буюмлар, касб эгалари ҳақида баҳслашиш.

Ўзаро нутқий мулоқот жараёни суҳбатдошларни маънавий-эстетик бойитишдан ташқари, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириши ҳам зарур. Бу нарса фикр алмашув жараёнини янги

ахборот алмашинуви тариқасида ташкил этиш орқали таъминланади. Ҳаётий тажрибаси тўпланиб бораётган, бугунги кун янгиликларидан, айниқса, интернет маълумотларидан озми-кўпми хабардор бўлиб турган суҳбатдош доим ҳурмат қозонади. Шунда мулоқот суҳбатдошларда қаноат ва рағбат ҳосил қилади, ўзаро ҳурмат туйғусини уйғотади, ҳаётий тажрибани бойитади.

Методика илмида диалогик нутқ ўстиришга қаратилган машқларга нисбатан муайян талаблар илгари сурилган. Чунончи, И.В.Лисикова диалогик нутқ шаклида сўзлашувчилар қуйидаги талабларга жавоб беришлари кераклигини таъкидлайди: «Турли вазиятларда мўлжал ола билиш, мулоқот шарт-шароитларига мос келадиган қолип-гаплардан (речевые клише) фойдаланиш, нутқий этикет меъёрларига амал қилиш» [40; 27-б.]. Демак, диалогни ўргатиш машқларида шулар назарда тутилиши лозим.

«Импровизация» - мулоқот жараёнини тайёргарликсиз уюштириш (ўқувчиларга нутқий вазият тушунтирилиб, сахна кўринишини юзага келтириш топширилади).

О.В.Кошееванинг фикрича, кичик ёшдаги ўқувчилар ўзларининг кундалик мулоқотида *дилдан гаплашиш* жанридан фойдаланадилар [37; 28-б.].

Л.С.Фролованинг таърифлашича, индивидуал (ичда айтиладиган) диалог, яъни кишининг ўз-ўзи билан, худди бошқа одам билан гаплашгандай гаплашиши субъект ўқув фаолиятининг шаклланганлигидан далолат берувчи ўқув диалогини ташкил этишнинг олий шакли деб аталиши мумкин [87; 12-б.]. Унинг фикрича, ўқувчи шундай қила олганда, «ўз фаолиятини лойиҳалай олади, ўзини-ўзи ўзгартира билади, бошқа одамлар билан субъект-субъект муносабатлари парадигмасида ўзаро мулоқотни амалга ошира олади, долзарб, ҳозирда ва келгусида позитив «Мен-концепция»ни рўёбга чиқара билади деб айтиш мумкин. Бошқача айтганда, у фаолият субъекти сифатида шаклланиб бўлган бўлади» [87; 12-б.].

Е.А.Рябухина ўқувчиларни лингвистик ёки нутқий лаёқатни эгаллаш сари йўллаганда уларда янги тил ҳодисасини ўрганиш асносида бўлажак фаолиятдан кўзланган мотив ва мақсадни англаш, шарт-шароитларини мўлжаллаб қўйиш, ўз фаолиятини режалаштириш, бунинг учун зарур воситаларни танлаш, ушбу фаолиятни амалга ошириш, олинган натижаларни аввал

кутилганлари билан солиштириш содир бўлади, деб тушунтиради [70; 17-б.].

Икки кишининг диалоги (ўзаро сўзлашуви) ташкил этиладиган бўлса, ўқувчининг руҳий ҳолатини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади: унинг диалогда иштирок этиши, айтадиган лўқмалари ўқитувчининг диққат марказида бўлишини билади, унга эшитиладиган қилиб гапиришга ҳаракат қилади, унинг баҳолашини кутади. Л.С.Фролованинг фикрича, бундай диалог мустақил бўлмасликка ва ташаббус кўрсатмасликка сабаб бўлади, катталарнинг кўрсатмаларини пунктуаллик, танқидий ёндашмаган ҳолда бажаришга, ўқитувчи ундан шу онда талаб этаётган ўйин қоидаларини фаҳмлаб ўйлаб топишга одатлантиради [87; 12-б.].

Ўқитувчи ўқувчиларни ўзаро сўзлашишга ундайдиган ташки шарт-шароитларни яратиш ҳақида ўйлаши керак. Бу унинг фаолият йўсини саналиши лозим. В.А.Панкрушевнинг фикрича, ўқув нутқий вазиятлар нутқий мулоқотнинг мотивацион-ундовчи қисмигина бўлмай, балки у нутқий ҳаракатларнинг сифати ва тезлигини ҳам белгилаб беради [76; 6-б.]. Ўқув-нутқий вазиятлар шундай бўлиши зарурки, улар табиий нутқий мулоқотга «чиқиш» имконини берсин.

Муаллиф диалогни ўргатишнинг қуйидаги изчиллигини таклиф этади:

- ўқув диалогини яратиш;
- ижодий диалогни яратиш;
- касбий йўналган диалогни ташкил этиш [56; 10-б.].

Микроситуация ёрдамида ўргатишга ўтиш [5; 50-б.] сўзлашувга киришиш (сўзлашув предметини мустақил равишда топиш) касбий қийинчилик саналади.

Ўқитувчининг бу ўринда асосий вазифаси диалогик матннинг (суҳбатнинг) намунавийлик жиҳатини ўрганиб, зарур бўлса, уни алмаштириш ёки ўзгартирилган вариантда тақдим этишдан иборат бўлади.

Машқ мавзу доирасида ишлатилиши мумкин бўлган сўз ва сўз шаклларини, сўз бирикмаларини, қолип-гапларни, тегишли муомала қоидаларини такрорлашдан бошланади. Р.Йўлдошев таъкидлаганидек, «...диалогда ишлатилиши лозим бўлган лўқма турлари аввалги дарсларда ўрганилган бўлса, ўқувчи уларни янги

ёки қисман янги шароитга мослаштира билса, у сўзлашувда бир қадар эркин иштирок этади» [31; 73-б.].

Аввал машқни яхши ўзлаштирилган бирор мавзу асосида жамоа бўлиб бажарган маъқул. Бунда сўзлашув нимадан бошланиб, нима билан тугалланиши аён бўлади. Шундан сўнг ўқувчиларга мустақил равишда (ёзма) диалог тузиш лозим бўладиган мавзу синф хаттахтасига ёзиб қўйилади. Ўқитувчи ёшлар вазифани бажаришга киришганларидан сўнг парта оралаб юриб топшириқнинг бажаралишини кузатади, типик хатоларни аниқлаганда, ишни бир муддат тўхтатиб қўйиб, тегишли изоҳ ва тушунтириш беради.

Диалогни ёзма равишда тузиш талаб этилганда, бу ишни қуйидаги тарзда ташкил этиш мумкин:

- а) ҳар бир ўқувчи машқни ўзи ёлғиз бажаради;
- б) партада ёнма-ён ўтирган ўқувчилар жуфтликда диалог тузадилар.

Биринчи ҳолатда ўқувчи суҳбатдошларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси бўлиб луқмалар ўйлаб топади. Иккинчи ҳолатда роллар бўлиб олинади.

Тавсия этилаётган машқлар тизими мураккаб, қийинга ўхшаб туюлса-да, унинг осон жиҳатлари ҳам кўп. Бу осонлик рецептив ва рецептив-репродуктив, ниҳоят, репродуктив машқларнинг миқдор ва ажратиладиган вақт ҳисобига қисқариб боришида намоён бўлади.

2-топшириқда қуйидаги гапларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш сўралган эди: *Разрешите вас приветствовать, как идет (ваша) жизнь, Как вам (тебе) сказать, Как на работе, Какая приятная встреча.* Бу вазифа қуйидаги тартибда бажарилди.

1-гап «Сизни кутлашга рухсат беринг» деб таржима қилинди, оғзаки сўзлашув вазиятида «Саломлашишга рухсат беринг» деб ишлатилади, таржима қилишларида асосий эътиборни шунга жалб этдик.

1-гапни тўғри таржима қилганлар 47 та, 2-да 36 та, 3-да 38 та, 4-да 53 та, 5-да 27 та бўлди. Нотўғри таржималар 1-гапда 49 та, 2-да 48 та, 3-да 60 та, 4-да 49, 5-да 58 тадан иборат бўлди. Стилистикага оид камчиликлар 1-гапда 14 та, 2-да 18 та, 3-да 15 та, 4-да 18 та, 5-да 16 та; сўз тартибини нотўғри қўллаганлар 1-да 13 та, 2-да 23, 3-да 7 та, 4-да 6 та ва 5-да 22 та, таржима

қилмаганлар 1-гапта 7 та, 2-да 5 та, 3-да 10 та, 4-да 4 та, 5-гапта 7 та.

Дастлабки назорат ишида аввалги назорат иши материалларидан фойдаланилди. Натижа шуни кўрсатдики, биринчи назорат ишида эгалланган ва тартибга солинган билимлар иккинчи назорат ишида ўзининг ижобий самарасини кўрсата олган, яъни ўқувчилар ўша қолип-гапларни рус тилидан ўзбек тилига муқобиллари билан таржима қилишга муваффақ бўлишган.

Ўзбек тили таълимининг узлуксиз тизимида ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш, уларда нутқий мулоқот одобини шакллантириш учун қуйидагиларга эришиш талаб қилинади:

1) мавзувий сўз бойлиги устида иш олиб борган ҳолда ёшларнинг ўзбек тилида мустақил равишда лўқмалар (маълум тузилишга эга бўлган гап турларини) тузишга доир БКМларини ҳосил қилиш;

2) қолип-гаплар бойлигининг тўпланиши ва фаоллашувига эришиш;

3) ўзаро мулоқотга кира олиш, яъни ўзаро сўзлашиш тартибини, муомала одобини эгаллаш;

4) маълум қилинган мавзуда мустақил равишда диалогни бошлаш ва давом эттириш, тугаллаш;

5) ахборот технологияларидан фойдаланиб масофадан туриб ўзаро мулоқотни амалга ошира олиш;

6) ёзма равишда диалог туза олиш.

Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти. Ўқувчиларнинг диалог шаклида ўзаро сўзлашувда фаол қатнашишларига эришиш, уларни ижодий фикрлашга даъват этишда ўқитувчи шахсининг инновацион модели муҳим ўрин тутади. Бунга қуйидаги шарт-шароитлар орқали эришиш мумкин:

1. Диалог лўқмаларини ўйлаб топишда ўқувчиларга бир қадар эркинлик бериш.

2. Айрим лўқмаларни олдиндан ўйлаб қўйиш ва қоғозга тушириш, ундан фойдаланишга руҳсат бериш.

3. Янги фикрларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

4. Гуруҳ билан ишлаб, гуруҳ аъзоларининг фаоллигини таъминлаш.

5. Ўқувчиларнинг мазмунли луқмалар тузаётганини таъкидлаб, ўзбек тилини ўрганишда илгарилаб бораётганига ишонтириш.

6. Ўзаро сўзлашган гуруҳнинг ютуқ ва камчиликларига синфдаги тенгдошларининг баҳосини тинглаш, танқидий муносабат юзага келтириш.

Натижада ўқувчиларнинг диалогик нутқи мустақил фикрлаш, кенг мушоҳада юритиш, бир-бирига одил баҳо бериш, эркин сўзлашишга ҳаракат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзига холис баҳо бериб бориш каби кўникмаларни одатга айлантириш имкониятлари юзага келади.

Кўникмаларни малакага айлантириш (диалогик нутқни автоматлаштириш) мақсадида *ноанъанавий усуллардан*, масалан, турли *ўйинлардан* фойдаланилади.

Инновацион ва ноанъанавий таълим жараёнида барча ўқувчилар фаол иштирок этадилар. **Инновацион таълим** куйидаги каби иш турларида ўз аксини топади:

«Модификациялашган таълим» мулоқот жараёнига сингдирилган таълим (ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот тарзида, савол-жавоб, баҳс-мунозара тарзида дарс ўтади).

Методист олима Г.Х.Жумашева мактабгача ёшдаги русийзабон болаларнинг қорақалпоқ тилида мулоқот маданияти асосларини шакллантиришда театрлаштирилган ўйинлардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқар экан, бунда уларни қорақалпоқ халқининг маънавий бойликларидан, урф-одатлари ва анъаналаридан баҳраманд этиш йўлларини ёритиб берган [18].

Методик адабиётларда тавсия этилишича, ўқувчилар, яъни «Интервью», Тренинг қатнашчилари навбати билан бир-биридан интервью олишлари лозим.

«Мультимедиа – видеодастурлар билан дарс ўтиш» (маълум бир мавзудаги мулоқот намунасини дастурли, овозли, кўргазмали, телевизор, видео қурилмалари ёрдамида тақдим этиш ва ижро эттириш усули).

Мультимедиа («кўп муҳитлик» деган маънони билдиради) замонавий компьютерларнинг деярли барчасида мавжуд бўлган имкониятлар мажмуини, комплекс тушунчани англатади. Мультимедиа ахборотнинг турли кўринишлари - матн, жадвал, графика, овоз, анимация (мультипликация), видеотасвир, мусиқа ёрдамида

ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта узатиш вазифаларини бажаради. Мультимедиа «инсон-компьютер» интерактив (диалогик) мулоқотнинг янги, такомиллашган поғонаси бўлиб, бунда фойдаланувчи жуда кенг ва ҳар томонлама ахборот олади...

Н.М.Черненко компьютер ёзишмаларида иштирок этадиган ўқувчиларга қуйидаги мазмундаги огоҳлантиришларни ифода этувчи рамзлар тўпламини тузиб чиқади. Буларни мулоқотга боғлаб қуйидагича мослаштиришимиз мумкин:

– кўп маротаба такрорланадиган, таниш бўлиб кетган саволларни бермаслик;

– мавзуга алоқаси бўлмаган лўқмаларни юбормаслик;

– битта лўқмани параллел равишда бир неча мавзудаги мулоқот учун йўлламамаслик;

– ўз диалогик лўқмаларини тузишда суҳбатдошнинг услубини ҳисобга олиш;

– дискурс ихчамлигига риоя этиш учун ўз хабарини чўзиб юбормаслик;

– саволларга ўйлаб олинмаган жавоблар бермаслик, суҳбатдошнинг жавоб намуналарига мослашиш;

– муомала одоби қоидаларини бузиб берилган саволларга жавоб бермаслик;

– матнни тезда идрок этишга кўмаклашадиган умумқабул қилинган график рамзлардан фойдаланиш;

– матнни кўринадиган қилувчи хатбошиларга амал қилиш;

– имловий, пунктуацион ва бошқа хил хатолардан огоҳ бўлиш;

– зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин бўлган иборалар, огоҳлантиришларга йўл қўймаслик [90; 14–15-б.].

«Муайян вазият ёки ҳолатни таҳлил қилиш» (бирон-бир ҳаётий воқеа, вазият юзасидан баҳс-мунозара).

«Нуқтаи назаринг бўлсин» (ўқитувчининг нутқий вазиятга доир муаммоли топпириқлари юзасидан ҳар бир ўқувчи ўз нуқтаи назарини билдиради).

«Танқидий тафаккур» (ўқувчилар бирор нутқий вазият юзасидан ўқитувчининг берган саволларига бир-бирини такрорламаган ҳолда, танқидий ёндашиб фикр билдирадилар).

Мустақил фикрлаш ўқувчиларда креативликни ривожлантиради. Бунга қуйидаги каби ўйинлар ёрдам беради: **«Такди-**

мот», «Мультимедия», «Чархпалак», «Балик скелети», «Эссе», «Арра», «Вен », «Нотиклар беллашуви», «Фикрлар сандиги», «Заковат ўйини».

Интеллектуал беллашув

Мақсади: ўқувчиларга ўзбек тилида баҳсга кириб, ўз қарашларини асослашни ўргатиш.

Роллар: икки гуруҳ ўзаро баҳслашувчи ўқувчилар хаттахта ёнида бир-бирларига рўпарама-рўпара турадилар, ўтирган ўқувчилар ҳакамлик қиладилар.

Ўқитувчи ўз кириш сўзида муҳокама қилинадиган мавзунини («Меҳмон кутиш») айтиб ўтади, иккала гуруҳга вазифа беради (биринчи гуруҳ мезбон бўлиб, меҳмон кутади; иккинчи гуруҳ меҳмон бўлиб, мезбоннинг лўқмаларига жавобан нутқий ҳамда нутқий бўлмаган ҳаракатни амалга оширади) суҳбатнинг 30 дақиқага яқин давом этиши мумкинлигини маълум қилади ва нутқий вазиятларни бирма-бир эслатиб туради:

Ўқитувчи: Меҳмон келди, у эшикни тақиллатди. Мезбон нима қилади?

1-гуруҳ: Эшикни очмасдан туриб: «Ким?»

2-гуруҳ: Мен, амакинғиз Эшматман.

1-гуруҳ: ...

2-гуруҳ: ...

Ўтирган ўқувчилардан бири:

Ўқитувчи: Меҳмон столга ўтирди. Мезбон нима дейди?

1-гуруҳ: ...

2-гуруҳ: ...

Ўтирган ўқувчилардан бири:

Мавзуга мос келувчи нутқий лўқмалар ёрдамида олиб борилган баҳс якунида қуйидаги баҳолар берилиши мумкин:

Ўтирган 1- ўқувчи: Биринчи гуруҳ ...

Ўтирган 2- ўқувчи: Иккинчи гуруҳ ...

Ўқитувчи: Биринчи гуруҳ ... Иккинчи гуруҳ...

Баҳс шу тариқа ўйин қатнашчилари бўлган талабаларнинг нутқини таҳлил қилиш билан якунланади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг бирор мавзуда мустақил равишда ўзаро сўзлашишларини ташкил этиш учун кутилаётган диалогнинг сценарийсини хомаки тузиб олади. Дарсда уни ўқувчиларга

кўрсатмайди, ўзи унинг мазмунини назарда тутган ҳолда диалог-ни бошқаради, йўналтириб туради.

Намунавий мавзулар:

«Ўқиш: миқдори ёки сифати қандай бўлиши керак?»

Юқоридаги каби иш турлари қатнашчиларнинг мустақил ижодий фикрлашини ривожлантиришга, қутилмаган вазиятларда ўз имкониятларидан фойдаланиш қobiliятини ва жавоб реакцияларини тезлаштиришга, текшириб кўришга ёрдам беради. Ўйинда ўқитувчи топшириқларнинг такрори бўлишига изн бермаслиги керак. Интерфаол ўйинлар воситасида ўқув фаолиятига таълим жараёнида жуда катта аҳамият касб этувчи мусобақаланиш элементи киритилади.

Баҳс-мунозара.

Расмий, ярим расмий, норасмий диалог [15; 34-б.].

Режа тузиш муносабати билан суҳбатлашиш.

Бундай баҳс, мунозаралар ўқувчиларни баҳс, мунозара учун зарур бўлган фикр қилиш, ҳужжат ва исботларни баҳолаш, бошқаларни эътибор билан тинглаш, муҳокама қилинаётган саволларга очиқ ёндашишни ва тил ифодаларини аниқ ишлаб чиқишни талаб қилади [15; 36-б.].

Шарт-шароитлар:

– муҳокама қилиш учун қизиқарли мавзу танлаш;

– баҳс олдида бирор муаммо кўйиб қўйиш;

– баҳо бериб бориш (акс алоқа). (37-бет)

Ўқувчиларнинг баҳс пайтида ўзини қандай тутиши керак-лиги ҳақида олдиндан кўрсатмалар бериш.

Вақтни сарҳисоб қилиш (чегаралаш).

Тайёрланган ва тайёрланмаган баҳс.

Ўқитувчининг сўзини мулойимлик билан бўлиш.

«Қор уюми» ўйинида камида 5 киши қатнашади. Биринчи иштирокчи савол бериб жавоб олади, иккинчи жуфт салом-алиқдан сўнг бир луқмадан алмашади, учинчи жуфт яна биттадан луқма кўшади ва ҳоказо. Бунда улар қолип-гаплардан кўпроқ фойдаланишлари айтилади. Биринчи жуфтга қайтилади ва ҳоказо. Жуфтлар ўртасида мусобақага ўтилади. Мукамалликка эришган жуфт ғолиб саналади.

Булар ўзаро мулоқотга тайёрловчи машқ турлари ҳисобланиши мумкин.

Модул – бу фаннинг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва дидактик тамойил асосида тузилган ўқув материаллари бирлиги бўлиб, унда фан бўйича ўқув дастурлари қисқартирилган ва чуқурлашган тарзда табақалаштирилади. Натижада босқичма-босқич ўқитиш имконияти туғилади. Агар модул технология асосида ўқитиш тўғри ташкил этилса, ўқувчилар янги ўқув материалларини ўзлаштиришади, кўникма ва малакаларни такомиллаштиради. Модул технологияси асосида ўқитиш қуйидаги кетма-кетликда ташкил этилади:

- дастлабки шарт-шароитларни таҳлил қилиш;
- модулнинг ўқув мақсадлари ва мазмунини белгилаш;
- ўқув-дидактик материаллари ва ўқитиш воситаларини тайёрлаш;
- назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқувчиларнинг олган назарий билими ва амалий кўникмаларини баҳолаш.

Ўқитувчилар ўз фанини ўқитишнинг энг самарали замонавий педагогик технологияларини пухта билиши ва бу соҳадаги янгиликларни узлуксиз ўрганиб бориш орқали ўз касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориши талаб қилинади.

Таълим мазмунига тилни мукамал ўрганиш учун зарурий восита сифатида қараш зарур.

Бу ўйинлар жамоа бўлиб режалаштирилади, дарсда эса гуруҳ билан биргаликда ўйналади.

Ўзбек тили дарсларида ёзма равишда диалоглар тузиш машқи сифатида электрон почтадан фойдаланиш мумкин: фикр алмашувчилар муомала одобига риоя қилган ҳолда диалогни нутқий мулоқотнинг ташқи омилларидан бошлаб, ахборот алмашинувиغا ўтадилар ва ўзаро ёзма мулоқотни якунлайдилар. Бунда диалог сушт кечса-да, ўқув қўлланмалардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши туфайли мазмунли луқмалар тузилади. Ёзишма иштирокчиларига олдиндан мавзу маълум қилинади, бу нарса ўқувчиларнинг нима ҳақда фикр алмашиш керақлигига ишора қилади. Н.З.Умарова электрон почтадан фойдаланиш йўналишидаги кўникмаларни ривожлантириш мақсадида аввал «...параллел гуруҳлар талабаларининг электрон почта орқали ёзишмаларини ташкил қилиш, сунгра турли

босқичдаги гуруҳларда таҳсил олувчиларнинг электрон ёзма мулоқотини уюштириш ҳам мақсадга мувофиқ» деб ҳисоблайди [82; 12-б.]. Ёзишмаларнинг афзалликлари шундаки, кўлда битилган матнни таҳрир қилиш қийин бўлса, компьютерда яратилаётган матнни таҳрир қилиш қулай, ушбу иш тури самарали саналади.

Г.З.Мухамеджанованинг «Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5–9–синфлар мисолида)» мавзусидаги номзодлик диссертациясида ...ўзаро сўзлашиш малакаларини кўзланган даражаларга етказиб шакллантириш йўлида кўмаклашадиган тадбирлар ва улар асосидаги нутқий машқлар (расмларга шарҳ ёзиш; ўзбек тили кунли, ўзбек тили ҳафталиги, ўзбек тили ойлиги; китобхонлар анжумани; кеча, фестивал, карнавал таассуротлари асосидаги оғзаки ҳикоялар, суҳбатлар, уй иншоси; тўғарак (амалий-ижодий тўғарак, ёш таржимонлар тўғараги, нутқ маданияти ва сўзлашув одоби тўғараги); мактаб олимпиадаси мазмуни, уни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари ёритилди [45; 14-б.].

Бизнингча, тадбирда, масалан, китобхонлик конференциясида бўладиган баҳс ва мунозаралар ўқувчиларни ўз муетақил фикрларини айтишга, фаол бўлишга одатлантиради, уларда адабий-эстетик, фалсафий-сиёсий тушунчалар шаклланишига, асар қаҳрамонлари ҳақида шахсий фикр-мулоҳаза юрита олишларига ёрдам беради. Мунозара ва баҳслар ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга хизмат қилади.

Биз тажриба-синов аввалида юқорида саналган 6 параметр асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлашга доир назорат ишларини ўтказдик. Тажриба ишлари амалга оширилгач, якунида ушбу йўналишдаги (мазмундаги) назорат ишлари такрорланди. Бундан кузатилган мақсад: таълим тадбирлари натижаларидаги ўзгаришларни аниқлаш ва тегишли ҳулосалар чиқариш.

Уйингизга кимдир келиб, эшикни тақиллатганда нима дейсиз? Меҳмон уйга кириб, столга ўтирганда нима дейсиз? ва ҳ.к.

Диалогда тегишли қолип-гапни ишлатиш талаб этиладиган тестлардан намуналар:

Кўчада яқин ўртоғингни учратиб қолдинг, унга нима дейсан?
а) яхшимисан?

б) қалайсан?

в) соғлиқларинг жойидами?

г) ишларинг қанақа?

д) уйдагилар қалай?

Мактабдан келганингда уйдагилар овқатланишаётган эди,
уларга нима дейсан?

а) ёқимли иштаха;

б) хуштаом;

в) ош бўлсин.

ХУЛОСА

«O'zbek tili» дарсликлариди диалогик луқмалар сирасидаги қолип-гаплар рўйхати аксарият машқларда рус тилига таржима қилинмай, қайси нутқий вазиятларда ишлатилиши изоҳданмай тақдим этилган. Ваҳоланки, бир қатор қолип-гапларни рус тилида ифодалаш мутахассисар учун ҳам қийинчиликлар туғдиради: айрим қолип-гапларни рус тилида ифодалаш учун аналогини топиш керак бўлади. Русийзабон ўқувчилар нутқнинг диалог шаклидан оз фойдаланадилар, бу борада уларнинг нутқи стандарт талабларига жавоб бермайди. Улар қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига, айниқса, рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишда катта қийинчиликлар сезадилар, уларнинг маъно-мазмунини билмаган ёшлар ўзаро сўзлашув чоғида ушбу тил ҳодисаларидан жуда тор доирада фойдаланадилар.

Русийзабон ўқувчиларнинг нутқини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг диалог шаклидаги сўзлашувда иштирок этишда қийналишдан ташқари, суҳбатдошларига муомала одоби доирасида гапиришга доир билим ва кўникмалари талаб даражасида эмас.

«O'zbek tili» дарсликларининг таҳлили шуни кўрсатдики, уларда ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстиришга доир машқлар ниҳоятда оз; аксарият қисми рецептив ва репродуктив характерда. Кузатишлардан шу ҳам маълум бўлдики, русийзабон ўқувчилар ўзбек тилида мустақил гап туза олмайдиган ҳолатларда диалогик луқмаларни ёд олишдан бошқа чоралари қолмайди.

Мавжуд методик адабиётлар асосида узлуксиз таълим босқичларида русийзабон ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш жараёнида улар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар мундарижаси ва мазмуни аниқланди.

Ўзбек тилидаги нутқий мулоқот маданияти доирасида диалогик нутқ ўстириш мазмунининг асосий унсури бўлган қолип-гаплар рўйхати тузилди, улар рус тилига қиёсланди, ўзлаштиришни осонлаштирадиган ва қийинлаштирадиган, интерференцияга сабаб бўладиган ифодаланиш ҳолатлари баён этилди.

Русийзабон ўқувчиларга ўзбекча диалогик нутқни, нутқий мулоқот одобини ўргатишда амал қилиниши лозим бўлган асосий ёндашув ва тамойиллар ажратилди.

Диалогик нутқ ўстиришдаги асосий лисоний билим ҳисобланадиган қолип-гаплар, дарсликларда берилганидек, кўпроқ нутқий намуналар, таржима ва изоҳлаш йўли билан тушунтирилади.

Диалогик нутқ ўстиришда кўрсатмалилик нутқий вазият акс этган расм, сахна кўриниши, икки ўқувчининг вазиятни намоёниш қилиши, ўзаро сўзлашаётганларни кузатиш шаклида амал қилади.

Ўзаро нутқий мулоқот жараёни суҳбатдошларни маънавий-эстетик бойитишдан ташқари, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириши ҳам зарур. Бу нарса фикр алмашув жараёнини янги ахборот алмашинуви тариқасида ташкил этиш орқали таъминланади, ташкилий қисм → асосий ахборот алмашинуви → сўзлашувни тугаллаш қисмлари мазмунида *ўзаро сўзлашишни машқ қилиш* методига устувор аҳамият берилади.

Метод ва усуллар ўқитувчига суҳбатни бошқара оладиган қилиб танлаш, замонавий таълим жараёнини илғор моделлар базасида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида таълим олувчиларнинг диалогик нутқини *ҳар томонлама* ўстириш имконини берувчи метод ва усуллардан фойдаланиш тақозо этилади.

Русийзабон ўқувчиларнинг қолип-гаплардан фойдалана билишлари учун ўн хил машқ тури ва топшириқлар ишлаб чиқилди. Чунончи: қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш; аксинча, уларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш; берилган нутқий вазиятга мос қолип-гапни айтиш, нуқталар ўрнига кўйиш, кўчириш; берилган изоҳлар асосида мос қолип-гапларни айтиш; қолип-гап асосида тегишли нутқий вазиятни айтиш; ўрганилган қолип-гапларни қатнаштирган ҳолда диалог тузиш ёки ўзаро сўзлашиш; «Қолип-гаплар билимдони» ўйинини (мусобақасини) ўтказиш ва бошқалар.

Ўқувчиларга нутқий мулоқот одобини ўргатиш синфдан-синфга изчил ўрганиладиган билимларни ўзлаштириш асосида амалга оширилади.

Диалогик нутқ ўстириш мақсадида фойдаланиладиган машқлар сирасида лойиҳалаш асосидаги машқларга, шунингдек, сахналаштириш типидagi ўйинларга кўпроқ аҳамият берилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Краткая история методики обучения иностранным языкам: от постановки чтения к речевому общению. – Самарканд: СамГИИЯ, 2000, 126 с.

2. Абубакирова Р.Х. Пути совершенствования русской диалогической речи студентов национальных групп вузов: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – М., 1979, 16 с.

3. Адилова С.А. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида): Пед.фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004, 19 б.

4. Акишина А.А., Кано Х., Акишина Т.Е. Жесты и мимика в русской речи. – М.: Русский язык, 1991, 144 с

5. Амброс Е.Р. Система упражнений для развития диалогических умений // Иностранные языки в школе. – 2015. № 6, 48–54 с.

6. Аминова Ф.Х. Ўқувчиларни мулоқот матн яратишга ўргатишнинг дидактик асослари. Пед.фанлари номз. ... дисс. – Тошкент, 2007, 127 б.

7. Андриянова В.И. Теория и практика обучения узбекских школьников устноречевому общению на русском языке: Дисс.... доктора пед. наук. – Т., 1997.

8. Аъзамхўжаева Э.А. Муомала маромининг ёш хусусиятлари ва динамикаси (Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари мисолида): Психология фанлари номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002, 19 б.

9. Базарова М.М. Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини ифодаловчи нуткий бирликларнинг лисоний хусусиятлари: Фил. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2007, 19 б.

10. Балабайко М.С. Обучение моделированию диалогической речи // Иностранные языки в школе. 1976, №1, 27–29 с.

11. Бырдина О.Г. Диалоговая технология формирования ценностного самоотношения школьника на уроках немецкого языка // Иностранные языки в школе. 2010, № 9, 22–24 с.

12. Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика и культура речи. Издание 5-е, доп. и перераб. Серия “Высшее образование». – Ростов на Дону: Изд-во «Феникс», 2005, 544 с.

13. Винокур Г.Г. Русский язык. Учебное пособие. – М., 1989.

14. Вострикова Т.И. Профессионально-педагогический диалог как речевой жанр. // Русский язык в школе. С. 6–7.

15. Григорьева Е.Я. Особенности обучения говорению и дискуссии на уроках французского языка в VIII–IX классах (УМК «Le français en perspectives»). – Иностранные языки в школе. ... № 5, 34–39 с.

16. Демьяненко М.Я., Лазаренко К.А., Мельник С.В. Основы общей методики обучения иностранным языкам. Теоретический курс, изд. 2-е, доп. и перераб. – Киев: Вища школа, 1984, 102–107 с.
17. Десяева Н.Д., Лебедева Т.А., Ассуирова Л.В. Культура речи педагога: Учеб. пособие для студентов высшей пед. Учебных заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2003, 192 с.
18. Жумашева Г.Х. Формирование основ культуры общения дошкольников на каракалпакском языке в условиях двуязычия средствами театрализованных игр: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Ташкент, 1996, 16 с.
19. Жўраев А.Х. Чет тилда талабалар коммуникатив малакаларини такомиллаштириш технологияси (испан тили синонимлари материалида): Пед.фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009, 22 б.
20. Знакомиться легко, расставаться трудно. /Анушкин В.И, Жаркова Т.Л, Акишина А.А. и др.– М.: Русский язык, 1991. – 232 с.
21. Зорина В.В. Изучение основ этикета на факультете начальных классов // Начальная школа. 2011, № 4, 84–86 с.
22. Ипполитова Н.А. Этические нормы как предмет изучения в школе // Русский язык в школе. 2014, № 4, 7– 11 с.
23. Исакович Е.А. Диалогическое общение как взаимодействие между учащимися в контексте культурно-досуговой деятельности на иностранном языке.// Иностранные языки в школе, 9-11 с.
24. Исламов Ў.Х. Алишер Навоий асарларида нутқ маданияти талқини: Фил. фан. номз. ... дисс. – Тошкент.
25. Йўлдошев Р. Грамматик материалларни гап тузилишлари орқали ўрганиш // Мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш мазмуни ва методларини такомиллаштириш: Методик тавсиялар тўплами. – Тошкент: ЎзПФТИ, 1994, 3-12-б.
26. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш (III –VIII синфлар). – Тошкент: «Ўқитувчи», 1978, 76 б.
27. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Моногрфия. – Тошкент: «Fan va texnologiya», 2012, 212 б.
28. Yo'ldoshev R.A. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o'zbek tilini o'qitish metodikasi: Monografiya. – Toshkent: «Fan va texnologiya», 2015, 157 b.
29. Yo'ldoshev R., Polvonova R. O'zbek tili. O'qish rus tilida olib boriladigan maktablarning 2-sinfi uchun. – Toshkent: O'qituvchi, 2000, 96 b.
30. Yo'ldoshev R., Rixsiyeva M. O'zbek tili. O'qish rus tilida olib boriladigan maktablarning 4-sinfi uchun. – Toshkent: O'qituvchi, 2000, 96 b.

31. Йўлдошев Р., Рихсиева М., Усмонова В., Эргашева М. Ўзбек тили: Рус мактабларининг 6-синфи учун. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 128 б.
32. Йўлдошев Р.А., Саидниёзова А. Ўзбек тили: Рус мактабларининг 5-синфи учун. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992, 145 б.
33. Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларининг 8-синфи учун дарслик. - Тошкент: Ўқитувчи, 2000, 110 б.
34. Кадырова Х.А. Особенности межличностного общения руководителей на работе и в семье (на примере руководителей ВУЗа): Дисс. ...канд. пед.наук. – Ташкент, 2010, 130 с.
35. Корнева Т.Р. Пособие по развитию речи для студентов-медиков иностранцев, изучающих русский язык. – М.: Русский язык, 1990, 158 с.
36. Коротаева Е.В. Учебный диалог – технология или искусство? // Русский язык в школе, 2008, № 4, 22–27 с.
37. Кошечева О.В. Жанры общения в повседневной речи младших школьников. // Русский язык в школе, 2010, № 2, 27–31 с.
38. Ладъженская Н.В. Учим речевым жанрам. // Рус.яз. в школе, 2007, № 1, 29–33 с.
39. Лафасов Ў.П. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши. – Тошкент, 1996, 175 б.
40. Лысикова И.В. Интенсивное обучение диалогической речи в школе с углубленным изучением английского языка // Иностранные языки в школе, 2013, № 5, 27–32 с.
41. Mahmudov N., Rafiyev A., Yoʻldoshev I. Nutq madaniyati va davlat tilidan ish yuritish: Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. Toʻldirilgan 7- nashr. – Toshkent: Choʻlpon nomidagi NMIU, 2012, 144 b.
42. Мельник В.В. Искусство доказывания в состязательном уголовном процессе. – М., 2000.
43. Махкамова М.Ю. Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш: Пед.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2002, 22 б.
44. Михневич Л.Е. Ораторское искусство лектора: Пособие для школ молодого лектора. – М.: Знание, 1984, 192 с.
45. Мухамеджанова Г.З. Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5–9-синфлар мисолида): Пед.фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003, 21 б.
46. Muxitdinova X.S., Avlakulov Y.I., Nuriddinova D.A. Oʻzbek tili: taʼlim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 6-sinfi uchun darslik – Toshkent: “Yangi avlod poligraf servis”, 2013, 144 b.
47. Muxitdinova X.S., Avlakulov Y.I., Nuriddinova D.A. Oʻzbek tili: taʼlim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 7-sinfi uchun darslik – Toshkent: “Yangi avlod poligraf servis”, 2013, 144 b.

48. Мухиддинова Х, Юсупова М, Икромова Н, Акромова Г. Ўзбек тили: таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи учун дарслик. – Toshkent: "Ўқитувчи", нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006, 160 б.
49. Muxiddinova X. O‘zbek tili Ta’lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 8-sinfi ucun darslik. Qayta ishlangan 3-nashri. – Toshkent: «O‘qituvchi», 2014, 128 b.
50. Muxiddinova X., Yusupova M., Ikromova N. O‘zbek tili Ta’lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 8-sinfi ucun darslik. 2-nashri. – Toshkent: «O‘qituvchi», 2010, 128 b.
51. Мухитдинова Х. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари. Монография. – Тошкент: «Фан ва технология», 2008, 238 б.
52. Набиева Р.О. Обучение ситуативному диалогу в речевом общении на занятиях по русскому языку в 5-6 классах таджикской школы: Дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1998.
53. Назаров К., Эгамбердиев Б. Ўзбек тили имо-ишора қоидалари /Пунктуация/: Олий ўқув юртлари филол. Факультетлари талабалари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 80 б.
54. Niyozmetova R., Rafiyev A., Alavutdinova N. O‘zbek tili: ta’lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 2-sinfi uchun darslik. – Toshkent: «Sharq», 2007, 128 b.
55. Орлов О.М. Обучение деловому общению как жанровой деятельности (деловые беседы). – Русский язык в школе, 2007, № 7, 91–97 с.
56. Панкрушев В.А. Обучение студентов национальных групп педвузов профессиональному общению: Автореф. дисс. ...канд.пед.наук. – М., 1986, 15 с.
57. Плещенко Т.П., Федотова Н.В., Чечет Р.Г. Стилистика и культура речи: Учебное пособие. Под ред Шубы. – Минск: «Тетра Системс», 2001, 544 с.
58. Позднякова А.А. Из методического наследия А.В.Миртова: уроки вежливого общения. // Русский язык в школе, № 3, 2010, 32–38 с.
59. Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланганлиги: Филол. фан. номз. ... дисс.автореф. – Т., 2008, 23 б.
60. Рафиев А. Ўзбек тили. Таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 9-синфи учун дарслик. 2-нашри. – Тошкент: «Ўқитувчи» NMIU, 2010, 128 б.
61. Rafiyev A., Muhammadjonova G., Alovuddinova N. O‘zbek tili: ta’lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan umumta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent: “O‘qituvchi” NMIU, 2011, 144 b.
62. Rafiyev A., Muhammadjonova G., Alovuddinova N. O‘zbek tili: ta’lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarining 5-sinfi uchun darslik – Toshkent: “O‘qituvchi” NMIU, 2014, 192 b.

63. Rafiyev A., Muhammadjonova G., Toshpo'latov T. O'zbek tili: ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 2-sinfi uchun darslik/ – Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2014, 80 b.

64. Rafiyev A., Muhammadjonova G., Ziyamuhamedova G. O'zbek tili: ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 3-sinfi uchun darslik. 3-nashri. – Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2014, 144 b.

65. Rafiyev A., Muhammadjonova G. O'zbek tili: ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 4-sinfi uchun darslik. – Toshkent: "O'qituvchi", NMIU, 2007, 128 b.

66. Rafiyev A., Muhammadjonova G. O'zbek tili: ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 4-sinfi uchun darslik 5-nashri. – Toshkent: "O'qituvchi" NMIU, 2013, 144 b.

67. Rafiyev A., O'zbek tili: ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 9-sinfi uchun darslik. Qayta ishlangan 3-nashri. – Toshkent: "O'qituvchi" NMIU, 2014, 128 b.

68. Рогова Г.В., Верещагина И.Н. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе. – М.: Просвещение, 1988, 66 с.

69. Розенбаум Е.М. Основы обучения диалогической речи на языковом факультете педагогического вуза: Автореф. дисс. ... доктора педнаук. – М., 1983.

70. Рябухина Е.А. Реализация компетентностного подхода в спецкурсе по речевой деятельности // Русский язык в школе. 2013, № 4, 17–23 с.

71. Сиддик Мўмин. «Сўзлашув санъати» (илмий-оммабон нашр): – «Фарғона» нашриёти, 1997, 100 б.

72. Слесарева И.П. Проблемы описания и преподавания русской лексики. Изд. 2-е, исправленное. – М.: Русский язык, 1990, 20 с.

73. Солтовская Г.Н., Юрчишина Г.В. Конкурс-марафон по межкультурному деловому общению в профильном классе // Иностранные языки в школе, № 5, 66–70 с.

74. Толипова Р., Қодирова Ф., Икромова Н., Исоқова М. Ўзбек тили: Таълим рус тилида оlib борилadigan мактабларнинг 2-синфи учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001.

75. Толипова Р., Исоқова М. Ўзбек тили: Таълим рус тилида оlib борилadigan мактабларнинг 3-синфи учун дарслик. 2-нашри. – Тошкент: «Ўқитувчи», 2002, 128 б.

76. Tolipova R., Ubaydullayeva N. O'zbek tili: Ta'lim rus tilida olib boriladigan umumta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. Toshkent: «O'qituvchi», 2005, 144 b.

77. Tolipova R., Yo'ldosheva H., Qosimxo'jayeva D. O'zbek tili: Ta'lim rus tilida olib boriladigan umumta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. To'ldirilgan, uchinchi nashri. – Toshkent: «Sharq», 2005, 192 b.

78. Толипова Р., Йўлдошева Х. ва бошқ. 2 нашри. – Т.: «Ўқитувчи», 2002, 176 б
79. Tolipova R., Yo‘ldosheva H., Shomirzayeva M. O‘zbek tili: Ta‘lim rus tilida olib boriladigan umumta‘lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Beshinchi nashri. – Toshkent: «O‘zbekiston», 2009, 144 b.
80. Толипова Р., Очилова М, Ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 7-синфи учун дарслик. 2-нашри. – Тошкент: “Ўзинкомцентр”, 2003, 162 б.
81. Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M. O‘zbek tili: Ta‘lim rus tilida olib boriladigan umumta‘lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. To‘ldirilgan uchinchi nashri. – Toshkent: «O‘zbekiston», 2009, 144 b.
82. Умарова Н.З. Талабаларнинг ўзбекча ёзма нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш методикаси (техника олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳларида): Пед.фан.ном. дисс. Автореф. – Тошкент: 2007, 21 б.
83. Умарова Ф. Ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълимда мулоқотнинг ўрни. // Тил таълими босқичларида узвийликни таъминлашнинг илмий-амалий муаммолари: «Ўзбек тили» доимий анжумани ўнинчи йиғини материаллари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2009, 118–119-б.
84. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти:/ Ўзбек тили. – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2017.
85. Формановская Н.И. Вы сказали «Здравствуйте!» (Речевой этикет в нашем общении). Издание 3-е.— М.: Изд-во Знание, 1982, 160 с.
86. Формановская Н.И., Соколова Х.Р. Речевой этикет: Русско-немецкие соответствия: Справочник. – М., Высш. Шк., 1989, 96 с.
87. Фролова Л.С. Формы учебного диалога на уроке // Русский язык в школе, 2008, № 7, 12–14 с.
88. Хазраткулов А. Диалогическая речь в современном узбекском литературном языке: Автореф. Дисс. ...канд. филол.наук. – Самарканд, 1966, 20 с.
89. Халдарова С.М. Семантико-структурные особенности диалогической речи в современном узбекском языке: Автореф. Дисс. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1974, 19 с.
90. Черненко Н.М. Стилистика компьютерного общения. // Русский язык в школе. 2009, № 5, 14 – 17 с.
91. Шешко Н.Б. Риторика. – Минск: Современная школа., Республиканское унитарное предприятие «Белорусской Дом печати», 2013, 272 с.
92. Юртаев С.В. Содержания языкового образования и речевого развития // Журн. “Начальная школа”, 2009, № 10, 21–25 с.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
1-БОБ. ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Нутқий мулоқот маданияти тушунчасининг талқини, структураси, ривожланиш шарт-шароитлари.....	4
1.2. Узлуксиз таълимда русийзабон ўқувчилар нутқий му- лоқот маданиятини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати	23
1.3. Ўқувчилар эгаллаган диалогик нутқ ҳолати, қолип- гаплар юзасидан билим ва малакалари тавсифи.....	41
2-БОБ. РУСИЙЗАБОН ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ЎСТИРИШНИНГ ЛИНГВОМЕТОДИК АСОСЛАРИ	
2.1. Қолип-гаплар ва уларнинг мавзувий гуруҳлари	47
2.2. Ўзбек ва рус тилларидаги қолип-гаплар ва муомала одоби қоидаларига қисқа қиёсий экскурс.....	55
2.2.1. Ўзбек тилидаги қолип-гапларнинг рус тилида ифодаланиши.....	55
2.2.2. Ўзбек ва рус тилларида муомала одоби.....	65
2.3. Ўзбек тилида нутқий мулоқот маданиятини ўргатишга доир таълим мазмуни (БКМлар).....	70
2.4. Ўқувчиларга ўзбек тилидаги нутқий мулоқот мадания- тини ўргатишга доир асосий ёндашув ва тамойиллар.....	83
3-БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ	
3.1. Ўзбек тили дарсларида русийзабон ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш воситалари, шарт-шароитлари, метод ва усуллари.....	91
3.2. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларга қолип-гапларни, улар билан боғлиқ равишда муомала одобини ўргатиш	98
3.3. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларга диалог шаклида ўзаро сўзлашишни ўргатишга доир машқлар тизими.....	113
Хулоса.....	143
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	145

ГУЛНОЗА МУХТОРОВНА АҲМЕДОВА

**РУСИЙЗАБОН ЎҚУВЧИЛАР
ИЎТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК
АСОСЛАРИ**

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2019

Мухаррир:	Ф.Махмудова
Тех. муҳаррир:	А.Мойдинов
Мусаввир:	В.Умаров
Мусахҳиҳа:	Ш.Мирқосимова
Компьютерда саҳифаловчи:	Н.Рахматуллаева

**E-mail: tipografiyacent@mail.ru Тел: 71-245-57-63, 71-245-61-61.
Нашр.лиц. АИ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 03.06.2019.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 9,25. Нашр босма табағи 9,75.
Тиражи 500. Буюртма № 97**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**